

O‘ZBEKISTON **ISSN 2181-502X** QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI

№2, 2025

Agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal



2025-YIL —

NASOSLAR

SAMARADORLIGINI

OSHIRISH YILI



СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ

Сув келтиргай мард киши,
Ўз халқини рози қилмоқ
матонатли мард иши.
Сув келтирмоқ — мард ишидир,
экин экар ҳар киши,
Халқ иши — давлат ишидир,
Давлат иши — халқ иши.

Сув йўли ҳам сўз йўлидай
меҳнатлари оғирдир,
Сувсиз ерлар меҳрга зор
бағирлардай яғирдир.
Донишманд халқ оқар сувнинг
оқишига қара дер,
Шунга қараб элнинг
истак-хоҳишига қара дер.

Минг йиллардир гарчи асру
замонларнинг ораси,
От чопса гар гумбурайди
ҳамон тоғлар дараси.
Инсоният ибтидосин
Тешиктошга қаратган,
Мард элимсан, ор-номуснинг
кўргонларин яратган.

Ғаддорлигу ғирромликка
хуши йўқ, укуви йўқ,
Меҳридарё элдир ўзи,
лек ичмоққа суви йўқ.
Ойбалдоғим, Ойсулувим,
Ойсанамим, Ойсинглим,
Юз йилларким қўлда челақ,
кўзёшлари сой, синглим.

Сув келтирган элда азиз,
Сув келтирмоқ — мард иши,
Давлат иши — халқ ишидир,
Халқ иши — давлат иши.

Минг асрлик соғинчлардан
жимирлар жону таним,
Менинг жисму жоним сенсан,
жисму жоним Ватаним!

Улуғларинг умрларин
тупроғингга қорганлар,
Бир ариқ сув сўраб
ҳатто Масковгача борганлар.

Ғалдон, эпчил элчиларинг
пойтахтларга юбориб,
Ўз сувингни ололмадинг
минг йиғлаб, минг ёлбориб.

Келдилар сўнг ўхшаб бир қоп
шалвираган хашакка —
Тоғдай-тоғдай райисларинг
михландилар тўшақка...

Элдошларим, жонингизга
Оллоҳ бермиш тўзимлар —
Емирилди Сизни эзган
у мустабид тузумлар.

Чирқирайди улар ҳали
чорак аср тинмайин,
То бу элнинг шон-шавкатли
Раҳнамоси келмайин.
Сув келтирмоқ — мард ишидир,
баҳра олғай ҳар киши,
Халқ иши — давлат ишидир,
Давлат иши — халқ иши.

Сув келса гар — нур келгайдир,
яшнар кенту қишлоқлар,
Юз минг қалбада гўё бирдан
порлар минг-минг чироқлар.
Тешиктоғим — бешиктоғим,
мен нечун бўлмай мафтун,
Қатлам-қатлам ҳикматдирсан,
қатлам-қатлам тамаддун.

Термизийлар айвонидан
боқсам агар оламга —
Ҳам отамга ўхшайдирсан,
ҳам ўхшайсан онамга.
Дўмбиранинг қўш тори ё
Ойбарчин кокиллари —
Қирларингнинг кифтларидан
тушган темир йўллари.

Баланд-баланд тоғларингдан
ғурур олмиш, қалб олмиш,
Ҳар қизинг бир Ойбарчиндир,
ҳар ўғлинг — бир Алпомиш.
Қиш ўртаси — бодомлару
олчаларим гуллаган,
Бутун воҳа, боғу роғлар
мисли хушбуй гул лаган.

Она юртим, сен бир йилда
топган нашъу намолар
Минг йилда ҳам бўлмаган, дер
юздан ошган момолар.
Шу замоннинг шаштларига
мен мослай қадамимни,
Қайроқсойнинг тошларига
чархлайн қаламимни.

Қаён боқсам — ҳар қадамда
боғ пайдо, чаман пайдо,
Янги уйлар, янги туйлар,
юрт пайдо, Ватан пайдо.
“Баҳр ун-нажот”, “Наҳр ул-ҳаёт”
деган қутлуг каломлар —
Сўз мулкининг султонида
авлодларга саломлар.

Сув дегани нажот демақ,
Сув — бу обихаётдир,
Сув — бу гўзал турмуш демақ,
Сув келган жой — ободдир.
Аслида-ку, сел дуч келса,
сен симирган халқдирсан,
Тоғ келса ҳам мардонавор
сен емирган халқдирсан.



Сирожиддин САЙИД
Ўзбекистон халқ шоири.

Эй ёронлар, халқни кўринг,
кўринг орзу-ҳавасин,
Биз ёзмасак ким ёзгайдир
бу кунларнинг “Хамса”син?!.
Эл шод бўлиб, мамлакат ҳам
обод бўлмоғи керак,
Ҳар бир фарзанд энг камида
Фарҳод бўлмоғи керак!

Бойсундан то Зомин қадар,
Урганчдан то Андижон,
Она юртим, дурахшонсан,
Ота юртим — нурафшон.
Мен ҳам сенинг қирларингда
ўсган майса-лолангман,
Бир бойчечак висолига
чанқоқ шоир болангман.

Жамолингни кўз-кўз айлаб
кўз уйнатгим келади,
Бойчиборни уйнатгандай
сўз уйнатгим келади.
Сув йўли — бу нур йўлидир,
Сув келтиргай мард киши,
Давлат иши — халқ ишидир,
Халқ иши — давлат иши.

Сув келгайдир Бойсун томон
Ҳужамаҳихонадан,
Ўн саккиз минг уй ва эшиқ,
ўн саккиз минг хонадон —
Менинг яхлит кўнглим янглиғ
ёришгайдир бир зумда,
Элдошларим кўзидаги
ёшлар — Менинг юзимда.

Дуога қўл очинг демақ,
Ҳожи Бобо, оқсоқол:
Токи шу эл, шу халқ, Ватан
асло топмасин завол.
Дунё тургунча бор бўлсин,
Парвардигор ёр бўлсин,
Сув келтирган мардларининг
Давлати пойдор бўлсин!

ТОМОРҚА ВА ДЕҲҚОНЧИЛИК ЕРЛАРИДА ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 январь куни томорқада ва ижарага берилган экин ерларида даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизими бўйича йиғилиш ўтказди.

Омилкорлик ва таркибий ўзгаришлар туфайли қишлоқ хўжалиги майдонларидан мўл ҳосил олинмоқда. Шу билан бирга, бошқа ерларни ҳам "иқтисодий актив"га айлантириш, одамларни ишли қилиб, даромадини ошириш чоралари кўрилаяпти.

Масалан, 5 миллиондан зиёд хонадонда 508 минг гектар томорқа, аввал ташкил этилган деҳқон хўжаликлариди 17 минг гектар ва сўнгги йилларда аҳолига тарқатилган 260 минг гектар ер бор. Бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда энг катта захира.

Ўтган 7 йилда томорқа эгалари ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун жами 2,3 триллион сўм имтиёзли кредит ва 265 миллиард сўмлик субсидия берилган. Одамларнинг кўникмасидан келиб чиқиб, 5 минг 145 та маҳалла мева-савзавот етиштириш, кўкатчилик, лимончилик каби йўналишларга ихтисослаштирилган.

Энг асосийси, одамлар ерга ишлашни, замонавий агротехнологияларни қўллашни яхши ўрганди. Илгари томорқада гектаридан ўртача 18 тонна маҳсулот олинган бўлса, ҳозирда бу 2 карра ошиб, 38 тоннага етди.

Маҳаллаларда қўшимча 470 минг тонна мева-савзавотни сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш қувватлари яратилди. Бу борада яхши тажриба яратган туман ва маҳаллалар жуда кўп. Асака, Жондор, Шаҳрисабз, Уйчи, Қизилтепа, Янгийўл, Тойлоқ, Ангор, Қува, Олтиариқ каби ўнлаб туманларда одамлар томорқадан 2-3 марта ҳосил олиб, бир сотихдан ўртача 15-20 миллион сўм даромад топаёпти.

Бундай ишларни бошқа жойларда ҳам ривожлантириш учун аҳоли, қайта ишловчилар ва экспортчиларнинг тақлифлари ўрганилди.

Масалан, самарқандлик боғбонлар узум қўчатини шпалерга ўтказиш учун субсидия беришни сўраган. Бундай усулда ҳосил 2 карра ошади. Бу қўллаб-қувватланиб, ҳар бир шпалер учун 15 минг сўмгача субсидия ажратиладиган бўлди. Шунингдек, майизни осма усулда қуришти ускуналари учун оилавий тадбиркорлик дастури доирасида имтиёзли кредит берилиши айtilди.

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Тасмасой маҳалласида 875 та хонадон томорқасида цитрус мева қўчати ва лимон етиштириб, ҳар бири йилига 200 миллион сўмгача даромад олаяпти. Сариосиё ва Олтинсойдаги мингдан зиёд хонадонлар ҳам "ҳандак" ва "термос" усулида лимон етиштириш ташаббусини билдирган.

Янгийўллик деҳқонлар ҳам ўзимизнинг кўкат уруғлари йўқолиб кетгани, сифатли нав етишмаслигини айтган. Булар бўйича вазиятни ўнглаш, аҳоли ташаббусларини амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари томорқа ва деҳқончилик ерларида юқори даромадли ва экспортбоп экинлар экиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва молиялаштириш бўйича янги ташаббусларни маълум қилди.

Деҳқон хўжаликлари ва томорқани ривожлантириш бўйича алоҳида кенгаш тузилади. У аҳолини ўқитишдан тортиб, уруғ, қўчат етказиш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга чиқариш занжирини яратиш билан тизимли шуғулланади.

Мазкур кенгаш бошқарадиган "Ўзагростар" холдинг компанияси ташкил этилади. Бунда 9 та давлат банки ушбу холдинг таркибида мева-савзавотчилик йўналишларига ихтисослашган 15 та компания очади. Ушбу компаниялар мева-савзавот етиштириш бўйича ўз брендини яратган 15 та драйвер туманни янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг тажрибасини яна 72 та туманда оммалаштиради.

Ҳар бир компанияга бюджетдан 20 миллиард сўмдан маблағ ажратилади. Бунга қўшимча банклар ҳам ўзлари масъул бўлган ихтисослашган компанияга 10 миллион доллардан йўналтиради. Томорқа кенгашида алоҳида жамғарма ташкил қилиниб, дастлабки босқичда 260 миллиард сўм пул ва 1,2 триллион сўмлик кредит портфели берилади.

Бунинг ҳисобига банк раҳбарлари бириктирилган туманлардаги ихтисослашган маҳаллалар аҳолисини ўзига мижоз қилиб, маблағ билан таъминлайди. Томорқада ҳосилни кўпайтириш учун четдан янги технология ва экспертлар олиб келади. Хонадонларга ҳосилдор уруғ ва қўчат, сифатли

ўғит етказиш, агротехник хизматлар кўрсатиш, маҳсулотини қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилишда кўмаклашадиган тизим ташкил этилади.

Уруғчилик институтлари билан ҳамкорлик ривожлантирилади. Танлаб олинган туманларда “яшил” иссиқхоналар ташкил этилиб, намуна қилинади.

Умуман, аҳоли томорқасида озиқ-овқат етиштиришни молиялаштириш учун қарийб 5 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди.

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгаларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча имкониятлар яратилади.

Жумладан, маҳалла ва хонадонларда музлаткич, қадоқлаш, қуришти, қайта ишлаш омборлари ва иссиқхоналар қурилиб, аҳолига 5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан тайёр ҳолда берилади. Томорқа хизматларини йўлга қўйган тадбиркорларга 7 йил муддатга 17,5 фоизли имтиёзли кредит ажратилади. Аҳоли ва деҳқонларнинг энг намунали лойиҳалари учун ҳар йили 20 миллиард сўмлик грантлар эълон қилинади. Бунда 500 та маҳалладаги энг зўр лойиҳага 40 миллион сўмдан грант берилади.

Шу билан бирга, маҳаллада экспортбон маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиб берган уста-деҳқонларга 100 миллион сўмгача, қисқа муддатли ўқув курсини ташкил қилганларга 5,5 миллион сўм субсидия ажратилади. Сув таъминоти оғир жойларда ёмғир сувини тўплаш ва сақлаш сизимини қуриш харажатининг ярми қоплаб берилади.

Яна бир янгилик – Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлаш лойиҳаларига кредит ажратишда гаров талаб қилинмайди. Бунда суғурта полисининг ўзи етарли бўлади. Деҳқонларга ортиқча ҳужжатларсиз имтиёзли кредит берилади.

Томорқа ва деҳқон хўжалиги ерлари, уларда етиштирилган маҳсулот ҳисобини юритиш бўйича ҳам янги тизим бўлади. Бунинг учун йил якунигача томорқалар ва экин ерлари алоҳида таснифланади. Уларда нима экилгани “онлайн маҳалла” платформасига киритилади.

Ердан самарали фойдаланиб, бир сотихда 5 миллион сўмдан юқори расмий даромад олаётган деҳқонларга ер солигининг 90 фоизи “кэшбек” сифатида қайтариб берилади. Аксинча, томорқасига экин экмаганлардан ер солиғи оширилган миқдорда ундирилади.

Ҳозир бу соҳада “рақамли бозор” бўлмагани учун деҳқонлар мева-сабзавотига харидор, қайта ишловчи ва экспортчилар эса маҳсулот қидириб юрибди. Шу боис уларни ўзаро боғлайдиган “маркет плейс” ишга туширилади.

Охириги уч йилда 260 минг гектар ер аҳолига бўлиб берилган эди. Энди бу такомиллаштирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах ва Тошкент вилоятларида бўш турган 3 минг 300 гектар ер тажриба тариқасида янги тартибда ижарага берилади. Бунда, контурлар 3 гектардан 50 гектаргача яхлит ҳолда савдога қўйилиб, 49 йилга ижарага берилади.

Энг муҳими, бу ерлар тупроқ таркиби ва сифати таҳлили, кафолатли сув лимитини энг паст ва энг юқори чегаралари кўрсатилган ҳолда аукционга қўйилади. Бунда, нафақат шу ҳудуддаги, балки бошқа вилоятдаги тадбиркорлар ҳам қатнашиб, ер олиши мумкин бўлади. Аукцион бошлангич нархни пасайтириб бориш ва бир йўла тўлаш шарти билан ўтказилади. У ерларнинг бир қисмига сақлаш ва қадоқлаш қувватлари қуришга ҳам рухсат берилади.

Келгуси йилдан қишлоқ хўжалиги ерлари учун солиқ ҳисоблаш тартиби ҳам ўзгаради. Ижарага берилган ернинг балл-бонитети ошса, тўланадиган солиқ ўзгармайди, аксинча тушиб кетса, солиқ ставкаси 3 карра ошади.

Юртимизда энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотлардан бири картошқадир. 290 минг гектарда экилса ҳам, эҳтиёжнинг бир қисми импортдан қопланапти. Негаки нав ва ҳосилдорлик яхши эмас.

Шу боис Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот институтига иқлимга мос, серҳосил навларни яратиш, “ин-витро” усулида йилига 3 миллион дон туганаклар етиштириб, тарқатиш вазифаси қўйилди.

Бу йил картошқачиликни ривожлантириш учун Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан 400 миллиард сўм йўналтирилади. Четдан олиб келинадиган уруғлик картошқа уч йилга божхона божидан озод қилинади. 2027 йилдан картошқага эҳтиёж тўлиқ ички имконият ҳисобидан қопланиши режалаштирилган.

Шунингдек, маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш учун техникалар етказиб бериш, деҳқонларга қулай лизинг маҳсулотлари тақдим этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳудудлардаги уста деҳқонлар ва томорқа эгалари билан мулоқот қилди. Улардан бири – ҳовлисидagi иссиқхонада йилига 4 марта ҳосил олиб, юқори даромад топаётган қорақалпоғистонлик Генжимурат Турдимуратов “Дўстлик” орденига лойиқ кўрилди.

Мутасаддилар ва банк раҳбарлари ушбу янги ташаббусларни жорий қилиш, 1 миллион 500 минг аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари бўйича ахборот берди.



МАМЛАКАТИМИЗ СУВ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ФАОЛИЯТИ РАҚАМЛАРДА

**Президентимиз томонидан “2024 йил – суғориш тармоқларида сув йўқотишларини камайтириш бўйича зарбдор йил” деб эълон қилинди.*

2024 йилда эришилган натижалар

**ЙИЛ
ДАВОМИДА:**

555 км
каналлар реконструкция
қилинди.

Кластер, фермер хўжаликлари томонидан
13,5 минг км
ички суғориш тармоқларига
бетон қопламага ётқизилди.

31 та
гидротехника
иншооти

2,8 м³
сув чиқариш
қувватига эга
насос станциялари

43 та
суғориш қудуғи

6 млн. м³
сув йиғиш ҳажмига эга
сув омборлари қурилди
ва реконструкция қилинди.

850 минг гектар
майдонда сув тежовчи техноло-
гиялар жорий этилди. Шундан:

 **85 минг гектар**
томчилатиб;

 **37 минг гектар**
ёмғирлатиб;

 **31 минг гектар**
дискрет;

 **174 минг гектар**
эгилювчан қувур ва эгатга
плёнка тўшаб суғориш.

1 минг 700 га
яқин насос станция ерларни
суғоришга ишлатилди.

 **156 та** насос

 **154 та** электродвигател

 **105 та** конденсатор

 **88 та** қуёш
батареялари

 **29 та**
сув иситиш
қурилмалари
ўрнатилди.

7 та лойиҳа доирасида
халқаро молия
институтлари
маблағлари
ҳисобидан

 **190 та**
тик қудуқ бурғуланди

 **223 та**
гидротехника иншооти

 **62 км**
канал реконструкция
қилинди.

Сув хўжалиги соҳасида рақамлаштириш:

Сув ресурсларини онлайн
кузатиш имконини берувчи

Ерларнинг минераллашганлик
даражасини назорат қилувчи

1 620 та
“Ақлли сув” қурилмаси

2943 та
“ДИВЕР” қурилмаси ўрнатилди

24 та йирик сув хўжалиги иншоотининг
бошқаруви автоматлаштирилди.

Лимитга нисбатан

350 млн кВт/соат
электр энергияси
иқтисод қилинди.

Қишлоқ хўжалигида

8 млрд м³
сув иқтисод қилинди.

523 минг гектар
майдонларда лазерли текислаш
ишлари амалга оширилди.

Шўрланган майдонлар

510 минг гектарга
камайд.

Ирригация тизими ва суғориш
тармоқларининг ФИК

0,66 дан **0,67** га ошди.

*Президентимиз томонидан 2025 йил – “Насослар самарадорлигини ошириш йили” деб эълон қилинди.

2025 йилдаги асосий вазифалар

ЖОРИЙ ЙИЛДА:

-  **97 та** насос
-  **109 та** электродвигател
-  **117 та** конденсатор
-  **450 кВт** қуёш батареялари
-  **27 та** сув иситиш қурилмалари ўрнатилди.

Лимитга нисбатан

100 млн кВт/соат
электр энергияси тежалади.

Ирригация тармоқларида сув
йўқотилишини камайтириш мақсадида

-  **586 км** каналлар,
-  **15 минг км** ички суғориш тармоқлари бетон қилинади.
-  **21 км** лоток тармоқлари,
-  **45,3 км** ёпиқ суғориш қувурлари,
-  **268 км** коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилади.
-  **5 300 та** гидротехника иншооти,
-  **5 130 та** гидropост таъмирланади ва тикланади.

500 минг гектар

майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди. Шундан:

 **75 минг гектар**
томчилатиб

 **35 минг гектар**
ёмғирлатиб

 **28 минг гектар**
дискрет;

 **94 минг гектар**
бошқа суғориш усулларига ўтилади.

 **268 минг гектар**
майдонлар лазерли текисланади.

Сув тежовчи технологиялар қамрови

2,4 млн гектар (55 %) га
етказилади.

Сув ҳўжалиги соҳасида рақамлаштириш:

Сув ресурсларини
онлайн кузатиш
имконини берувчи

1 623 та
“Ақлли сув”
қурилмаси

Ерларнинг минерал-
лашганлик даражаси-
ни назорат қилувчи

2 850 та
“ДИВЕР” қурилмаси
ўрнатади

15 та йирик сув ҳўжалиги иншоотининг
бошқаруви автоматлаштирилади.



“Сув ҳисоби” ахборот тизими (АТ)
ишга туширилади.

Ирригация тизими ва суғориш
тармоқларининг ФИК

0,67 дан **0,68** га ошади.

Шўрланган майдонлар

510 минг гектарга
камайди.

Қишлоқ ҳўжалигида

8,5 млрд м³
сув иқтисод қилинади.

ТЕЖАМКОРЛИК ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Бугун дунёда экологик вазият, табиий офатлар ва қурғоқчилик кўпайиб бораётган бир пайтда сув ресурсларидан тежамкорлик билан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш долзарб масала саналади. Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган концепцияси аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йилнинг 7 ноябрь куни қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, унда 2025 йил — сув хўжалигида «насослар самарадорлигини ошириш йили» бўлиши белгиланган эди. Шунингдек, видеоселектор йиғилишида, сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан галдаги вазифалар белгилаб берилганди. Бу ўз навбатида, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, электр энергияни ҳам тежашни чоралари ўз ичига олади.

Бу борада Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфида бугунги кунда 37 та насос станциялари ва 170 дона насос агрегатлари мавжуд бўлиб шундан; суғориш насос станциялари сони 31 дона, мелиоратив насос станциялари сони 5 та, яйлов сув таъминотига хизмат кўрсатувчи насос станциялар сони 1 тани ташкил этади, мавжуд агрегатлар-

ни лойиҳавий сув чиқариш қобилияти 155,135 м³/сек.ни умумий қуввати эса 92 893 кВт. ни ташкил этади.

Бошқармаси томонидан бугунги кунда энергия тежамкор қурилмалар сотиб олиш орқали

Конимех-2 насос станциясига 15 кВт, Қизилтепа туманида жойлашган Навоий насос станциясига 25 кВт ҳамда бошқарма биносига 85 кВт лик қуёш панеллари ўрнатилиб ишга туширилди.



электр энергияни иқтисод қилиш бўйича давлат дастури асосида 5 та насослар, 7 та электродвигателлар, 2 та қуёш панеллар, 2 та частота ўзгартирувчи қурилма, 2 та конденсатор қурилмаси, 2 та қуёш сув иситиш қурилмаси, 148 та светодиода лампалар ҳамда 700 метр кабель сотиб олиб ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, электр энергияни иқтисод қилиш мақсадида қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш мақсадида Навбаҳор туманида жойлашган Конимех-1 насос станциясига 65 кВт,

Шу билан бирга бошқарма ҳисобидаги 15 та ер ости тик қудуқларига электр энергияни тежаш мақсадида замонавий конденсатор қурилмалари ўрнатилиб, бу орқали йилига 250 минг кВт энергия иқтисод қилиш режалаштирилган.

Албатта бу каби соҳада амалга оширилаётган ишлар пировардида, биз учун муҳим ресурс ҳисобланган энергия сарфи тежалиб, сув таъминоти борасида ҳам янги кўрсаткичларга эришилади ва натижада қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш қўламини ошишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

ЗИММАМИЗГА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА ЮКЛАНГАН

“Сувхўжаликназорат” инспекциясининг Жиззах вилоят бошқармаси томонидан вилоят ҳудудидаги гидротехника иншоотларининг фаолияти ва ҳолати доимий назоратга олинган.



Жумладан, 2024 йил давомида ўта муҳим гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги, ишончли ишлаши ҳамда қўриқланишига қаратилган 23 та инспекторлик текширувлари ўтказилди. Жараён давомида 120 дан ортиқ камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф қилиш чоралари кўрилди.

Мутахассисларимиз томонидан шунингдек, вилоят ҳудудидаги 17 та сув ва сел сув омборлари, бошқа йирик гидротехника иншоотларининг баҳор-ёз ойларида содир бўлиши мумкин бўлган сув тошқинларини талофатсиз ўтказишга тайёргарлигига жиддий эътибор қаратилди.

Чунончи, ўтган икки йил давомида инспекция назоратидаги 7 та сув омбори, 1 та канал, 2 та гидроузел, 6 та насос станциясининг ишлаши хавфсизлик декларациясига мувофиқлиги ўрганилди. 4 та объект, жумладан, Жиззах бош насос станцияси (ЖБНС), Жиззах бош зовури (ЖБЗ), “Жиззах” сув омбори (ЖСО) каби йирик объектларнинг хавфсизлик декларацияси рўйхатга олинди. Ўта муҳим гидротехник иншоот – Сангзор дарёсидаги 4 та гидроузелларнинг хавфсизлик декларацияси қайта ишлаб чиқиш ишлари якунига етмоқда.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Йил мобайнида 1 минг 36 марта назорат тадбирлари ўтказилиб, уларда 1 минг 760 дан ортиқ камчиликлар аниқланди. 380 нафар сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчиларига жами 242 миллион 564 минг сўмлик жарима санкциялари қўлланиб, ундирилиши таъминланди.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларининг бузилиши, сув ҳисобини юритмаслик, гидротехника ишларини ўзбошимчалик билан бажариш ҳолатлари бўйича ҳуқуқбузарлик содир этган 96 нафар шахсга нисбатан жами

94 миллион 143 минг сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди, тўпланган 49 та ҳужжат маъмурий судларига юборилди.

Қонун бузилиш ҳолатлари келиб чиқишига шарт-шароит яратиб берган сабабларни бартараф қилиш юзасидан 12 та туман ҳокимликлари ва “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларига тақдимномалар киритилди.

Ўз ўрнида сув истеъмолчиларининг мурожаатлари ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Йил давомида 400 нафарга яқин сув истеъмолчиларининг оби-ҳаёт етказиб бериш борасидаги аризалари ижобий ҳал этилди.

Сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш борасидаги ишлар ҳам назоратимизда. Йил давомида 7 та тумanning 11 минг 157 гектар ер майдонида қурилган, бироқ ишламаётган сув тежовчи технологиялар аниқланди ва уларни ишга туширишда амалий ёрдам сўралган хатлар жойлардаги прокуратура органларига чиқарилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга сувни тежовчи технологияларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича 469 та огоҳлантириш хатлари берилди.

Президентимизнинг фармон ва қарорлари, ҳукумат кўрсатмалари ижросини таъминлаш, “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунга амал қилиш борасида “Сув текин эмас”, “Оби-ҳаётни асрайлик” мавзуларида 30 дан ортиқ тарғибот тадбирлари, семинарлар ташкил қилинди.

Ғайрат ШОДИЕВ,

“Сувхўжаликназорат” инспекцияси
Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи.

ЖБНС: МАМЛАКАТ СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ЙИРИК ТАШКИЛОТ

Жиззах бош насос станциялари (ЖБНС) бошқармаси тасарруфида 6 та қудратли гидротехник иншоот - 4 та насос станцияси ва 2 та машина каналлари мавжуд. ЖБНСга қарашли иншоотлар ва каналлар орқали Сирдарё вилоятининг Ховос, Жиззах вилоятининг Зомин, Зарбдор, Ш.Рашидов, Пахтакор, Фориш ва Янгиобод туманларидаги экинзорлар оби-ҳаёт билан таъминланмоқда.

Бошқармага қарашли насос станцияларида ҳаммаси бўлиб 17 та насос агрегати бор ва улар ёрдамида сонияга жами 265 куб метр сув чиқариш имконияти мавжуд. Мазкур қурилмаларнинг қудрати ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун яна бир фактни келтириш кифоя: улар тўла қувват билан ишлаганда бир йилда 91 минг 842 гектар экин майдонларига 1 ярим миллиард куб метр атрофида сув етказиб бериш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, бошқарма таркибида “Янгиобод” насос станциялар каскади ҳам мавжуд бўлиб, ушбу тизимдаги 4 та насос станцияси тортиб бераётган сув билан Янгиобод туманининг лалми ерларидан юқори ҳосил олинмоқда.

– Насос станцияларимиз ва йирик гидротехник иншоотларимизнинг йил давомида бекаму-қўст ишлаши учун мавсумлар оралигидаги жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажаришимиз керак, – дейди бошқарма бошлиғи Низом Ўралов. – Хусусан, бугунгача 8 та электродвигател, 4 та трансформатор ва 14 та насос агрегатлари таъмирланди. 14 та ҳаво суриш клапанлари, 2 та компенсатор, 60 та босимли қувур атрофидаги темир-бетон тиргаклар қайта тикланди. Балансимиздаги машина каналларидаги сув олиш иншоотлари, қирғоқ дамбалари мустахкамланди.

ЖБНС электр энергиясини кўп истеъмол қиладиган ташкилот ҳисобланади. Бу борада тежамкорликка эришиш учун электр энергиясини иқтисод қилувчи замонавий қурилмаларга эътибор қаратилмоқда. Масалан, ўтган 2024 йилнинг

ўзида 1 та насос, 3 дона электродвигател, 30 кВт. ли қуёш панели, 360 метр кучланиш кабелли ва 150 та светодиод лампалар (буларнинг ҳаммаси энергия тежамкор) сотиб олиб, жой-жойига ўрнатилди.



Ташкилотда 350 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларнинг доимий равишда моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилаётгани иш унумининг юқори бўлишига замин бўлмоқда.

– Ҳар бир участка ва каналлар атрофидаги бўш турган ерлардан самарали фойдаланиб келямиз. Масалан, ўтган йили ДМ-1 канали муҳофаза 2 гектар майдонда шоли етиштирилди, – дейди бошқарма касаба уюшмаси қўмитаси раиси Абдували Ҳотамов. – Шунингдек, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этганмиз. Бугун уларда 10 бош йирик, 150 бош майда шохли моллар боқилмоқда. Паррандачилик соҳасидаги ишларимиз ҳам таҳсинга лойиқ: 300 та товуқ, 200 та ўрдак ва ғозимиз бор.

2024 йилда ташкилотдаги ходимларга ёрдамчи хўжалик ҳисобидан жами 10 тоннага яқин гуруч, мол ва товуқ гўшти, 20 минг дондан ортиқ тухум бепул тарқатилди. Насос станциялари ва каналлар атрофидаги ерлардан самарали фойдаланиш натижасида етиштирилган умумий оғирлиги 40 тоннага яқин сабзи, пиёз, картошка, ошқовоқ ва лимон ҳам меҳнат жамоаси аъзоларининг дастурхони серфайз бўлишига салмоқли ҳисса қўшди.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Supported by the SDC



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC



TOMCHI

ТОЗА СУВ – ТОТЛИ ҲАЁТ



Мамлакатимизда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, оқова сув хизматлари сифатини янада яхшилаш, соҳага илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мувофиқ технологияларни татбиқ қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 80,9 фоизга, оқова сув чиқариш хизмати 20,9 фоизга етказилди.

Шу мақсадда сўнгги йилларда 4 636 км ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортилди, 1 568 та ичимлик ва оқова сув иншоотлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Шунингдек, халқаро молия институтларининг 185,5 млн. АҚШ доллар маблағи ҳисобидан 243 км ичимлик, 84 км оқова сув тармоқлари тортилди. Бундан ташқари, 1 та сув тозалаш, 14 та сув тақсимлаш иншооти, 1 та сув минораси, 13 та сув қудуғи ва 18 та сув резервуари, 3 та оқова сув тозалаш иншооти ҳамда 2 та оқова сув насос станцияси қурилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги қонунида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан аҳоли пунктларини ичимлик сув таъминоти билан таъминлаш учун давлат ижтимоий буюртмалар берилиши назарда тутилган.

Ижтимоий буюртманинг асосий жиҳати шундаки, унда аҳоли иштироки таъминланиб, амалга оширилаётган қурилиш ишларининг ҳар бир босқичидан хабардор этиб борилади.

Аҳоли ўзи учун қурилган объектларнинг барча босқичларини ўзи бошқариб, самарали фойдаланади ва хизматлар учун тўловлар ҳам ўз вақтида ундирилади.

Ўтган 2024 йилда республикаимизнинг олис ҳудудларидаги 40 минг аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш учун 10 та сув иншооти қуриш ва 158 км тармоқ тортиш бўйича давлат ижтимоий буюртмалари шакллантирилди. Бу ишларни молиялаштириш учун 50 млрд сўм маблағ ажратилди.

Мана шу жараёнда “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси 3-босқич” иштирокида ичимлик сув таъминотини амалга

ошириш соҳасига хусусий сектор ва жамоатчилик ташкилотларини жалб этиш юзасидан илғор хорижий тажрибалар ўрганилди.

Ўрганишлар натижасида лойиҳа бошқарувчисини танлаш бўйича тендер комиссия ташкил этилиб, танловнинг аниқ мезонлари қабул қилинди. Танловда “Тараққиёт” аҳолининг турмуш тарзини ривожлантиришга кўмаклашиш маркази” ННТ ғолиб бўлди ва лойиҳа бошқарувчиси этиб белгиланди.



Ҳозирда пудрат ташкилотлари томонидан 44,7 км узунликдаги ичимлик сув тармоқларини тортиш ва 3 та ичимлик сув қудуғини қазिश, 300 м³ захира суви сақловчи 5 та иншоотни қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Қурилаётган объектлар ушбу 9 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги жамоатчилик бошқаруви учун топширилади. Шу мақсадда жамоатчилик фаолларининг расмий фаолият юритишлари учун 9 та нодавлат-нотижорат ташкилот ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, шундан 2 та нодавлат-нотижорат ташкилот фаолиятини бошлади.

Шунингдек, лойиҳа кўмагида давлат ижтимоий буюртмаларини самарали амалга ошириш ҳамда бу борада аниқланган салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан махсус ўқув дастури ишлаб чиқилиб, 2024 йилнинг 1-17 декабрь кунлари масъуллар учун онлайн ўқув ташкил этилди.

Сув – энг азиз неъмат. Унинг бир томчисини ҳам увол қилиб бўлмайди. Шу боис “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси 3-босқич” табиий сув захирасини тежаш, аҳоли саломатлигига дахлдор бўлган табиат неъматларини кўз қорачиғидек асраш, халқ фаровонлигини ошириш учун хизмат қилмоқда.

Ғайрат РАҲИМОВ,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ичимлик ва оқова сув тизимини ривожлантириш ҳамда эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи.

Қонунчиликда янгиликлар



2025 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИ БЎЙИЧА ЯНГИ ТАРТИБЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Ўзбекистонда пахта хомашёсини етиштириш ва сотишда бозор механизмларини такомиллаштириш бўйича янги қоидалар белгиланди.

● Бунга кўра:

- Пахта хомашёсининг бошланғич нархи Нью-Йорк биржасидаги фьючерс котировкалари асосида 1 февралгача эълон қилинади;
- Барча олди-сотди шартномалари (фьючерс, форвард, спот) Товар-хомашё биржаси савдолари орқали амалга оширилади;
- Фьючерс шартномалари: 1-ноябрдан 1-июнгача бошланғич нархдан паст бўлмаган ҳолда тузилади;
- Форвард шартномалари: 1-ноябрдан 1-мартгача ўзаро келишилган нархларда тузилади;
- Спот шартномалари: Омбордаги ҳажмдан келиб чиқиб, реал вақт режимида амалга оширилади;
- Омбор ёки ижарага олинган жойга эга бўлмаган хўжаликлар 1-мартгача форвард ёки 1-июнгача фьючерс шартномаларини расмийлаштириши лозим.

● Рақобатни рағбатлантириш учун

- Биржа орқали пахта сотган хўжаликларга 10% субсидиялар ажратилади.
- Имтиёзли кредитларни ўз вақтида қайтарган хўжаликларга фоиз тўловларининг 4% қисми қайтариб берилади.



Ушбу чора-тадбирлар пахта етиштириш ва сотиш жараёнларида бозор механизмларини янада самарали жорий этишга қаратилган.

ЭНГ ҚИММАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКИНЛАРИ

ҲАР ЙИЛИ 10 ФЕВРАЛЬ САНАСИДА БУТУНЖАҲОН ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ КУНИ НИШОНЛАНАДИ. УШБУ КУН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ТОМОНИДАН ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРНИНГ ОЗУҚАВИЙ ҚИЙМАТИ, БАРҚАРОР ОЗИҚ-ОВҚАТ ТИЗИМЛАРИГА ЎТИШ УЧУН АҲАМИЯТИ КАТТА ЭКАНЛИГИ САБАБЛИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН.

Дунёда фан ва технологияларнинг кескин ривожланишига қарамасдан, озиқ-овқат муаммоси энг асосий глобал муаммолардан бириликча қолмоқда. Чунки жаҳонда йилдан-йилга экологик аҳволнинг кескин ўзгариши ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилаётган майдонлар қисқариб, аҳоли сонининг ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги етиштирилган маҳсулотларнинг миқдори билан бирга унинг хилма-хиллиги, экологик жиҳатдан тозаллиги, инсон соғлиги учун фойдали минералларга бойлиги билан аҳамиятлидир. Шу муносабати билан аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги учун қишлоқ хўжалигини устувор қўйиб, уни янада ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Дуккакли дон экинлари дуккакдошлар оиласига мансуб бўлиб, 550 авлод ва 12100 дан ортиқроқ турдан ташкил топган ва ер шарининг қарийб ҳамма қисмига тарқалган. Биргина Ўзбекистонда эса 57 авлоди ва 470 дан кўпроқ тури бор.

Ер юзидда дуккакли дон экинлари 240 млн га майдонга асосан соя, ловия, мош, нўхат, ясмиқ кўп экилади. Бугунги кунда дунёда соя экилган майдон 130,5 миллион гектар бўлиб, 381,2 миллион тонна дон ҳосили олинмоқда. Сўнгги ўн йилда соя экинлари майдонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1,7 фоизга, ҳосилдорлик эса 1,0 фоизга ошди. Нўхот эса дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида йилига 21 млн. гектарга яқин майдонга экилиб, умумий ҳисобда 15-18 млн. тонна дон ҳосили етиштирилмоқда. Дунё бўйича мошдан олинадиган ҳосил 5,3 млн. тоннани ташкил этади, мошни кўп етиштирувчи давлат Ҳиндистон ҳисобланади. Шунингдек, мош ўсимлиги Осиёнинг етакчи давлатларида, жумладан мамлакатимизда кўп етиштирилмоқда.

Ўзбекистоннинг сувли ерларида ловия, мош, лалми ерларида эса нўхот қадимдан экилиб келинади. Охириги йилларда соя экинига катта эътибор берилиб, оралиқ экин сифатида кузги вика, кўк нўхот, қизил себарга, эсбарсет, шабдар ҳам экилмоқда.

Республикаимизда 2024 йилда жами 1,2 млн гектар майдонда кузги ғалла парваришланган бўлиб, бу такрорий экинлар экиш учун катта имкониятдир. Шунингдек, республикаимизда пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш эвазига сабзавот-полид ва мева экинлари майдонларини кенгайтириш ҳисобига етиштирилаётган маҳсулот турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Биргина дуккакли дон экинларидан соя ва мошнинг майдонлари ва ҳосилдорлиги ҳам ошиб бормоқда. Охириги 5-6 йилда соя майдонлари 7-8 карра кўпайди. Натижада Ўзбекистон 2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида ҳорижга қиймати 85,5 млн АҚШ долларига тенг бўлган 106 655 тонна мош маҳсулоти экспорт қилган.





Дуккали дон экинларининг уруғлари озиқ-овқатга кенг қўламда ишлатилади. Улар витаминларга бой, тўйимлилиги жиҳатдан гўшт маҳсулотларига тенглаштирилади. Тиббиёт талаби бўйича бир йилда бир киши 4,3 кг мош истеъмол қилиши керак.

Бу тур экинлар селекция бўйича ҳам республикада салмоқли ишлар қилинмоқда. Давлат реестрига киритилган ва ишлаб чиқиришда кенг майқонларда экилиб келинаётган мошнинг “Наврўз”, “Радост”, “Қаҳрабo”, “Дурдона”, “Турон”, “Зилола”, “Замин”, “Осиё” каби навларини мисол қилиш мумкин. Селекционер олимлар меҳнати авазига янги “Барқарор”, “Зумрад” ва “Ишонч” каби тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркундаларда чидамли навлар яратилди ва Давлат реестрига киритилди.

2022 йилда асосий майдонларга жами 80,4 минг гектарга соя экилган бўлиб, ушбу ерларга 6,7 минг тонна уруғликлар етказиб берилди. Агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказиш эвазига 165 минг тонна соя дони жамғарилган.

Бугунги кунда республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларида давлат нав синовидан ўтган соянинг 27 та нави давлат реестрига киритилган ҳамда 4 та нави истиқболли деб топилган. “Арлета”, “Барака”, “Виктория”, “Мадад”, “Олтин тож”, “Парвоз”, “Нафис”, “Генетик-1”, “Сочилмас”, “Тўмарис Мман-3” кабилар шулар жумласидан. Истиқболли навлар сифатида эса, “Маданият Б”, “Замин”, “Зарбулоқ”, “Олмос” кабилар Давлат реестридан ўрин олган навлар ҳисобланади.

Дуккали дон экинлар озиқ-овқат ҳамда озуқа аҳамиятига эга, оқсилга бой дон олиш учун экилади. Дони оқсил, витамин, каротинга бойдир. Пишиб етилган дони бевосита таомларга ишлатилади. Улардан ёрма, ун тайёрланади. Дунбул мевалари сабзавот сифатида фойдаланади. Дуккали дон экинлар дони, кунжараси, пояси ва поҳоли эса чорва моллари ҳамда паррандалар учун қимматбаҳо, протеинга бой озуқадир. Мазкур экинлар тупроқни азотга бойитади ва бошқа экинлар учун муҳим ўтмишдош ўсимлик ҳисобланади.

Бу экинларнинг муҳим хусусиятларидан яна бири, кўпчилик турлари табобатда ҳам кенг қўлланилади. Уруғи, барги, илдизи, гулидан бир қанча касалликларни даволашда ишлатилади.

Дуккали дон экинлари такрорий ёки оралик экин сифатида якка ўзини ёки бошоқдошлар билан қўшиб куз-қиш ва қиш-баҳор даврида экилади. Кўк массаси қорамол учун озуқа ёки кўкат ўғит бўлади.

Бу экинларнинг дони оқсилга бой (25-30%). Оқсил миқдори бўйича улар ғалла дон экинларидан (буғдой, жавдар, арпа, сули ва бошқалар) 2-3 марта ортқ. У уруғларида 50% атрофида углеводлар, айримларида кўп миқдорда ёғ, маалан, соя уруғида 20-25 % бўлади.

“

Энг муҳими, дуккали дон экинларининг агротехник аҳамияти деҳқончиликда алоҳида ўрин тутди. Улар тупроқда ҳаводаги эркин азотни (1 га 100-250 кг/га) тўплаш билан бойитади, илдизиди азот тўловчи тугунак бактериялар ривожланади. Демак, улар бошқа экинлар учун яхши ўтмишдош ҳисобланади.

”

Умуман дуккали дон экинлари майдонларини кенгайтириш аҳолини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини кўпроқ қондириш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, тупроқ унмдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишда жуда аҳамиятлидир.

Шу жиҳатдан давлатимиз сўнгги йилларда бу экинлар майдонини тобора кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусанжон ИДРИСОВ,

Фарғона Давлат университети Мевачилик ва сабзавотчилик кафедраси доценти, қ.х.ф.ф.д.



Қовуншуносликка бахшида умр

Мастура Ҳалимова қарийб 50 йилдан буён аграр соҳа илмига ва амалиётига беминнат хизмат қилиб келаётир. У меҳнат фаолиятини давлат ҳўжалигида оддий ишчиликдан бошлаб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ТашДАУда сиртдан ўқиб, олий маълумотли бўлган. Кўп йиллар изланиб “Ўзбекистон шароитида эрта муддатда вақтинчалик плёнкали қоплама остида қовун етиштиришда нав танлаш, экиш муддатлари ва усуллари ўрганиш” мавзусидаги илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилган ва қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Бугунги кунда Сабзавот полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти Селекция лабораторияси катта илмий ходими бўлиб меҳнат қилмоқда.

Илмий изланишлари хусусида тўхталадиган бўлсак, у полиз экинлари ва навшунослиги борасида қовуннинг жами 11 та – “Роҳат”, “Кичкинтой”, “Дилхуш”, “Кўк мағиз”, “Гандмиён”, “Офтоб”, “Кўк тинни”, тарвузнинг “Ўринбой”, “Манзур”, “Ширин”, “Шарқ неъмат” навлари ва F1 чиллаки дурагайларининг муаллифларидан биридир. Ушбу навлар ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топган бўлиб, ҳозирда катта майдонларда экилиб, юқори ҳосил олинмоқда.

Олимнинг илм-фан олдидаги энг катта хизматларидан бири бу қовуннинг қадимги маҳаллий навларини сақлаб қолиш борасидаги саъй-ҳаракатидир. У кўп йиллар изланиб, тадқиқотлар олиб бориши натижасида қовуннинг йўқолиб кетиш хавфи остидаги 370 дан ортиқ маҳаллий нав намуналари коллекциясини ўрганди. Натижада 274 та нав намуналари уруғлари унвчанлигини сақлаб қолишга эришилди.

Мамлакатимизда ва хорижда ўтказилаётган илмий анжуманларда доимий иштирок этади. Жумладан, Тожикистонда ва Жанубий Кореяда ташкил этилган халқаро илмий конференцияларда илмий маърузалари билан иштирок этган. Мунтазам равишда радио ва телевидения орқали полизчиликда эришилган илмий янгилекларни тарғиб қилиб келади.

Давлат илмий-техника дастури доирасида у 10 га яқин лойиҳалар ижрочиси сифатида тадқиқотлар ўтказган. Масалан, 2018-2020 йилларга мўлжалланган Қовуннинг маҳаллий нав намуналарини ўрганиш, генофондини сақлаш ва экспортбop, серҳосил навларини ажратиш” мавзусида

амалий лойиҳага раҳбарлик қилди ва тадқиқотлар натижасида мамлакатимиздаги маҳаллий қовуннинг 350 дан ортиқ нав намуналари коллекцияси ўрганилди ва нав намуналарнинг янги авлодди уруғлари олинди ва сақлашга қўйилди.

2020-2021 йилларда бажарилган “Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитига мос, серҳосил ва экспортбop маҳаллий қовун навлари бирламчи уруғчилигини ривожлантириш” давлат гранти лойиҳаси раҳбари сифатида ҳам долзарб изланишларни амалга оширган.

Самарали хизматлари учун у 2020 йилда мамлакатимизда жорий этилган “Mo’tabar ayol” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Шунингдек, олимпиада ўтган йили Ашхабод шаҳрида бўлиб ўтган Economic Cooperation Organization 15-ECO Summit анжуманида қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун нуфузли медаль билан мукофотланди.

2022 йилда Президентимиз фармонида биноан “Дўстлик” ордени билан тақдирлангани Мастура опанинг 50 йилдан ортиқ фидокорона меҳнати, изланишлари эътирофидир.

“Тили тилни ёради” деган таъриф ўзбек қовунига берилган. Бу юксак таъриф замирида бутун эътиқодини, умрини қовунчиликка, унинг илмига бахшида этган Мастура опа сингари инсонлар меҳнати мужассам, албатта.

Улуғбек УСМОНОВ,
ўз мухбиримиз.

Пахтачиликнинг Дилбар олимаси

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
Агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти
Органик пахтачилик лабораторияси мудир, қишлоқ
хўжалиги фанлари доктори, профессор Дилбар Раши-
дова 1980 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институти-
ни тамомлаган. У 2010 йилда номзодлик, 2016 йилда
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертация-
сини муваффақиятли ҳимоя қилган, 2021 йилда профес-
сорлик илмий унвонини олган.



Олима меҳнат фаолияти да-
вомида ишга жиддий ёндошиши,
масъулиятлилиги, ўз билим ва
маҳоратини муттасил ошириб
бориши билан ажралиб тура-
ди. Кўп йиллик тажрибага эга
юқори малакали олим-агроном,
уруғшунос сифатида селекция
ва уруғчилик соҳасига илғор ус-
лубларни жорий этиш борасида
ҳамда янги стандартларни иш-
лаб чиқишда самарали меҳнат
қилиб келмоқда.

Унинг изланишлари маҳсули
сифатида мамлакатимизда
уруғлик сифатини аниқлашда
халқаро меъёрий талаблар-
га жавоб берадиган пахта
уруғчилигига оид 20 га яқин
стандартлари ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кундаги илмий изла-
нишларига мувофиқ дала ва ла-
боратория шароитида уруғларда
органик препаратларнинг ўсиш
ва ривожланиш регулятори
сифатида қўлланилишида эко-
логик хавфсизлигини аниқлаш
ва экишдан аввал уруғларга
ишлов бериш, ҳамда тупроқ,
сизот сувлари ва атроф-муҳитни
ифлослантирмайдиган, табиий
тупроқ унумдорлигига асослан-
ган ҳолда, озиқ-овқат хавф-
сизлиги муаммоларини ҳал
этилишини таъминлашда, ички

ва ташқи бозорларда қишлоқ
хўжалик маҳсулотларининг
рақобатбардошлилигини оши-
риш, ҳосилдорлиқнинг юқори са-
марадорлигини аниқлаш бўйича
тадқиқотлар олиб бормоқда.

**Д.Рашидованинг илмий
фаолияти кенг қиррали
бўлиб, селекция, уруғчилик,
уруғшунослик ва ўсимликлар
физиологияси йўналишларини
қамраб олади. Олиманинг соҳа
муаммоларини ҳал этишга
бағишланган 300 дан ортиқ
назарий ва илмий-омма-
боп мақолалари маҳаллий
ва халқаро нашрларда чоп
этилган. Жумладан, 7 та моно-
графия 1 таси чет элда ҳамда
6 та тавсиянома чоп этилган
6 та патент олинган.**

Бугунги кунгача илмий фа-
олияти давомида Д.Рашидова
раҳбарлигида 2 нафар қишлоқ
хўжалиги фанлари бўйича фал-
сафа доктори (PhD), 2 нафар
қишлоқ хўжалиги фанлари док-
тори (DSc), 4 нафар магистр,
ва 8 нафар бакалавр ўз ил-
мий ишларини муваффақиятли
ҳимоя қилган. Ҳозирда 2 нафар
таянч докторант (PhD) 3 нафар
докторант (DSc)га раҳбарлик
қилмоқда. Олима Пахта селек-

цияси, уруғчилиги ва етишти-
риш агротехнологиялари ИТИ
ҳузуридаги фалсафа доктори
(DSc) илмий даражаларини
берувчи илмий кенгашининг
аъзоси сифатида ҳам фаолият
юритиб келмоқда. Шу билан бир
қаторда 2021 йилдан “Пахтачи-
лик ва дончилик” илмий-амалий
журналининг бош муҳаррир
ўринбосари, “Ўзбекистон по-
лимерлар журнали”, “Вест-
ник ОШГУ”, журналларида
таҳририят аъзоси ҳамдир. Шу-
нингдек, у Ўзбекистон Хитино-
логлар жамияти ва Туркиянинг
ЕТО компаниясининг аъзоси.

Д.К.Рашидова ФАО ва ИКАР-
ДА халқаро ташкилотлари, шу-
нингдек, “Аграр соҳа аёлла-
ри” уюшмаси аъзоси ҳамда
Тошкент вилояти хотин-қизлар
“OLIMA” уюшмаси раиси си-
фатида аёлларнинг илмий
салоҳиятини оширишда уларни
қўллаб-қувватлаш ва бугунги
кунгача эришган ютуқларини
ишлаб чиқаришга, давлатимиз
равнақини янада юксалтиришга
ўз ҳиссаларини қўшаётганлигини
кўрсата олиш имкониятини яра-
тишда ёш олималарга йўл-йўриқ
кўрсатиб келмоқда.

Доно МАРАСУЛОВА,
ўз мухбиримиз.

КАМОЛОТ – ҚАТЪИЯТ ВА ТАШАББУС- КОРЛИКДА



**У қисқа фурсатда
оддий тикувчиликдан
профессор лавозимига-
ча бўлган машаққатли
йўлни босиб ўтди. Бун-
га эришиш ўз-ўзидан
бўлгани йўқ. Ўқиди,
изланди, тўнги тонгга
ўлаб меҳнат қилди.**

Гап Тошкент давлат аграр университети профессори Муҳайё Дўсмұхамедова ҳақида кетяпти. У меҳнат фаолиятини 1990 йилда “Тошкентмебель” фабрикасида бошлаган. 2000 йилда эса “Дойче-кабель” корхонасида кабель тўқувчи бўлиб ишини давом эттирган.

Муҳайё Тошкент давлат аграр университети-нинг “Зоотехника” факультетига ўқишга кирганда 25 ёшдан ошган эди. Билим олишнинг, изланишнинг ҳеч қачон кеч бўлмаслигини у ўз ҳаёти мисолида исботлади. 2001-2004 йилларда ўқишдан ажралмаган ҳолда Тошкент давлат аграр университетининг мева-сабзавотчилик ва ўрмон хўжалиги факультети катта инспектори ва “Ички назорат ва мониторинг” бўлими етакчи услубийчиси вазифаларида меҳнат қилди. 2006 йил шу университетнинг “Наслчилик иши” мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлади. 2010 йилда номзодлик, 2016 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва 2020 йилда профессорлик унвонини олди.

Олима ўз меҳнат фаолияти давомида ишга жиддий ёндошиши, талабчанлиги, белгиланган вазифаларга масъулиятлилиги, ўз билими ва педагогик маҳоратини муттасил ошириб бориши билан ҳамкасбларига намуна бўлди. Мунтазам илмий-амалий лойиҳаларда фаол қатнашди.

Олима 2018-2020 йилларда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги “Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит муҳофазаси” йўналиши бўйича илмий-техник кенгаши котиби вазифасида фаолият юритди. Айти пайтда “Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит муҳофазаси” ҳамда “Ветеринария ва чорвачилик” йўналишлари бўйича илмий-техник кенгаши аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда.

Муҳайё Дўсмұхамедованинг педагогик фаолиятини илмий тадқиқотларга боғлаган ҳолда, сайёр дарслар тарзида – илмий тажриба майдонларида, дала шароитларида, уруғчилик лаборатория-

ларида илмий-амалий кўникмалар билан олиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Шунингдек, у дарсларни замон талабига жавоб берадиган янги педагогик технологиялар асосида, интерактив ҳолатда олиб боради ва талабаларга амалиёт жараёнида қўлланишини ўргатади.

Унинг маърузаларда бугунги кунда наслчилик иши бўйича соҳада юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар видеороликлар, тақдимотларда ўз аксини топади. Шу билан бирга, олиманинг дарсларнинг тингловчилар билан фикр алмашинув, таклиф-мулоҳазалар, қизғин баҳслар тарзида ўтказилиши барчани эътиборини тортади. Бу эса талабаларнинг танлаган соҳасига қизиқишини кучайтиради.

Олима маъруза ва амалий машғулотларини бериш жараёнида, қорамолчилик соҳасини ривожланишининг долзарб муаммоларини ҳал қилишда наслчилик ишини режалаштириш, қорамоллар наслдорлик ва маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилаш билан боғлиқ тадқиқот ишларини узлуксиз равишда бакалаврият талабалари ва таянч ҳамда мустақил тадқиқотчилар билан биргаликда олиб бораётганлиги эътирофга лойиқ.

2020-2023 йилларда олима раҳбарлигида 2 нафар қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа докторлик диссертацияси ёқланди. Олиманинг илмий изланишлари ва ўқув педагогик фаолияти натижаларини муҳассамлаштирган 160 дан ортиқ илмий ишлари маҳаллий ва чет эл нашрларида чоп этилган. У 1 та дарслик, 3 та ўқув қўлланма, 3 та монография, 4 та тавсиянома ва бошқа китоблар муаллифидир.

Қатъиятли, ташаббускор, меҳнаткаш, жамоат ишларида фаол иштирок этадиган М.Дўсмұхамедова 3 нафар фарзанднинг онаси, 6 нафар набиранинг буvisи, маҳаллада ҳурмат ва обрўга эга.

Улуғбек МАМАЖОНОВ,
ўз мухбиримиз.

ЯШИЛЛИК АСОСИ: ЕР “ЎПКАСИ” ЎРМОНЛАР — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Маълумотларга кўра, одам бир дақиқа давомида 5-6 литр ҳавони нафас олади ва чиқаради. Бу жараён орқали у кислородни қабул қилади ва карбонат ангидридни чиқаради. Мутахассисларнинг айтишича, бир кунда бир кишининг кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш учун 22 та дарахт керак. Бу борада ер ўпкаси ҳисобланган ўрмонларнинг хизмати беқиёсдир.

Шу аснода ўрмонзорларни кўпайтириш орқали, сизу биз нафас олаётган ҳавонинг тозалигини таъминлашга эришамиз. Ана шу мақсадда ташкил этилган Ургут ихтисослашган давлат ўрмон хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ижросига кўра ташкил этилган.

Самарқанд вилоятининг Ургут тумани ҳудудида жойлашган мазкур ўрмон хўжалигида шифобахш ўсимликлар парваришланадиган плантациялари майдонлари йилдан йилга кенгайтирилиб она заминимизда ўсадиган доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликлар ҳажми оширилиб келмоқда. Бугунги кунда Ургут ихтисослашган давлат ўрмон хўжалигининг умумий ўрмон фонди ер майдони 9077.3 гектарни ташкил этади ва шулардан ўрмон билан қопланган майдонлар 1283,6 гектарни (маданий ўрмонзорлар 592 гектар, табиий ўрмонзорлар 646,6 гектар ва туташмаган ўрмонзорлар 412 гектар) ташкил этади.

“

— Хўжалигимизнинг 13.3 гектар майдондаги кўчатхонада 1 минг 500 дондан ортиқ 45 турдаги қрим қарағайи, Элдор қарағайи, доимо ям-яшил кипарис, Виргин арчаси, шарқ арчаси, компакт арча, зарафшон арчаси, терак, қайрағоч, сада қайрағоч, шумтол, қарағай, гледичия, тол, чинор, япон софораси, грек ёнғоғи, бодом, ўрик, шафтоли, олча, олма, қизил дўлана, каштан, чиройли катальпа, қоғоз дарахти ипак акацияси, испан дроки, наъматак ва бошқа турдаги кўчат ва ниҳоллар етиштириб келмоқдамиз, — дейди Ургут ихтисослашган давлат ўрмон хўжалиги директори З.Шодиев.



Суратда: Ургут давлат ўрмон хўжалиги аъзолари

“

— 2023 ва 2024 йилларда ҳўжалигимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 20 минга яқин туп дарахт ва буталар етиштирилди. Шу билан бирга туманимизнинг чекка ҳудудларига “чўлланиш”ни олдини олишга қаратилган, яшил қопламалар барпо этиш мақсадида 20 минг дона тут кўчатлари етказиб бердик. Ушбу лойиҳа доирасида ишларимиз давом этмокда, – дейди Пахтачи Давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Ғайрат Тўхтамишев.



Суратда: Пахтачи давлат ўрмон ҳўжалиги аъзолари

Шунингдек ўтган 2024 йилда ҳўжалик томонидан 62 тонна доривор ва озиқ овқатбоп ўсимликлар маҳсулотлари етиштирилиб йиғиб олинди.

Албатта, ўрмонларни кенгайтириш иқтисодиёт тараққиётига хизмат қилиши баробарида экология ва атроф-муҳит мусаффолигига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Шу мақсадда Самарқанд вилоятдаги яна бир Пахтачи Давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонасида ҳам яшил майдонларни кенгайтириш, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва дарахтзорлар барпо қилиш ва «яшил инфратузилма» ларни яратиш ишлари амалга оширилмокда.

Ҳудудларда амалга оширилаётган бу каби хайрли ташаббуслардан кўзланган асосий мақсад, минтақада қум, шамол йўлларини яшил қалқон билан тўсиш орқали экология муҳитини яхшилашга эришишдир. Хулоса қилиб айтганда, ўрмон ҳўжаликлари ўлкамизни боғу бўстонга айлантириш баробарида, унинг иқтисодини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутиб келаётган яшил ҳудудлардан биридир. Шу билан бирга, табиат бойликларини асраш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини кўпайтиришда бу ҳудудларнинг аҳамияти катта.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.



Статистика

ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ҲЎЖАЛИКЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ РАҚАМЛАРДА

Статистика агентлиги дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январь–декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжаликлари маҳсулот (хизмат)лари ҳажми **467 041,5 млрд. сўм**ни ёки 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **103,1 %** ни ташкил қилди. Жумладан:

Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик:

451 019,6 млрд. сўм

103,1 %

Ўрмон ҳўжалиги:

11 778,4 млрд. сўм

103,0 %

Балиқчилик ҳўжалиги:

4 243,5 млрд. сўм

97,2 %

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги маҳсулот(хизмат)лари ҳажмининг ошиши, асосан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг кўпайганлиги (**3,1 %**) билан боғлиқ.



Узум – 5,4 %;



Полиэ экинлар –
5,1 %;



Мевалар – 4,8 %;



Донли экинлар –
4,8 %;



Картошка– 4,0 %;



Сут – 4,0%

ҒАЛЛАКОРГА ҚЎЛЛАНМА

кузги бошоқли дон экинларини парваришлаш ҳамда ҳосилни йиғиштириб олгунгача бўлган энг муҳим агротехник чора-тадбирлар хусусида

Республикамызда 2025 йил ҳосили учун экилган бошоқли дон экинлари бугунги кунда мураккаб физиологик жараёнларни ўтамоқда. Бу йилги ноябр ва декабр ойларнинг ҳар йилгидан ўзгарувчан бўлганлиги экилган бошоқли дон экинларини тиним даврига тўлиқ ўтмасдан ўсиш ва ривожланиши давом этирди. Бундай об-ҳаво шароитлари 2025 йил январь, февраль ойларда ҳам кузатилиши башорат қилинмоқда. Шундай об-ҳавога ёғингарчиликнинг кам бўлиши, куриқ ва илиқ бўлиши ғалла майдонларидаги тупроқни 20-25 см. қатламида намлик етишмаслиги ҳолатларини юзага келтиради.

Бу йилги шароитда бошоқли дон экинлари пахта ҳосилини ҳамда такрорий экинларни йиғиштириб олиш ишларини бир оз кечикиши натижасида аксарият майдонларда бошоқли дон экинлари ўз муддатида экилмай, экиш ишлари ҳар йилгидан бир мунча кечикканлиги натижасида 2025 йил ҳосили учун экилган ғалла майдонларида ниҳоллар кечки ҳамда ривожланишда орқала қолаётгани сезилмоқда.

Бугунги кундаги об-ҳавони кундуз кунлари об-ҳаво ҳарорати 8-10 даража илиқ, тунда эса ҳаво ҳароратини 0 ва -1-5 даража совуқ бўлишига қарамай ниҳолларни тиним даврига тўла ўтмай ҳарорат кўталиши билан ўсиш ва ривожланиши давом этиши ғалла ниҳолларни кўп энергия сарф қилиши оқибатида озуқа моддалар етишмаётганлиги кузатилмоқда.

Олинган башаротларга кўра, февраль ойида ҳам илиқ об-ҳаво бўлиши кутилмоқда. Об-ҳавонинг бундай келиши экилган ғаллаларни азотли ўғитлар билан озиқлантиришни тақазо этмоқда.

Ҳозир берилган ўғит ва сув ўсимликнинг илдиз системаси ривожланишини кучайтиради ва туплаш бўғинини катталашишига ҳамда туплаш бўғинида шакар моддаларини кўпайишига сабаб бўлади.

Шунинг учун республикамызда кузатилаётган ҳамда феврал ойларида кутилаётган об-ҳаво шароитини инобатга олган ҳолда кечки, ривожланишдан орқада қолган ғалла майдонларида азотли ўғитлардан аммоний сульфат билан озиқлантириш ҳамда суғориш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунинг учун бугунги об-ҳаво шароитларидан келиб чиқиб, кеч экилган, ривождан орқада қолган ғалла майдонларга аммоний сульфат азотли минерал ўғитлар ва мавжуд биоўғитлар билан озиқлантиришни ҳамда суғориш ишларини ташкил этиш лозим.

Бугунги кундаги ғалла парваришида навларни биологик хусусиятларини, яъни эрта, ўрта, кеч пишарлигига ҳамда ўсимликларни туплаш даражасига 7-8, 4-5, 3-4, 1-2 дондан туплаган ҳолатига ҳамда тўла униб чиқмаган майдонларни алоҳида назоратга олиб, ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим, об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда парваришlashга алоҳида эътибор берилиши керак.

Республикамызнинг айрим вилоятлари далаларида ғалла ривожини орқада, туплаш даражаси пастлиги кузатилмоқда. Ривожини паст бўлган яхши тупламаган ғалла майдонларида бегона ўтларнинг кўпайиши ҳамда касаллик ва зараркунандаларнинг ривожланиши кучайиб ҳосилдорликка жиддий зарар келтиради.

Ғаллачиликдаги энг муҳим агротехник тадбирлардан бири бу ғалла майдонларида баҳорги азотли ўғитлар билан навбатдаги иккинчи озиқлантиришни амалга ошириш ҳисобланади.

Республикамыз вилоятларининг тупроқ-иқлим шароитига асосан эрта баҳорги озиқлантиришнинг йилнинг келишига қараб таҳминий муддати 10-20 февралга тўғри келади.

Шунинг учун бугунги кунда ривожни яхши ҳамда кеч экилган, айниқса сабзовот экинлари ўрнига экилган ниҳоллар тўла униб чиқмаган майдонларда об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб қуйидаги агротехник чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

1

Шу кунларда берилган сув ғалла ниҳоллари жойлашган тупроқ қатламидаги ишқорли муҳитни ўзгартиради. Чучук (оқава) сув илдиз жойлашган тупроқдаги шўрнинг ювиши ҳисобиға ғалланинг илдиз системаси жойлашган қатламда шўрни ювилиши ҳисобиға ниҳолларни ўсиш, ривожланиши таъминланади ва туплаш жараёнини тезлаштириб март ойининг ўрталарига 3-4 тадан туп ҳосил қилшини таъминлайди. Май ойларида об-ҳавонинг бирдан кўтарилиши +30-35°C ли иссиқ бўлганда ҳам ғалла майдонларидаги тупроқнинг 30-35 см чуқурлигида намликни сақланиши, ўсимликларни минерал озиқлантириш, суспензия билан ишлов берилиши ғаллани муддатидан олдин пишиб зирабош бошоқлар ҳосил бўлишининг олди олинади ва бошоқда дон тўлиқ бўлишини таъминлайди. Натижада ҳар гектаридан 80-100 центнерлик ҳосил олишга замин яратилади.

2

Кеч экилган, ниҳоллар униб чиқмаган ғалла майдонларини ҳар бир минтақа иқлим шароитларини инобатга олиб белгиланган муддатларда суғориш, тавсия этилади. Ушбу майдонларда ниҳоллар униб чиққандан сўнг 100 кг меъёрда ҳамда март ойидаги озиқлантириш ўтказилгунга қатар яна бир марта 100 кг. меъёрда азотли аммоний сульфат ўғитлар билан озиқлантириш тупроқ таркибидаги олтингургут миқдорини кўпайтириб, минерал ўғитларнинг ўзлашишини тезлаштириб, ғалла ўсимлиги илдизини ҳамда ғалланинг ўсиш ва ривожланиши жадаллаштиради.

3

Ғалла экилган майдонларнинг тупроқ қатламидаги намлик 30-40 см. дан пастроққа тушади. Натижада ғаллани қурғоқчиликка чидамлилиги ортишига ҳамда апрель ва май ойларидаги қурғоқчилик ва сув танқислилиги вақтида ҳам ғалла ҳосили камайишининг олдини олади.

4

Ғалла тўлиқ униб чиққандан кейин февраль ойи бошида гектарига 100 кг. дан ва 15 кундан кейин яна 100-150 кг. дан азотли аммоний сульфат ўғитини бериш ғалла ривожини тезлаштиради.

5

Ғалла ниҳоллари ривождан орқада қолган 1-2, 3-4 барг ғалла майдонларга гектарига 150 кг. меъёрда азотли аммоний сульфат минерал ўғитлар билан озиқлантиришни ҳамда суғориш ишларини қўллатмасдан шарбат усулида амалга ошириш лозим.

6

Ғалла ниҳолларининг ривожни орқада бўлган майдонларга тўлиқ туплагунга қадар фойдали ҳаво ҳарорати +15°C дан юқори бўлганда микроэлементлар билан бойитилган биостимуляторлар билан 1-март ҳамда тўлиқ туплагандан кейин эса гектарига 8-10 кг карбамидли суспензияга GSN-2004 (1.2л/га), Гео Гумат (1 л/га), УзГуми, Гумимакс (0,5 л/га), Агрозим (3 л/га), Зеребраагро (100 млгр/га), Аминозол (1,0-3,0 л/га), Лебозол (3,0-5,0 л/га), YieldOn (2,0 л/га) каби биостимуляторларни 300 литр сувга аралаштириб қўшиб сепиш тавсия этилади.

7

Ғалла ниҳоллари тўла туплаган майдонларга карбамид ўғитидан гектарига 150 кг дан, агар аммиакли селитра ёки сульфат аммоний ўғитидан бериладиган бўлса гектарига 200-250 кг дан берилиб, суғоришни шарбат билан ўтказиш тавсия этилади.

8

Айрим сабабларга кўра, экиш олдида фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантирилмаган ёки кеч экилган майдонларга соф ҳолда 60-70 кг дан фосфорли ва 60 кг дан калийли ўғитларни солиш тавсия этилади. Бунда аммофос бериладиган бўлса физик ҳолда 200 кг/га. оддий суперфосфат бериладиган бўлса 500 кг/га.

9

Калийли ўғит сифатида калий хлор ўғитидан 100 кг/га миқдориди берилиши тавсия этилади. Озиқлантирилган майдонларни энгил қўллатмай суғориш мақсадга мувофиқ бўлади.

10

Ғаллазорлардаги бегона ўтларга, кассаллик ва зараркунандаларга қарши кимёвий курашни ташкил этишга зарур бўлган кимёвий воситалар захирасини ва уларни қўллашга зарур бўлган OBX-05, штангали пуркагичларни айни кунларда тўла таъмирдан чиқариш керак.

Ғалла экилган майдонларга ҳар 5 гектар ҳисобиға шарбат ўралар ташкил этиб, гектарига 5-10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариш, ривожни ўта орқада бўлган майдонларга гектарига 10-15 тоннадан чириган гўнғи чиқариб сепиш ва суғориш тармоқлари, ариқ зовурларни тозалаш ишларини ташкил этиш, лозим.



Эрта баҳорги озиқлантиришда азотли ўғитларни йиллик меъёрини таъсир этувчи модда ҳисобида 25 фоизини бериш тавсия қилинади. (физик ҳолда 150-160 кг/га) Агарда ўсимликларда ўсиш жараёни кеч бошланса, бу даврга келиб ҳаво ҳарорати тез кўтарилади, ривожланиш фазаларини ўтиш вақти ва озиқа моддаларни ўзлаштирилиши пасаяди. Шу даврда ўсимликда тупланиш ва генератив органлар ривожланишини кучайтириш мақсадида азот меъёрини йиллик меъёрига нисбатан 25 фоиз эмас 30 фоизга оширилиши ҳамда зудлик билан суғориш ишларини кўлатмасдан шарбат усулида бошлаш лозим.

Эрта баҳорги озиқлантириш кўчат қалинлигини барқарорлаштиради. Ўсимликда тупланиш жараёни жадаллашади, 1 кв.м.да 500-600 тагача поя ҳосил қилишга эришиш мумкин. Эрта баҳорги озиқлантириш ҳисобига бир гектар ердан 4-6 центнергача қўшимча ҳосил олишга эришилади.

Республикаимизнинг Фарғона водийси ҳамда марказий вилоятларида ғаллани баҳорги азотли ўғитлар билан озиқлантиришни 15-20 февралга қадар якунлаш керак. Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида 30 январдан бошлаб 15 февралга қадар, Қорақолпоғистон республикаси Хоразм вилоятларида эса 20 февралдан бошлаб 1 мартга қадар якунлаш яхши самара беради.

Ғалла майдонлари озиқлантирилиб, суғорилгандан кейин ғалла ўсимлиги билан бир вақтда бегона ўтларнинг бир ва икки йиллик турлари (жағ-жағ, бурган, шўра, олабута, бангидевона, қўйткан, итузум, мачин, сутлама, райграс, тулкидум, ёввойи сули ва бошқа) ўсиб, ривожланади.

Ғаллазорлардаги бегона ўтлар ғаллага берилган минерал ўғитларни, сувни, ғалла ниҳолларига тушаётган ёруғликни тенгма-тенг, айрим ҳолларда кўпроқ ҳам истеъмол қилиши ҳисобига, ғалладан олинадиган дон ҳосили камайиб, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун бегона ўтлар ривожланган ғалла майдонларида уларнинг тури ва сонига қараб бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши Азанстар, 75% в.д.г. – 20 г/га, Финито 750 в.д.г., 20 г/га, Eurostar 75% в.д.г. 20 гр.га, Зарстар в.д.г. 20 гр/га, Энтостар в.д.г. 20 гр/га. (кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши) Vinstar plus 75% в.д.г.30 гр/га, Энтостар плюс в.д.г. 30 гр/га, Зарстар плюс в.д.г. 30 гр/га, Prostar 75% в.д.г. 30 гр/га. (бир йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши) Энтопик Супер к.э. 0,15 л/га, Oxia Pro 10% ЕС 1,0 л/га, Propic 24% ЕС 0,15 л/га, Клодифоп Экстра 24% эм.к. 0,15 л/га, Bio Torpic 30% к.э. 1,0 л/га, Клоди

Стар 24% н.кук 0,15 г/га каби гербицидлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Республикаимизда куз фаслини серёгин, қиш ойларида ёғингарчиликни кам бўлганлиги, об-ҳавони эса илиқ бўлганлиги ҳамда март ойини серёгин келишини башорат қилинаётганлиги ғаллазорларда намликни меъёридан кўплиги натижасида бегона ўт, турли хил кассалликларни айниқса занг касалликларини ҳамда ҳашоратларни кўпайиб, ривожланишига қулай шароит яратади.

Ушбу ойда ривожланиши орқада бўлган, яъни кечки муддатларда экилган ғалла майдонларда туплаш жараёни об-ҳаво ва тупроқ ҳароратига қараб март ойининг иккинчи ўн кунлигига қадар давом этиши мумкин.

Ҳаво ҳарорати +15°C дан юқори бўлганда микроэлементлар билан бойитилган биостимуляторлар билан 1-март ҳамда тўлиқ туплагандан кейин эса гектарига 8-10 кг карбамидли суспензияга Гео Гумат (1 л/га), УзГуми, Гумимакс (0,5 л/га), Агрозим (3 л/га), Зеребраагро (100 млгр/га), Аминозол (1,0-3,0 л/га), Лебозол (3,0-5,0 л/га), YieldOn (2,0 л/га) каби биостимуляторларни 300 литр сувга аралаштириб қўшиб сепиш юқори самара беради.

Ғалланинг эрта муддатда экилган эртаки навларида найчалаш фазасини ўтиши март ойининг 3-ўн кунлигига, аксарият кузги бугдой навларида эса апрель ойида тўлиқ найчалаш фазасида ривожланади. Найчалаш даври навнинг биологик хусусиятига кўра 25-35 кун давом этиши, бу даврда ўсимлик ўсув даври давомида тўплайдиган қуруқ модданинг 50-60 фоизини тўплайди. Ғалла ниҳоллари туплаш жараёнидан найчалашга ўтиш даврида азотли ўғитга бўлган талаби энг юқори бўлади.



Найчалаш даврида бегона ўтларга қарши гербицидлар билан ишлов бериш тавсия этилмайди. Ушбу тадбир дон ҳосилдорлигини 15-20 фоизга пасайишига олиб келади

Найчалаш фазасида ўсимликка намлик ва озиқа моддалар етишмаслиги ҳосилдорликка салбий таъсир қилади. Шундан келиб чиқиб, бу даврда азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 40-45 фоизини, яъни физик ҳолда аммиакли селитра ҳисобида гектарига 300-320 кг. меъёрда берилиши тавсия этилади. Ҳар бир озиқлантириш ўтказилган ғалла майдонларини пешма-пеш ҳар бир минтақалар тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб гектарига 600-800 м³ меъёрда суғориш ишларини ўтказиб, чекланган дала нам сифимини 70-75-70% бўлишини таъминлаш зарур.

Ғалла майдонларида сариқ, қўнғир занг ҳамда ун шудринг касалликларига қарши олдини олиш маъсадида Давлат кимё комиссияси рўйхатидан ўтган фунгицидлар ҳаво ҳарорати 15-18^oC бўлганда 1-мартга ҳамда 2-мартга 30-35 кундан сўнг таъсир этувчи моддаси пропиконазол бўлган ўсимликлар ҳимояси ва карантин агентлиги рўйхатидан ўтган фунгицидлар, ҳаво ҳарорати 15-18 ^oC бўлганда эса ишлов беришни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини беради.

Ғалла зараркунандаларига (шира, трипс, хасва, шиллиққурт) қарши Имитрин 20% эм.к. 0,1 л/га, Киллер экстра 10% эм.к. 0,1 л/га, Агрофос-Д 55% эм.к. 0,5 л/га, Дуэт 55% эм.к. 0,5 л/га, Фосшанс, эм.к. 0,15 л/га, Борей Нео сус.к. 0,2 л/га, Дефентокс 2,5% эм.к. 0,25 л/га, Децис 10% эм.к. 0,1 л/га, Кинфос эм.к. 0,25 л/га, Имидашанс, с.э.к. 0,1 л/га, Имидаклоприд Оригинал 35% сус.к. 0,1 л/га каби инсектицидлар тавсия этилади.

Юқорида келтирилган агротехника чора-тадбирлар республиканинг ҳар бир минтақаси тупроқ-иқлим шароити ва ғалланинг ривожланиш фазаларига ҳамда бегона ўтларни униб чиқиш даврига қараб 5-10 кун олдин ёки кейин амалга оширилиши мумкин.

Ғаллачиликда апрель ойи дон ҳосили ва унинг сифатини ҳал қиладиган ой ҳисобланиб, ғалла парваришида амалга ошириладиган агротехник чора-тадбирларни маъсулият билан ўз муддат ва меъёрларида ғалланинг ҳолатига қараб амалга ошириши лозим.

Ғаллани озиқлантиришдан ташқари қўшимча ишлов бериш барг орқали озиқлантиришни ўсув даври давомида 3-4 марта амалга ошириш ижобий натижалар бериши тажрибаларда ўз исботини топган.

Бунда, яъни суспензия сепиш, таркибида микроэлементлар ҳамда гумин кислоталарга

эга бўлган биопрепаратларни суспензия қилиб қўллаш самарали ҳисобланади. Суспензия учун эритма тайёрлашда ғалланинг найчалаш даврида эса гектарига 12 кг карбамид минерал ўғитга, Гео Гумат (1 л/га), УзГуми, Гумимакс (0,5 л/га), Агро-зим (3 л/га), Зеребраагро (100 млгр/га), Аминозол (1,0-3,0 л/га), Лебозол (3,0-5,0 л/га), YieldOn (2,0 л/га) каби кимёвий воситаларни 300 литр сувга аралаштириб сепиш ўсимлик баргида ҳосил бўладиган органик моддаларнинг кўпайишига эъзизига ҳосилни гектаридан 5-6 центнергача ортишини, дон таркибидаги клейкавина миқдори 2-3 фоизга, оқсил миқдори 1,5-2 фоизга, дон натурасини 10-15 фоизга, 1000 дона дон вазни кўрсаткичини 1,5-2 гр. ортишини таъминлайди.

Апрель ойида ёғингарчилик кўп бўлиши кузатилса, бошоқли дон экинлари ўта узоқ вақт суғорилса айрим ғалла навларини ётиб қолишига ҳамда занг ва бошқа касалликларга мойилиги ортади, шунинг учун апрель ойидаги ғалла суғоришда эътиборли бўлиши талаб этади.

Баҳор ойларини серёгин, ҳаво ҳароратининг паст бўлиши ғаллазорларда замбуруғлик касалликлар, зараркунанда ҳашаротлар ва бегона ўтлар кўпроқ тарқалишига олиб келади. Шунинг учун уларнинг олдини олиш ва қарши кураш чораларини кўриш ўта муҳимдир. Акс ҳолда бу тадбирларни кечиктирилиш ғалла майдонларида замбуруғли касалликларни эпидемияси кучли ривожланиши, атрофга кенг тарқалиши оқибатида донинг сифати ва ҳосилдорлигининг 25-30 фоизгача пасайишига олиб келади.

Ғалла майдонларида учрайдиган касалликлар билан зарарланган майдонларни таъсир этувчи моддаси пропиконазол бўлган Титул 390 к.э.к. 0,26 л/га, Тилтазол 500 к.э.к. 0,170 л/га, Бампер 25% эм.к. 0,5 л/га, Крест 25% эм.к. 0,5 л/га, Тилзол 25% эм.к. 0,5 л/га; Альто Супер 33% эм.к. 0,3 л/га, Файтер 33% эм.к. 0,3 л/га, Супер Коназол 33% эм.к. 0,3-0,35 л/га, Виальто Супер 33% 0,3 л/га, R-ULTRA Super 33% к.э 0,3 л/га, Колосаль Про м.эм.к. 0,2-0,3 л/га, Суперфар 50% эм.к. 0,16-0,18 л/га, Титул Дуо к.э.к. 0,2 л/га, Дуазол к.э.к. 0,2 л/га, БИ-КОНАЗОЛ 40% к.э.к. 0,2-0,25 л/га, Уредазол 40% к.э.к. 0,2-0,25 л/га, Топ-Кроп 40% к.э.к. 0,25-0,3 л/га, Титус Микс 40% к.э.к. 0,2 л/га, Диканазол 40% к.э. 0,2 л/га, Дуплетт ТТ, 22,5% эм.к. 0,3-0,5 л/га, Торсо 22,5% эм.к. 0,3-0,5 л/га, Энтоликур 22,5% эм.к. 0,3-0,5 л/га, Рейкон 28% сус.к. 0,5 л/га, Броадер 30% эм.к. 0,3 л/га, Сплеш 30% эм.к. 0,3 л/га каби фунгицидлар билан гектарига 250-300 литр меъёрда ишчи эритма сарфлаган ҳолда



ишлов беришни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини беради.

Ғалла зараркунанда ҳашаротларга (шира, трипс, хасва, шиллиққурт) қарши Имитрин 20% эм.к. 0,1 л/га, Киллер экстра 10% эм.к. 0,1 л/га, Агрофос-Д 55% эм.к. 0,5 л/га, Дуэт 55% эм.к. 0,5 л/га, Фосшанс, эм.к. 0,15 л/га, Борей Нео сус.к. 0,2 л/га, Дефентокс 2,5% эм.к. 0,25 л/га, Децис 10% эм.к. 0,1 л/га, Кинфос эм.к. 0,25 л/га, Имидашанс, с.э.к. 0,1 л/га, Имидаклоприд Оригинал 35% сус.к. 0,1 л/га каби инсектицидлар тавсия этилади.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ғалла ниҳолларининг май ойида парваришида ғалла ҳосили тақдири ҳал бўладиган бу даврда ўта маъсулиятли ёндашиб асосий чора-тадбирларни ўз вақтида, оптимал муддатларда амалга оширишни ташкил этиш лозим.

Кузги буғдойнинг бошоқлаш фазасида ҳавонинг қуруқ ва иссиқ келиши, намлик етишмаслиги генератив органлар (бошоқ, бошоқча, дон) ривожланишига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Амалиётда бошоқлаш майдондаги 75 фоиз буғдойда энг тепа барг қўлтиғидан бошоқнинг 1/3 қисми чиқиб туриши билан белгиланади.

Ташки муҳит шароитига қараб буғдой бошоқлаши найчалаш бошлангандан бошлаб 25-30 кунда, намлик юқори бўлганда 35-40, ҳаво қуруқ ва иссиқ келганда 20-25 кунда бошоқлаш бошланади. Бир туп ўсимликда бошоқлаш 3-4 кун давом этади. Даланинг бошоқлаш жараёни 5-6 кун давом этади. Айрим ҳолатларда 7-8 кун ҳам давом этиши мумкин.

Бошоқлаш-гуллаш фазасида озиклантириш. Буғдой ўсимлигида гуллаш жараёни тугагандан кейин ўсимлик томонидан тупроқдаги фосфор ва калийни қабул қилиш камайиб тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Аммо азотни ўсимлик томонидан ўзлаштирилиши олдинги даражадагидек давом этади.

Кузги буғдойни азотли ўғитлар билан озиклантириш дон таркибидagi оксил миқдорини оширади. Фосфорли ва калийли ўғитлар эса клейковина сифатини яхшилаиди.

Шунинг учун ғаллани бошоқлаш, гуллаш, дон шаклланиши ва дон тўлишини ҳисобга олган ҳолда азотли ўғитларни йиллик меъёрини 100-150 кг. меъёрда озиклантириш ижобий натижасини беради.

Минтақа тупроқ иқлим шароитига мос ҳолда озиклантирилгандан сўнг, гектарига 500-600

м³ меъёрда, шарбат усулда ҳар бир гектарга 5 тоннадан гўнг ҳисобида амалга ошириш ижобий натижа беради.

Май ойининг серёғин ҳамда ҳаво ҳароратини пастроқ бўлган йилларда бошоқли дон экинларини септориоз, сариқ ва қўнғир занг, ун шудринг касалликлари ҳамда зараркунанда, ҳашаротларидан шиллиқ курт (пьявица), зарарли хасва, ғалла арракаши, шираларни кўпроқ учраши мумкинлигини инобатга олиб унга қарши кимёвий кураш чораларини кўриш. фунгицидлар билан гектарига 250-300 литр меъёрда ишчи эритма сарфлаган ҳолда ишлов беришни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини беради.

Республикада уруғлик учун экилган ғалла майдонларида навларни навдорлигини аниқлаш мақсадида уруғлик далаларни апробацияга тайёрлаш, бунда уруғлик учун экилган ғалла майдонларида соҳа мутахассислари ва селекционер олимлар билан биргаликда ғаллани бошоқлаш ҳамда сут, мум пишиш даврида икки марта навга хос бўлмаган бегона нав, тур хил аралашмаларидан ҳамда бегона ўтлардан тозалаш ишларини амалга ошириши талаб этилади.

Етиштирилган дон ҳосилини ўз вақтида сифатли ўриб-йиғиб олиш дон нобудгарчилигининг олдини олишни таъминлаш, ўрим-йиғим техникаларини таъмирлаш, мавсумга тайёрлаш ҳамда кўриқдан ўтказишни амалга ошириш энг муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Ғалла етиштириш кластер усулида ташкил этилган туманларда бугунги кундан бошлаб, об-ҳаво шароитларини инобатга олиб, кластер хўжаликлари раҳбарлари ғалла майдонларида ниҳолларнинг ривожланишини доимий назорат қилиб бориш учун кузатувчилар гуруҳини шакллантириб, ҳар 2-3 кунда кузатув натижалари таҳлилларини амалга ошириши лозим.

Юқоридаги берилган тавсияларни об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда бажарилишида барча тумандаги раҳбарлар ҳамда тегишли мутасаддилар жонбозлик кўрсатсалар жорий йилда ғалланинг ҳар гектаридан 80-100 центнер ва ундан ортиқ ҳосил олинishiга замин яратилади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,

қ.х.ф.д., РҒА академиги,

Илҳомжон ЭГАМОВ,

қ.х.ф.д., катта илмий ходим,

Дон ва дуккакли экинлар ИТИ.

ҚИШ ОЙЛАРИДА ЛАЛМИ МАЙДОНЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН АСОСИЙ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР

Жорий йил ҳосили учун республикаимизнинг лалмикор майдонларда кузги бошоқли дон экинлари октябрь ва ноябрь ойларида экилиб, ноябр ойининг охирида ёғингарчилик миқдори 104 мм ни, 2023 йилнинг шу даврида 28,3 мм ни, ўртача кўп йиллик ёғин миқдори эса 51,1 мм ни ташкил қилиб, бу давр ўтган йилги ёғин миқдоридан 76 мм, ўртача кўп йилликдан 53 мм кўп ёғингарчилик бўлиб ўтганлиги кузги бошоқли дон экинларининг бир текис униб чиқишини таъминлади.

Декабрь ойи охиридаги ёғин миқдорининг (октябрь-декабр) 151 мм бўлиб тупроқнинг намланиш чуқурлиги 53 смни ташкил қилиб, декабр ойининг бошлариданоқ ҳавонинг совуб кетиши ўртача -2,7-8,3 °C бўлиши, минимал ҳарорат -17-22 °C гача кузатилди. Бу эса тупроқдаги паст ҳароратни ташкил қилиши таъсирида майсалар зарарланиб, сийракланиш ҳоллари юз бериши мумкин.

Кузги буғдойдан юқори ҳосил олиш учун ўсимликнинг физиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда агротехник тадбирларни шакиллантириш лозим. Ҳозирги кунда кузги буғдойнинг туплаш даврида тупроқдаги вегетатив масса ва иккиламчи илдиз тизимини янада ривожлантириш муҳимдир. Бунинг учун тупроқнинг пастки қатламидаги музламаларни сугориш орқали эритиш илдиз тизимининг кунига 2,5-3 см ўсишини таъминлайди ва ўсимликнинг озиқа ҳамда намга бўлган талабини қондирилади.

Айни кунларда кузги бошоқли дон экинлари майдонларидаги ўсимликлар ҳолатини мониторинг қилиб бориш ва тўғри агротехник тадбирлар белгиланиши экинларни совуқдан зарарланиши салбий оқибатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Зеро кузги бошоқли дон экинларида бир мунча зарар етказиши мумкин. Лекин, куз, қиш ва эрта баҳорнинг турли вақтларида юз бериши мумкин бўлган ноқулай омиллар мунтазам равишда ёки кетма-кет таъсир қилганда ўсимлик қаттиқ зарарланади. Бу ҳол кузги экинлар ҳолатини экилгандан то жадал ўсув даври келгунга қадар мунтазам равишда кузатиб боришни тақозо қилади.

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида Республикаимизнинг сугориладиган ва лалмикор ерлари шароитига мослаштирилган кузги бошоқли дон экинлари ҳолатини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган. Уларнинг бири кузги бошоқли дон экинларининг ҳолатига ўз жойида – далада баҳо берадиган усулидир.

ЭКИНЛАРНИ ЎСИШ ЖОЙИДА ТЕКШИРИШ УСУЛИ

Бу иш эрта баҳорда тупроқдаги муз эриб, кунлар исиви биланоқ амалга оширилади. Текшириш ишлари об-ҳаво шароитларига қараб, текислик ва қир-адирлик минтақаларида январ-феврал ойларида ўтказилади. Совуқ чўзилган йилларда тупроқдаги уруғни текшириш муддати бир мунча кечиктирилади. Бундай ҳолларда шуни эътиборга олиш керакки, экинларнинг сийракланиши қанчалик барвақт аниқланиб, қайта экиш тадбирлари тезда амалга оширилса, натижа шунчалик самарали бўлади.

Барча кузги экинлар кўклам олди текширишдан ўтказилиши лозим. Бундан асосий мақсад, ўсимликларнинг сийраклигини аниқлаш ҳамда уларнинг нормал даражадаги қалинлигига эришмоқ учун тегишли агротехник тадбирларни кўришдир. Назарий синаш асосида ўсимликнинг ҳаётчанлиги тўғрисидаги маълумотларга эга



бўлиниб, биринчи навбатда, қишки ноқулай шароитлар натижасида сийракланиши юз бериши мумкин бўлган майдонлар аниқланади.

Майсаланган экинларнинг ҳолатини аниқлашда ўсимликнинг ривожланиш даври кўрсатилаиб, унинг 1 м² майдондаги ўртача қалинлиги аниқланади.

Тўқ яшил ёки қисман яшил рангдаги ўсимлик майсалари кўкарувчан ҳисобланади. Тупроқ юзаси музлаши натижасида буғдой барглари қорамтир, арпа барглари сарғайиб қолади. Лекин бундай ўсимликларнинг ерости қисми соғлом бўлиб, ўз ҳаётчанлигини тиклай олади ва барҳаёт (кўкарувчан) ҳисобланади.

Агарда майсаларнинг ерости қисмини кўздан кечириш лозим бўлса, уруғ экилган тупроқ пичоқ ёки қуроқча билан ковлаб текшириб кўрилади.

Майсаланмаган экин майдонлари аввало уруғнинг ниш уруш даражасига қараб аниқланади. Бунинг учун сеялка сошнингининг изи бўйлаб бир неча жойдан уруғлик кўчириб олинади ва пичоқча билан ёриб кўрилади. Агар уруғ ниш урмаган ёки нишлар 20 мм.дан ошмаган бўлса, бундай уруғлар ўсимликнинг дала ҳаётчанлигини аниқлаш мақсадида ажратиб олинади.

Ниш урган уруғлар 3-4 см қалинликдаги нам тупроққа кўмилиб, 10 кун ўстирилади. Кўкариб чиққан нишлар сони 1 м² жойдаги майсаларнинг қутилган қалинлигини кўрсатади.

Намуна тупроғидаги ажратиб олинган ниш урган уруғлар қуйидаги 3 фракция (қисм)га ажратилади:

- Калеоптили бутун нишлар ва ер бетига кўкариб чиққан майсалар;
- Калеоптилесидан чинбарги найча шаклида бурилиб чиққан нишлар;
- Калеоптилеси ёнидан ёрилган ва ундан бир ёки бир неча барг ёзиб чиққан нишлар, шунингдек қовжираб қуриб қолган нишлар.

Биринчи ва иккинчи фракцияга ўтказиладиган нишлар ҳаётчан ҳисобланади. Уларнинг умумий сони 1 м² хажмдаги майсаларнинг қутилган қалинлигини кўрсатади.

Февраль ойининг охири ва март ойи бошлаши, яъни кунлар иссиқи билан далада экинлар вегетацияси бошланиб агротехник тадбирлар олиб бориш учун имконият туғилади.

Ноқулай об-ҳаво шароити ва тупроқдаги мавжуд озиқа моддаларининг етарли эмаслиги буғдой ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун ўсимликнинг иммунитетини оширишда N:P:K 3:2:2 минерал ўғитларининг оптимал нисбатларини сақлаб қолиш юқори ҳосилдорликка эришиш замин яратилган бўлади.

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Сўнгги йилларда об-ҳавонинг серёғин ва салқин келиши, ҳаво намлигининг ортиб кетиши натижасида республикамизнинг суғориладиган майдонлари каби лалми ерларида ҳам кузги ғалла (асосан буғдой) экинларининг бегона ўтлар, турли касаллик ва зараркунандалардан жиддий зарарланиш ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, лалмикор майдонларда ғалла экинларининг бир даланинг ўзида узлуксиз экилиши, тупроққа сифатсиз ишлов берилиши, тоза ва банд шудгор майдонларининг кескин камайиб кетиши, маҳаллий ва минерал ўғитлардан, айниқса фосфорли ва калийли ўғитлардан кам миқдорда ёки бутунлай фойдаланмаслик натижасида бегона ўтлар сони ва турининг кўпайишига, касаллик ва зараркунандаларнинг кенг тарқалишига олиб келмоқда.

Лалмикор майдонларда бегона ўтларни камайитиришда, тупроқдаги намликни сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга агротехнологик тадбирлардан бири **бороналашдир**. Бу тадбирни ҳудуднинг ёгин-сочин кам бўладиган қуйи лалмикор ерларида март, ярим таъминланган қир-адирлик майдонларда март -апрел, тоғ олди ва тоғли ерларда эса май ойининг биринчи ўн кунлигида бажариш лозим.

Ҳозирги пайтда ғалла майдонларида бегона ўтларга қарши курашда Республика Давлат Реестрига киритилган гербицидлардан гектарига 15-20 г 75 % ли Гранстар, “Гранстар плюс” 10-20 г/га ҳисобида “Биостар” “Тайфун” ва бошқалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Кузги бошоқли дон экинлари майдонларида учрайдиган сариқ ва қўнғир занг, сариқ барг доғланиши ва бошқа касалликларга қарши гектарига 0,3 л ҳисобида 33 % ли Альтосупер, 1,0 кг/га ҳисобида 25 % ли “Титул” ва бошқа фунгицидларни пуркаш тавсия этилади.

Сўнгги йилларда Республика ҳудудида барча қишлоқ хўжалик экинларига, яйлов ва пичанзор-

ларга катта хавф туғдираётган ҳашаротлардан бири турли турдаги чигирткалар, симқуртлар, тунламлар ва сўрувчи зараркундалардир.

Республиканинг суғориладиган ва лалмикор майдонларида кузги бошоқли дон экинлари ҳосилига ва унинг сифатига сезиларли таъсир кўрсатаётган зараркундалардан зарарли хасва, шилимшиқ курт, шираларга қарши курашда Республика Давлат Реестрига киритилган инсектицидларни пуркаш зарур. Барча турдаги кимёвий препаратларни ҳавонинг очик, шамол тезлиги 0,5 м/сек дан ошмаган пайтда пуркаш яхши самара беради, бунда сув сарфи гектарига 200-300 л ни ташкил этиши лозим.

Ғалла майдонларида турли касаллик, зараркунда ва ҳашаротларнинг ривожланиши ва кенг тарқалишининг олдини олишда (профилактика) ғалла экиладиган далалар, йўл четлари атрофидаги ўсимлик қолдиқлари, қуриб қолган шох-шабба ва дарахт пўстлоқларини йиғиштириб

олиб ёқиб юбориш ҳамда плуглар ёрдамида чуқур ағдариб хайдаш мақсадга мувофиқдир.

Республикаимиздаги деҳқончилик агрокластерлар ва фермер ҳўжаликларида уларнинг тупроқ ва об-ҳаво шароитларини, ер майдонини ҳисобга олган ҳолда алмашлаб экишнинг мақбул схемаларини жорий этиш, серҳосил, маҳаллий ноқулай об-ҳаво шароитларга, касаллик ва зараркундаларга чидамли — навларни танлаш, уларни ресурстежовчи агротехнологиялар асосида етиштириш бу майдонлардан режалаштирилган юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан биридир.

Диёр Жўраев, қ/х.ф.д.,

Бекмурод Хайдаров, қ/х.ф.ф.д.,

Камолиддин Исаков, қ/х ф.н.,

Субхонберди Рустамов қ/х ф.н.,

Жавоҳир Мавланов, кичик илмий ходим,

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

ЛАЛМИ ЕРЛАРДА ДОНЛИ ЭКИНЛАРНИНГ ҚИШ ДАВРИДАГИ ҲОЛАТИНИ КУЗАТИБ БОРИШ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистоннинг лалмикор ерларидаги кузги дон экинлари баҳорги экинларга нисбатан анча серҳосил бўлади.

Кузги дон экинларининг баҳорги экинлардан афзаллиги шундаки, уларнинг ривожланиш даври тупроқ сернам ва ҳаво салқин даврга тўғри келиб куз-қиш фаслида ҳам ўсишда давом этади. Чунки ёғин-сочин сувларидан мукамал фойдаланади ҳамда қурғоқчиликка дуч келмайди.

Лалмикор ерларда ёғингарчилик ва ҳаво ҳароратининг бир-бирига нисбатан алоқадорлиги лалмикор минтақаларда кузги дон экиш муддатларини табақалаштириш ва экинларнинг қиш даврида ривожланиб боришига сабаб бўлади. Тоғли ва тоғ олди минтақалардаги ерларга экилган кузги экинлар уруғи одатда шу даврнинг ўзидаёқ униб чиқади ва аксинча адирларга экилган уруғлик кўпинча қиш-кўклам даврида униб чиқади.

Уруғ энг қулай шароитларда ниш урганда унинг ўсиш нуқтаси ва биринчи чинбарглари уруғбарг ичида жойлашган бўлади. Уруғбарг найча шаклида бўлиб, “колеоптиле” деб аталади.

Майсаларнинг қишки об-ҳаво инжиқликларига чидаш қобиляти уларнинг ривожланиш да-

ражасига ва мавжуд об-ҳаво шароитларига боғлиқдир. Майсаларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган асосий сабаблардан бири қиш ойларида ҳавонинг паст келиши ва ёғингарчиликнинг кам бўлишидир.

Майсалаш даврида эндигина бир-икки барг ёзган, бунинг устига кузги қурғоқчилик натижа-сида заифлашиб қолган “чиникмаган” ўсимлик, яхши ривожланган ва бақувват ўсимликка нисбатан сал паст ҳароратдан зарарланади.

Арпа майсалари буғдойникига нисбатан қишки совуқларга чидамсиз бўлади. Тупроқ юзасидаги ҳарорат -6, -10°га тушганда арпа майсаларининг барг сатҳи сарға бошлайди ва кейинчалик қуриб қолади. Тупроқ нолдан 13-15 даражагача совиганда ўсимликнинг ер остки қисми ва ўсиш нуқтаси бутунлай музлайди.

Лалмикор ерларнинг тупроқ-иклим шароитида юқорида кўрсатиб ўтилган омилларнинг ҳар қайсиси кузги экинларга бирмунча зарар етказиши мумкин. Лекин, куз, қиш ва эрта кўкламнинг турли вақтларида юз бериши мумкин бўлган ноқулай омиллар мунтазам равишда ёки кетма-кет таъсир қилганда ўсимлик қаттиқ зарарланади. Бу ҳол кузги экинлар ҳолатини, экилгандан то кўкламги жадал ўсув даври келгунга қадар мунтазам равишда кузатиб боришни тақозо қилади. Кузатиш ишлари ўсимликнинг аҳоли тўғрисида ўз вақтида тўлиқ маълумот олишни ва ундан кўкламда фойдаланишни таъминлаши лозим.

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида Республиканинг лалмикор ерлари шароитига мослаштирилган кузги экинлар ҳолатини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тупроқдан олинган намуна уруғларини (монолитларни) ўстириш методи кузги экинлар уруғи, нишлари ва майсаларининг ҳаётчанлигини тўлиқ аниқлаш имконини беради. Бу усулни қўлланишнинг муҳим шарти шундаки, экин майдонидаги тупроқнинг донаторлигини бузмасдан, уруғ тупроқда қай ҳолатда ётган бўлса, уни худди шу ҳолатда сақлаб, яъни ўрнидан кўзғатмай уруғ жойлашган тупроқ билан ковлаб олинади.

Асбоб роми 2,5-3,0 мм қалинликдаги атунукадан ясалиб, томонлар узунлиги 30х30 см, баландлиги 15 см ли яшик шаклда бўлади.

Олинган намуна ўстириладиган жойга жўнатишдан олдин қуруқ тупроқ силкиниш натижасида уруғга аралашиб кетмаслиги учун ҳар бир яшикка бир литрдан сув қуйилади. Яшиклар текшириш жойига олиб келинганда 15-20° ҳароратдаги ёруғ ва илиқ бинога жойлаштирилиб, уруғ шу бинода ўстирилади.

Синаб кўриладиган тупроқ текшириш жойига олиб келинган кундан бошлаб, биринчи сув, тупроқ қатламидан батамом сингиб ўтиб, яшик тубидаги тешикчаларга етиб боргунча қуйиб турилади. Ундан кейин намланиш даражасига қараб сув қуйиб борилади. Тупроқнинг қуриб қолишига ёки ҳаддан ташқари намланишига йўл қўймаслик керак. Тупроққа қуйиладиган сув ҳарорати хонадаги ҳарорат даражасига тенг бўлиши лозим.

Ўстириш шароитларига тўла риоя қилинганда майсалар 8-10 кунда пайдо бўлади. Шу муддатда ўсимликнинг ҳаётчанлиги ҳам тикланади.

Янги майсалар пайдо бўлганда тупроқдан уруғ колеоптилесининг чиқишига эътибор бериш керак. Майсалар колеоптилесиз, чинбарг шаклида қийғос кўринганда бу ҳақда ҳисобот дафтарига алоҳида қайд этилади.

Тупроқ намунаси олингандан 15 кун ўтгач ундаги уруғнинг ўсиш натижалари ҳисобга олинади. Бунда аввало ҳар бир синов тупроғидаги ниш урган ва кўкариб турган ўсимликлар ва янгидан пайдо бўлган майсалар санаб чиқилиб, сўнгра экиннинг 1 м² даги қалинлиги ҳисобланади. Бунинг учун, намуна олинган тупроқдаги ўсимликларнинг умумий сони 11 га кўпайтирилади. Экин майдонидаги ўсимликларнинг ўртача қалинлигини аниқлаш учун тажриба маълумотларини жамлаб, ҳосил бўлган рақамни яшиклар сониға тақсимлаш лозим.

Масалан, намуна яшикларида кўкараётган ўсимликлар сони биринчи марта 5х11=55 дона, иккинчисида 8х11=88, учинчисида 3х11=33 дона ва тўртинчисида 15х11=165 тадан бўлса ўсимликнинг 1м² майдондаги ўртача қалинлиги $55+88+33+165=341:4=85$ тага тўғри келади.

Демак юқорида олинган маълумотларга кўра, далага экилган уруғ қалинлиги бирхил эмаслиги аниқланди, бу ҳол ўсимликнинг нотекис сийракланишини кўрсатади. Бундай ҳолларда экин майдонининг сийракланиш сабаблари эрта кўкламги текширишда аниқланади.

Диёр ЖўРАЕВ,

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д., профессор,

Турсунқул МАМАТҚУЛОВ,

Директорнинг илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчиси, қ.х.ф.д.,

Алишер МУРАТКАСИМОВ,

Директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари, қ.х.ф.ф.д.,

Жавоҳир МАВЛАНОВ,

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти кичик илмий ходими.

Она замин ЗАҲМАТКАШЛАРИ

Ўзбекистонимизнинг муваффақиятларини мустаҳкамлаш учун қоғозлардаги тонналар эмас, ҳақиқий фермерлару тадбиркорлар, кичик бизнес ходимлари яратаётган иш ўринлари, эришаётган улкан ютуқлари муҳимдир.

Фарғона вилоятига ҳар гал хизмат сафари билан борганимда ана шундай фидойи инсонлар, ишбилармон фермерлар билан учрашиб, улар ютуқларидан кўнглим тоғдай кўтарилади.

Қўштепа туманидаги “Қумтепа-қалимитепа” ҳудудининг “Сойибжон Абдужаббор замини” фермер хўжалиги раҳбари Сойибжон Маматов ҳақида ёзишимни туман кишлоқ хўжалиги бўлимидагилар таклиф қилишди.

Сойибжоннинг далаларида бўлдим, иш фаолияти билан танишдим.



Суратда: (чапдан) “Сойибжон Абдужаббор замини” фермер хўжалиги раҳбари Сойибжон Маматов Қўштепа тумани Кишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғининг ўринбосари Отабек Тўраев билан.

“— 2024 йили 32 гектар ерга чигит қадаб, ҳар гектаридан 46 центнердан, 55 гектар ғалла майдонидан 85-95 центнердан ҳосил йиғиб олдик, — дейди фермер. — Айни пайтда ерни назорат қиляпман, Худо насиб қилса бу йил бундан-да кўпроқ ҳосил йиғиб-териб олиш ниятидамиз.”

— Сизнигча меҳнатнинг асл моҳияти нимада? — сўрайман фермердан.

“— Изланмоқ, ўрганмоқ, ақлни билимга боғлаб иш юритмоқ, — дейди у. — Аввало ерни обдон тайёрлаб, тупроғини кафтларингиз билан силаб кўрсангиз, у сизга дардини айтади. Она ерга меҳр билан қараш, уни парваришлаш керак. Шундагина тонналар барака ортиб бораверади. 50 нафар аъзоларимиз бор. Улар даромадидан, иш шароитидан қониқиб, ишлашади. Асосийси — аҳилмиз.”

Бундан ташқари 1,5 минг бош товук, 90 яшик асалари, 70 бош зотдор моллар ҳам фермерга даромадига қўшимча маблағ келтирмоқда.

“Шофкатхон Низомиддинова, Лазокатхон Ўринова каби теримчиларимиз бир кунда 200-300 килограмм атрофида пахта тердилар. Пулларини олганларида кайфиятлари чоғ бўлиб кетарди, — дея сўзида давом этади фермер. — Хуллас, инсонга ширин сўз, хуш муомила билан муносабатда бўлиш лозим, рағбат эса роҳат бахш этади, кайфиятни кўтаради.”

Йўлимизда давом этар эканмиз, ушбу тумандаги “Мухторали Худойберди” номли фермер хўжалиги раҳбари Мухторали Ниёзовнинг фермерчиликдаги фаолияти билан ҳам танишгимиз келди.

“Ерга меҳр бериб, астойдил меҳнат қилсангиз, мағданли ва маҳаллий ўғитлар билан қуватлантирсангиз ер сизни алдамайди. Айниқса, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказсангиз кутганингиздек хирмон кўтарасиз, — дейди фермер. — Ўтган йили 71 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан, 123 гектар ғалла майдонидан эса 80 центнердан ҳосил йиғиб олдик. Шунингдек, 100 бош қўй, 60 бош қорамол, 30 яшик асалариларни ҳам рацион асосида парваришлаб яхшигина даромадли бўлмоқдамиз.”

Қўштепадаги билимдон, омилкор фермерлар ишларига омад тилаб хайрлашдик.

Бешариқ тумани ҳам азал-азалдан миришкор деҳқонларию ишбилармон инсонлари орқали менга таниш. Улар ҳақида кўп ва ҳўб ёзганман.

Бу гал ушбу тумanning “Ёрқинжон Пайғамов” фермер хўжалиги раҳбари Ёрқинжон Пайғамовнинг иш фаолияти билан яқиндан танишдик.



Суратда: “Ёрқинжон Пайғамов” фермер хўжалиги раҳбари Ёрқинжон Пайғамов

“Авалло, инсонда одамгарчилик, меҳроқибат бўлса, Худойим доимо қўллаиди, оmod йўлларини очаверади, — дейди Ёрқинжон. — Ерга берсанг, беради. Ер оч бўлса, сен ҳам оч қоласан. Шунинг учун уни алдамаслик керак. “Мени алдасанг ҳам Худони алдолмайсан” дегани ҳақ гап. Мен шу каби ўзбекона ҳикматларга амал қилиб яшайман.”

Бу оддий деҳқоннинг ҳаёт фалсафаси. Қалби пок инсоннинг режалари эзгу, йўллари эса доимо ойдin.

У ўтган йили 23 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 42 центнердан, 29 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 85 центнердан ҳосил йиғиб олибди.

Ушбу тумanning “Фарҳод Худойбердиев” фермер хўжалиги раҳбари Юлдузой Худойбердиева билан бир пиёла чой устида самимий суҳбатлашдик.



Суратда: “Фарҳод Худойбердиев” фермер хўжалиги раҳбари Юлдузой Худойбердиева

“32 гектар майдонга Наманган 77 навли чигит қадаган эдик, — дейди опа. — Натижада гектаридан 42 центнердан ҳосил териb олдик. Нав менга маъқул бўлди. 31 гектар ғалланинг ҳар гектаридан 85 центнердан хирмон кўтардик. 5 гектар боғдан эса анчагина даромад бўлди. 14 гектар ерни томчилатиb суғорамиз.”

Миришкор опа тумanning олди фермерларидан экан. Ўғли Фарҳоджон унга доимо ҳамроҳ, ёрдамчи. Ю.Худойбердиева кўп йиллик меҳнатлари эвазига 2022 йили “Муътабар аёл” кўкрак нишони, 2024 йили эса қишлоқ хўжалиги ходимлари байрамида “Илғор фермер” кўкрак нишони билан тақдирланибди.

Юртимизда бундай захтамкаш фермерлар жуда кўп. Уларнинг ютуқлари кўпаяверсин.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
журналист.

ҚАДАМИ ҚУТЛУФ ФЕРМЕРЛАР

“Ҳар кишининг руҳи илм бирла қувватланса, шавқатли ва таъмасиз бўлур”, деб ёзган эди ўтган асрнинг бошларида яшаб, ижод қилган Сидқий Хондайлиқий.

Эзгулик ва яхшилиқни дилига жо этиб, дилдош эли билан диллашиб, бир гапириб ўн кулиб, халқим тўқ, юртим обод бўлсин дея меҳнат қилаётган Андижон вилоятининг омилкор фермерлари, деҳқонларини кўриб ҳавасингиз ортади. Ҳар гал ушбу вилоятга боранимда табиатан қаттиятли, меҳнатсевар, беғубор қалбли инсонлар билан учрашаман. Уларнинг очиқ чеҳраларини кўрганимда, фаолияти билан танишганимда ютуғларидан дилим яйрайди. Кулиб турган кўзлари, меҳрли сўзлари, одоби Бобурмирзодан мерос гуё...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидай “Озгина йўл кўрсатсанг бас, ишни қойиллатиб қўяди”, бу замондошларим.

Мана, ўша Марҳамат туманининг марду май-дон фермерлари. “Марҳаматлик Муҳаммадсоли ери” фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммадсоли Искандаров ишини ҳам, ҳазилни ҳам қойиллатиб қўядиганлардан экан. Фермернинг натижалари пок ниятидек баракали ва салмоқли бўлиб, ния-тига яраша барака берибди.



Суратда: (чапдан) Марҳамат тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Шербек Тўйчиев, “Марҳаматлик Нигорой даласи” фермер хўжалиги раҳбари Нигорахон Каримова ва “Марҳаматлик Муҳаммадсоли ери” фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммадсоли Искандаров

У 18 гектар пахта майдонининг ҳар гекта-ридан 45 центнердан, 26 гектар ғаллазорнинг гектаридан 80 центнердан ҳосил йиғиб олиб, ўзи ҳам, фермер хўжалиги аъзолари ҳам мўмай даромадли бўлибди.

30 бош зотли қорамол, 20 кути асалари, 120 дан ортиқ товуқ, ўрдак, курка боқиб келаётгани унинг тадбиркорлигидан далолат. Сувчилардан Ўктам Холиқов, Беғали Мирзараҳимов, меха-низаторлардан Жўрабек Тожибоев, Музаф-фар Тожибоевлар фермернинг дилдошлари, кўмакчилари.

Меҳнатда омилкор, саҳоватда қишлоқдош-ларининг мушқулини осон қилиб, элим, юртим дея ёнгувчи аёл “Марҳаматлик Нигорой даласи” фермер хўжалиги раҳбари Нигорахон Каримова ҳам туманининг илғорларидан.

Ўтган деҳқончилик йилида Нигорахон бош-лиқ жамоа 10 гектар пахта майдонидан қарийб 43 тонна, 22 гектар ғалла майдонидан 165 тонна хирмон кўтарибди. Тиниб-тинчимас Нигорахон халқ депутатлари туман кенгаши-нинг депутати ҳам экан. Ҳар хайрли ишда жонбозлик кўрсатадиган, саҳоватпеша депутат опадан Увайсий номли қишлоқ аҳли хурсанд, миннатдор.

Ушбу тумanning яна бир илғор фермерлари-дан “Жасорат” фермер хўжалиги раҳбари Али-шер Эргашовдир. Кам таъминланганларга, ёш-ларга кўмакчи бўлган Алишерни тумандагилар “Ҳомий ака” дея ҳурмат қилиб қақришар экан.

У бошлиқ жамоа ўтган йили 28 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 42 центнердан, 34 гектар ғалла майдонининг гектаридан 80 цент-нердан ҳосил йиғиб олибди. Алишер ютуқларида жамоа аъзолари катта эканини алоҳида таъ-кидлади.



Суратда: (чапдан) Марҳамат тумани ҳудуд ер тузувчиси Илҳомжон Ҳакимов, ҳудуд раҳбари Тўлқин Азимов ва “Жасорат” фермер хўжалиги раҳбари Алишер Эргашов

“20 қути асалари, 3 гектар боғдаги турли хил мевалар ҳам даромадимизга даромад қўшаяпти, – дейди фермер. – жамоа аъзоларимиз бундан баҳраманд бўлаяпти.”

Булоқбоши туманида илғорлар, фидойилари бисёр. Улар режаларни вилоятда биринчилардан бўлиб бажаришади, пахта, ғалладан ташқари барча тармоқдаги ишларини ҳам қойилатиб қўйишади.

Ушбу тумanning “Мирзаҳаким Расулов” фермер хўжалиги раҳбари Абдуллажон Расулов ҳар йили 10,5 гектарга картошка, 5,5 гектар майдонга саримсоқ, 2 гектар майдонга сабзи уруғлари қадаб, доимо мўл ҳосил олиб сабзавотчилик хўжаликлари орасида “уста миришкор” деган номга сазовор экан.



Суратда: (чапдан) Булоқбоши тумани “Мирзаҳаким Расулов” фермер хўжалиги раҳбари Абдуллажон Расулов туман ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлими бошлиғи Мусулмонқул Рўзиев билан

“Барнохон саҳовати” фермер хўжалиги раҳбари Барнохон Каримова ҳам ушбу тумanning илғор сабзавот етиштурувчиларидан.



Суратда: “Барнохон саҳовати” фермер хўжалиги раҳбари Барнохон Каримова ўғли Фарҳоджон Толипов билан

“— Умумий майдонимиз 7 гектар, — дейди Барнохон. — Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, 4,7 гектарга саримсоқ, 1,5 гектарга картошка, ярим гектарга помидор, карам, қолганига қўкатлар экиб парваришляяпмиз. Деҳқончилик ортидан уй солдик, машиналар олдик. Давлатимизга, Президентимизга раҳмат бизга шундай шароитлар, имкониятлар яратиб бергани учун.”

Асака туманининг омилкор, меҳнатсевар фермерлари бутун вилоятда машхур. Улар меҳмондўст, ширинсўз. Кўп бор учрашганимда бунга амин бўлганман.

Асакалик замин фидойилари ҳар бир куннинг қадрига етиб иш юритганлари боис натижалари мақтовга сазовор.

Ушбу тумanning “Самарали меҳнат унуми” фермер хўжалиги раҳбари Дилнозаҳон Мамажонова шундай ғайратли, оқила аёллардан экан. Биз фермер билан учраша олмадик. Иш юритувчиси билан суҳбатлашдик.

“— Фермер хўжалигининг ишини иш юритувчиси Обиджон Холмирзаев бошқаради, — дейди менга ҳамроҳлик қилган туман қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси Орифжон Ваҳобжонов.”



Суратда: (ўнгдан) Асака тумани “Самарали меҳнат унуми” номли фермер хўжалиги иш юритувчиси Обиджон Холмирзаев ва ишчи Абдукарим Йўлдошев

“ — Аёл кишига човачиликни ривож-
лантириш, молларни рацион асосида
парваршлаш қийин, — дея гапга ара-
лашди Обиджон. — 2021 йили туман халқ
банкidan 2 миллиард сўм кредит олиб,
Германиядан 60 бош зотли моллар олиб
келдик. Аини кунда 120 бош бўлди. ”

Айтишга осон, тилсиз жониворларни хо-
шига қараб асраб-авайлашнинг ўзи бўлмайди.
Биз уларга омадлар тилаб хайрлашдик.



Суратда: Асака тумани “Саболи тонг муруввати” фермер хўжалиги раҳбари Ойбек Азизов онаси Хайрихон ая Азизова билан

“ — “Саболи тонг муруввати” номли
фермер хўжалиги раҳбари Ойбек Азизов
ҳам туманнинг фахри, — дея йўл бошлади
Орифжон. — Ойбек босиқ, камтар, камгап.
Онаси Хайрихон ая меҳнатлари эвазига
бир неча бор мукофотлар олган. ”

“ Сўхбат давомида унинг ақлу-одоби,
масъулият билан ишлаётганига амин
бўлдик. — Пахтани қайта ишлаш цехимиз
бор, келажакда каттароқ цех қилиш ния-
тида ҳаракат қилияпмиз — дейди фермер.

— Хайрихон опа ҳам тиниб-тинчимас,
ваъда берса албатта бажаргувчи фи-
дойилардан, — дейди Орифжон. — 3 кило-
метр ариқни бетонлаштиришда ташаб-
бус кўрсатиб, елиб-югуриб ишни ниҳоясига
етказди. Қўни-қўшиниси, маҳалладошлари,
таниган, билганлар “меҳрибон, ишбилар-
мон опа” дея ҳурмат қилишади.

— Будунёда яхшилик, ширин сўз қолади,
— дейди опа табассум билан. — Ўғлим,
айни кунда ўрдакчиликни йўлга қўйиш
ниятида елиб-югуриб юрибди. 3 гектар
ернинг атрофини ўраб, ўрдаклар учун
мос бўлган “кошона” тайёрламоқда. На-
манган вилоятидан 500 та ўрдак олиб
келиб кўпайтиришни мақсад қилган. ”

Асакалик ишбилармон Исматилла Ота-
беков якка тартибдаги деҳқон хўжалигидан
200-300 миллион сўм даромад топар экан.
Иссиқхоналарини кўрдик, кўз қувнайди. Бод-
ринг, помидор кўчатларини юртимизнинг турли
ҳудудларига етказиб бермоқда.



Суратда: (чапдан) Асака тумани боғдорчилик бўлими мутахассиси Орифжон Воҳобжонов якка тартибдаги деҳқон хўжалиги раҳбари Исматилла Отабеков билан

“ — Кўчатларимиз навлари серҳосил,
касаликларга чидамли, шунинг учун ха-
ридорлар бисёр, — дейди таббиркор. ”

У 30 нафар хотин-қизни иш билан таъминла-
ган. Улар учун қулай иш шароитлари яратилган,
иссиқ овқатлар Исматулла ҳисобидан...

Андижондаги кўтаринкилик, ҳар жабҳадаги
қайноқ меҳнат бизга ҳам завқ бағишлади.

Ўз мухбиримиз.

Қорақўлчилик серда-ромад соҳа бўлиб, уни ривожлантириш орқали марказдан олисда жойлашган ҳудудларда яшовчи аҳолини муқим иш ўринлари билан таъминлаш, бозорларга арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари етказиш, бежирим ва сифатли қорақўл терини хориж давлатларига экспорт қилиш имконияти ву-жудга келади.



ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР — ТАРАҚҚИЁТГА ЗАМИН

Шу мақсадда, яратилган имкониятлардан фойдаланиб, Шофиркон туманидаги “Ғалаба” МЧЖ кластери аъзолари ҳам бугун қорақўлчилик соҳаси истиқболини янги босқичга олиб чиқиш мақсади йўлида меҳнат қилиб келишмоқда. Кейинги йилларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётган МЧЖ таркибида бугун жами 14 минг 560 бош майда шохли моллар парвариш қилинмоқда. Бу кўрсаткични ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда ўсиш суръати 105 фоизни ташкил этади.

“ — Айни кунларда ҳудудимиздаги мав-жуд қорақўлчилик наслчилик субъект-ларни таркибига олган ҳолда, «Коопе-рация» тизимини йўлга қўйганмиз. Бу борада ушбу лойиҳалар тўла қувват билан ишлаган ҳолда, жамиятимизда йилига 130 тонна гўшт, 21 тонна жун, 1 минг 650 та қорақўл тери, маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда, — дейди “Ғалаба” МЧЖ кластери раҳбари С.Сулаймонов. ”

Маълумки, чўл ҳудудида озуқабоп экинлар майдонларини ташкил этиш етарли озуқа етиш-тириш ва шунингдек, чўлдаги табиий яйловларни тубдан яхшилашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда жамият аъзо-лари яйловларга саксовул уруғлари экиш ишла-рини ҳам амалга оширмоқда. Бу билан эса, яқин атрофдаги яйлов ҳудудларнинг микроклими яхшиланади, маҳсулдорлик оширилади ва чорва молларини кучли шамол, чанг, қишки қор бўронларидан ҳимоя қилиш имкони яратилади.

Айни кунларда мазкур МЧЖ аъзолари яна бир долзарб тадбир — қишлоқ даврини муваффақиятли ўтказиш ва мавсумдан май-да шохли молларни беталафот олиб чиқиш мақсадида матонатли меҳнат қилишмоқда. Мав-сум олди жойларда 1 минг 200 тонна дағал ха-шак, омихта-ем ва зарур воситалар жамғарилди. Албатта, бугун ҳўжалиқда қорақўлчилик бораси-да тўпланган тажриба, тармоқ ривожини йўлидаги улкан режалар ҳудудда чорва сони ошишига, иқтисодиёт ривожига ва янги иш ўринлари яра-тилишига замин яратади.

Ўз мухбиримиз.

ИННОВАЦИЯЛАР ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугунги кунда замонавий технологиялар ва янгиликлар одамлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб, турмуш даражасини оширишда муҳим омил вазифасини ўтамоқда.

Маҳаллий ҳамда хорижий олимлар инновациялар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи эканини эътироф этишмоқда. Дунё иқтисодиёти ва ижтимоий ривожланишда инновациялар ҳал қилувчи ўрин тутаётганини инкор этиб бўлмайди.

Бугун инсон капиталининг миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашдаги ўрнини аниқлаш, ундан самарали фойдаланиш борасида тегишли шарт-шароитларни яратиш масалалари илмий изланишларнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бу борадаги изланишларда инсон капитали ривожланганлик даражасининг иқтисодий ўсишга таъсирини тадқиқ этиш муҳим.

Инновацион ривожланишга тўсқинлик қилаётган муаммолар қаторига ҳудудий шароитда ўзгаришларнинг кўлами, тезлиги ва чуқурлигидаги фарқ ҳам киради. Турли зиддиятлар вуҷудга келиши асносида номутаносибликлар ўсиши ҳудудларнинг инновацион тараққиётида фарқланишларни келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, инновацион ривожланиш даражасини белгилаб берувчи омилларни ҳар жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида Ўзбекистонни 2030 йилгача бўлган муддатда аҳоли даромади ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига, глобал инновацион индексида етакчи 50 мамлакат сафига олиб чиқиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун барча йўналишларда кенг имкониятларни яратиш, тадқиқотлар ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмла-

рини жорий қилиш каби вазифалар белгилаб берилишининг ўзиёқ инновацион иқтисодиётни қарор топтириш масаласи миллий иқтисодиёт учун нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Инновацион тараққиётнинг янги моделига ўтиш тўпланиб қолган салбий жараёнларни енгиб ўтиш ва иқтисодий ўсишни бирданига тезлаштириш имконини бермайди. Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг янги инновацион моделини қарор топтиришда инновацион салоҳиятдан фойдаланишни жадаллаштириш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, инновацион хўжалик тизимлари самарали фаолият кўрсатишига имкон берувчи янги институционал тузилмаларни яратишга алоҳида урғу бериш талаб қилинади.

Ҳозир ҳаёнда бизнес, фан ва давлатнинг ўзаро алоқаларига асосланган инновацион тараққиётнинг тўртта модели мавжуд. Мамлакатлар муайян шарт-шароит ва омилларни ҳисобга олиб, у ёки бу моделни танлашади. Инновацион тараққиёт моделларининг афзалликларини таққослаш ва уларни ўрганишда олий таълим муассасалари, ишлаб чиқариш ва давлатнинг ўзаро муносабатларига асосланувчи «учламчи спирал» модели катта қизиқиш уйғотади. Мазкур моделда инновацион иқтисодиёт асосларини шакллантиришда олий таълим муассасаларига катта эътибор қаратилади. Шу жиҳатдан олганда, олий таълим муассасаларида кадрларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий ўқув юртларини замонавий ўқув адабиёт-



лари билан таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Халқаро Нордик университети профессори, иқтисод фанлари доктори Акрам Ҳошимов томонидан олий таълим муассасалари талабалари учун тайёрланган «Инновацион иқтисодиёт» номли дарслик юқорида тилга олинган вазифалар ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Дарслик амалдаги давлат таълим стандартлари, малака талаблари асосида тайёрланган ва уни тайёрлашда маҳаллий ва хорижий олимларнинг соҳага оид ўқув адабиётлари ва илмий материаллардан кенг фойдаланилган.

Ундаги мавзулар мантикий кетма-кетликда берилган бўлиб, мавзуларни босқичма-босқич ўзлаштириш асосида инновацияларнинг иқтисодий мазмун-моҳияти, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида етарлича билим ва кўникмалар шаклланади. Дарсликка киритилган мавзуларни баён қилишда дастлаб у бўйича саволлар, унинг қисқача шарҳи, туб моҳиятини англаб етишга хизмат қилувчи амалий ҳаётдан

мисоллар келтирилган. Сўнгра мавзу саволлари маҳаллий ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, жадвал ва чизмалар ёрдамида батафсил ёритилган. Ҳар бир мавзу сўнгида қисқача хулосалар, олинган билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар, шунингдек, мавзуни ўзлаштириш бўйича тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Дарсликда бир-бирини тўлдирувчи мавзулардан сўнг фан бўйича олинган билимларни янада мустаҳкамлаш, билимларни текшириб кўриш учун турли тест саволлари келтириб ўтилган. Шу билан бир қаторда, иқтисодий луғатни бойитиш мақсадида фанга оид асосий тушунча ва атамалар луғати тавсия қилинган.

Дарслик билан танишиб чиқар эканман, Авраам Линкольннинг **«Менинг энг яхши дўстим, бу менга ҳали ўқимаган китобни совға қилган инсондир»** деган гапи ёдимга тушди. Иқтисодиёт фанлари доктори Акрам Ҳошимовга ўқувчиларга «ҳазми осон» дарсликни тайёрлаб, тақдим қилгани учун миннатдорлик билдирамин. Ўйлаймизки, «Инновацион иқтисодиёт» дарслиги Ўзбекистонда иқтисодиёт фани ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Муҳаммад Али САИДОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон 2024 йилда энг кўп мева-сабзавот экспорт қилган давлатлар

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йил январь-декабрь ойларида 1,5 млрд АҚШ доллари қийматидаги 2 млн тонна мева-сабзавот экспорт қилинган.

2024 йилда энг кўп мева-сабзавот экспорт қилинган давлатлар (АҚШ долларида):



Россия
815,1 минг тонна
632,9 млн доллар



Қозоғистон
520,5 минг тонна
189,8 млн доллар



Қирғиз Респ.
151,7 минг тонна
57,9 млн доллар



Хитой
144,6 минг тонна
128,6 млн доллар



Покистон
124,7 минг тонна
192,3 млн доллар



Афғонистон
67,6 минг тонна
124,4 млн доллар



Ироқ
32,9 минг тонна
13,4 млн доллар



Туркия
28,2 минг тонна
48,3 млн доллар



Беларусь
22,6 минг тонна
20,3 млн доллар



Бошқа давлатлар
128,5 минг тонна
141,7 млн доллар

УДК: 630 X 116.64: 630 X 114.462

ДЕГРАДИРОВАННЫМ ПАСТБИЩАМ – УСТОЙЧИВУЮ ЭКОСИСТЕМУ

Новицкий Зиновий Богданович,

Заслуженный работник сельского хозяйства Республики Узбекистан и Республики Каракалпакстан,
Заведующий лабораторией защитного лесоразведения и лесомелиораций НИИЛХ,
доктор сельскохозяйственных наук

Арабов Саидкул Амирович,

Директор НИИЛХ, доктор философии биологических наук (PhD)

Атаджанова Гузал Холматовна,

младший научный сотрудник, лабораторией защитного лесоразведения и лесомелиораций.

Принцип приоритета сельского хозяйства на землю, зафиксированный в Земельном кодексе Республики Узбекистан, определяется той экономической ролью, которую играет земля в сельском хозяйстве. Здесь она – главное средство производства. Преимущественное право сельского хозяйства на землю обусловлено ограниченностью земель, которые могут быть использованы для производства сельскохозяйственных продуктов. Те земли, которые не могут быть использованы для выращивания сельскохозяйственных культур, отданы под пастбища. Природные пастбища пустынь, занимают площадь около 21.0 млн. га территории Республики Узбекистан, из них 19 млн. га пастбищ расположены в засушливых регионах, которые не в состоянии прокормить животных имеющихся в государственном и частном секторах, т.к. их продуктивность составляет 50-200 кормовых единиц на 1 га, а для пропитания одной овцы в год требуется 500 кормовых единиц, коровы 1500, лошади 2000 и верблюдов 2500 кормовых единиц. Таких пастбищ. Чтобы прокормить животных в Каракалпакстане практически нет. Продуктивность существующих пастбищ ежегодно сильно снижается, что связано с интенсивным выносом соли, пыли и песка с осушенного дна, которые оседают на сельскохозяйственные земли и пастбища вызывая этим самым снижение их продуктивности, а в конечном итоге и полной деградации. Средний показатель снижения продуктивности пастбищ составляет 1.5% ежегодно. Полная деградация пастбищ в год составляет 16.5 тыс. га. О темпах деградации пастбищ можно судить еще и потому, что за последние 20 лет деградировано 464 тыс. га пастбищ. Сегодня нельзя не видеть деградации и оскудения растительных угодий. Это вызвано не только беспорядочной пастбой скота, но и другими формами разрушительной хозяйственной деятельности человека (вырубка кустарников на топливо, прокладка нефте и газопроводов, укладка дорог, ли-

ний электропередач и т.д.). Если проанализировать нынешнее состояние пастбищ, то в большинстве своем они деградированы, и на них не возможно выпастить животных.

Деградация окружающей среды вызывает растущую и вполне обоснованную тревогу у нас, деловых кругов и правительств многих стран, что показывает не только обеспокоенность мировой общественности фактически кризисным состоянием окружающей среды, но и желание направить свою деятельность, на решение экологических задач на национальном, региональном и международном уровнях.

Признавая важность проблемы и необходимость усиления борьбы с опустыниванием и принятия эффективных мер в содружестве с мировым сообществом, Узбекистан еще в 1994 году ратифицировал Конвенцию ООН по борьбе с опустыниванием и засухой. В нашей стране вопросы борьбы с деградацией земель являются приоритетными. Около 10 млн.га пастбищ требуют коренного улучшения. Происходит деградация почв на орошаемых землях, особенно в районе экологического бедствия, в частности в Приаралье. По данным ученых 73% общей площади пастбищных угодий и сенокосов в Узбекистане подвержено деградации почв и опустыниванию по причине стравливания пастбищ, влияния техногенных факторов и изменения климата. В пустыне Кызылкум в 2.5 раза сократился видовой состав растений, особенно редких и исчезающих видов, поедаемых скотом и более чем на 1 миллионе гектар наблюдается активность подвижных песков. В Каракалпакстане в результате деградации из севооборота освободилось около 240 тыс. га бывших пахотных земель, а во всей зоне Приаралья эта площадь составляет около 2 млн. га. Пустынная зона Узбекистана превращается в область экологического бедствия, страдающая от вторичного засоления и загрязнения земель, исчезновения видов ценных растений и снижения биоразнообразия.

В связи с тем, что деградация земель в Узбекистане набирает большие темпы, возникла острая необходимость на всех уровнях поднимать данный вопрос и разработать мероприятия по борьбе с опустыниванием. Так, 17 октября 2024 года в научно-исследовательском институте лесного хозяйства была проведена Международная конференция на тему: «Проблемы опустынивания в Узбекистане и пути их решения» в которой приняли участие ученые из России, Казахстана и Южной Кореи. На данной конференции были разработаны основные методы борьбы с опустыниванием, базирующиеся на широком использовании лесомелиоративных приемов. Ученые в своих докладах отмечали, что характер опустынивания осушенного дна Аральского моря значительно отличается от сравнимого формирования типичных пустынь. На осушенном дне природные условия местности стремительно меняются за короткие интервалы времени: площадь пустынных земель не только стремительно расширяется, характерные изменения также влияют на физическую характеристику новых участков с явным сверхпропорциональным увеличением поверхности солевой пустыни и солесодержащих почв. Эти площади – важнейший фактор экологической дестабилизации региона.

Экологическая ситуация в Приаралье по сравнению с 80-ми годами прошлого столетия резко ухудшилась. В настоящее время здесь утрачено качество водных и земельных ресурсов, нарушены состав и устойчивость экосистем и снижена экологическая ценность окружающей среды, ее продукционные свойства и возможность самовоспроизводства, резко возросла токсичность среды, в связи с чем утрачена медико-гигиеническая стабильность среды обитания многонационального населения.

В Постановлении Президента нашей страны «О первоочередных мерах по борьбе с пыльными бурями и улучшению качества атмосферного воздуха» от 24 сентября 2024 года за №ПП-338, утверждена Национальная программа по борьбе с пыльными бурями и смягчению их негативных последствий в Республике Узбекистан на 2024-2030 годы. Это очень важно, т.к. пыльные бури затрагивают и пастбища, что приводит к их деградации.

До недавнего времени развитие пустынного животноводства проходило путем освоения еще неосвоенных пастбищных массивов. Сейчас этот резерв исчерпан. Приходится искать новые не освоенные земли. К настоящему времени на пустынных пастбищах Узбекистана, в связи с интенсивным развитием животноводства в частном секторе, достигнута предельная концентрация

поголовья животных. Создание пустынных агрофитоценозов на осушенном дне Аральского моря является крайне актуально и важно в деле создания прочной кормовой базы для животноводства и его развития в Каракалпакстане. Площадь пастбищ в Муйнакском районе составляет 136874 га с кормовой емкостью не более 150 кормовых единиц с 1 га. Для прокормления увеличивающегося количества животных требуются площади пастбищ с высокой продуктивностью, которых в Муйнакском районе нет. Большая часть кормов для прокормления животных завозится из других районов. Чтобы восполнить недостающее количество кормов необходимо искать резерв в самом Муйнакском районе. Поэтому, единственным местом, где возможно создать пастбища и получить недостающее количество кормов, является осушенное дно Аральского моря. При правильном использовании научных рекомендаций ученых НИИЛХ и выборе лесопригодных типов донных отложений на осушенном дне возможно создавать пустынные пастбища с использованием таких кормовых растений, как чогон, терескен, боялык, кейрек, изень и другие виды. Научный опыт создания таких пастбищ у нас имеется на бывшем заливе Муйнакский. Пастбища были созданы с применением выше упомянутых растений и продуктивность их достигла 400 кормовых единиц с 1 га. Перспектива создания пустынных кормовых пастбищ на осушенном дне имеется. Однако для реализации всей программы пастбищезащитного лесоразведения на осушенном дне должно быть необходимое количество посадочного материала. С этой целью нами рекомендовано создать Центр по выращиванию посадочного материала пустынных кормовых растений, которыми мы сможем обеспечить весь регион пустынной зоны и даже реализовывать в соседние республики.

Следовательно, в нашей стране все внимание должно быть сосредоточено на исправление положения сложившегося на деградированных пастбищах, возвращении их к прежнему состоянию путем искусственного ввода кормовых растений, а также более широко использовать лесопригодные типы донных отложений осушенного дна для создания новых высокопродуктивных пустынных пастбищ базируясь на научных разработках ученых НИИЛХ. Для более эффективного решения данного и других вопросов лесного хозяйства целесообразно использовать разработанный в нашем институте лесной кластер, который опубликован в журнале Сельское хозяйство Узбекистана в №8 2024 г. под названием «Путь к оздоровлению зоны Арала и пустынных территорий».

G. HIRSUTUM L. ГЕНОТИПЛАРИДА БОШ ПОЯ БАЛАНДЛИГИ БЕЛГИСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА ПОПУЛЯЦИЯ ТАРКИБИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Азимов Абдулахат Абдужаббарович, б.ф.д., профессор, етакчи илмий ходим,

Эргашев Ориф Рахматуллаевич, б.ф.д. катта илмий ходим,

Каримов Эшмурод Ёрқулович, б.ф.н. катта илмий ходим,

Қахрамонов Аслиддин Кубаевич, қ.х.ф.ф.д. эркин тадқиқотчи,

Шодмонов Абдунаби Дўсмуратович, эркин тадқиқотчи,

Рахмонов Самар Давлатович, эркин тадқиқотчи,

Холлиев Ғиёсжон Чориевич, эркин тадқиқотчи,

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.

Абдурасулов Шухрат Эргашевич, эркин тадқиқотчи,

ЎзР ҚХВ Тошкент давлат аграр университети.

Аннотация. *G. hirsutum L.* нинг Тошкент вилояти шароитларида 2020 йилда экилиб, парваришланган генотипларида бош поя баландлиги белгиси кўрсаткичлари бўйича популяция таркибининг намоён бўлишини аниқлаш мақсадида амалга оширилган фенологик кузатув ишларидан олинган натижаларнинг статистик таҳлиллари натижасидаги маълумотлар ушбу мақолада атрофлича ёритилган. Мақола сўнггида келинган хулосаларга кўра, ҳар бир нав ва тизманинг нав тавсифидаги кўрсаткичлари умумий ўртача маълумотлар бўлиб, ушбу ўртача маълумотларнинг пайдо бўлишида турли кўрсаткичларга эга бўлган ўсимликлар гуруҳи белги бўйича популяция таркибида иштирок этади. Айрим гуруҳлар эса ушбу таркибда асосий ўринни эгаллаб, бошқа кўрсаткичли гуруҳларга нисбатан доминантлик қилиши аниқланган.

Калим сўзлар: *G. hirsutum L.*, генотиплар, популяциялар, бош поя баландлиги, популяция таркиби, кўрсаткичлар, модификантлар, таҳлилий натижалар.

Abstract. This article provides detailed information on the statistical analysis of the results from phenological observation studies conducted to determine the manifestation of population composition according to the stem height trait parameters in genotypes of *G. hirsutum L.* species of cotton planted and cultivated in 2020 in the conditions of the Tashkent region. According to the conclusions reached at the end of the article, the parameters of each cultivar and line of cotton in the varietal description are considered as general average data, and in the formation of these average data, a group of plants with different parameters participates in the population composition according to the trait. Some groups are found to occupy the main place in this composition and dominate over the groups with other parameters.

Key words: *G. hirsutum L.*, genotypes, population, main stem height, population composition, parameters, modifiers, statistical results.

Аннотация. Сведения о статистическом анализе результатов фенологических наблюдательных работ, проведенных с целью определения проявления структуры популяции по показателям высоты главного стебля в генотипах *G. hirsutum L.*, посаженных и содержащихся в 2020 год в условиях Ташкентской области подробно рассмотрен в данной статье. Согласно выводам, сделанным в конце статьи, показатели каждого сорта и серии в описании сорта являются общесредними данными, а в возникновении этих средних данных в структуре участвует группа растений с разными показателями. Некоторые группы растений занимают в этом составе главное место и доминируют над другими группами показателей.

Ключевые слова: *G. hirsutum L.*, генотипы, популяции, высота стебля, популяционный состав, показатели, модификаторы, результаты анализа.

Кириш. Дунёда бугунги кундаги глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги экинларининг янги ижобий кўрсаткичларига эга бўлган нав ва дурагайларини яратиш бўйича талаблар

тобора ортиб бормоқда. Сўнги йилларда ғўзада классик ҳамда популяцион генетика услубларининг қўлланилиши асосида турли тупроқ ҳамда иқлим шароитларига мослашувчан генотипларни ажратиш

олишга, уларнинг ҳўжалик учун муҳим ҳисобланган белги ва хусусиятлари бўйича имкониятларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда [1-8].

Генотип жиҳатдан гомеостаз ҳолатида бўлган ҳар бир нав ирсий хусусиятларини авлодларида мустаҳкам сақланишини таъминлайди.

Тадқиқот мақсади *G. hirsutum* L. генотипларида бош поя баландлиги белгиси кўрсаткичлари бўйича популяция таркибининг намоён бўлишини аниқлаш мазкур тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Материал ва услублар. Тадқиқот ишларида ўрта толали ғўзанинг Келажақ, ЎзФА-707, ЎзФА-710, Меҳнат, Юлдуз, АН-Боёвут-2, Т-19, Т-41, Т-826, Т-840, Т-1278, Т-1326, Т-1336, Т-1391, Т-1470, Т-1477, Т-1777, Т-8588 сингари нав ва тизмалари, андоза сифатида эса Наманган-77 ва С-6524 навларидан ушбу тадқиқотнинг ашёлари сифатида фойдаланилган.

Тадқиқотларни олиб боришда генетиканинг қиёсий морфология ва популяцион таҳлил услубларидан фойдаланилди. Маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Б.А. Доспехов услуги бўйича (М. 1985) амалга оширилди.

Натижалар ва мунозара. Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар куйида таҳлил қилинган:

Генотипларнинг бош пояси баландлиги кўрсаткичлари қандай кўрсаткичларда шаклланганлигидан қатъи назар, агар шу генотипга хос бўлган ўсимликларда ғовлаш аломатлари кузатилмаган тақдирда, яъниким, кўрсаткичлар нав тавсифида келтирилганидек, ирсий жиҳатдан меъёр даражасида фенотипда намоён бўлаётган бўлса, ушбу хусусиятнинг ҳосилдорликка ижобий ёки салбий таъсири мавжуд бўлмайди.

Ќўзанинг бош пояси баландлиги қанчалик паст ва ихчам бўлса, кўчат сонини экин майдонида кўп миқдорда жойлаштириш имконияти юқори бўлиб, гуллаш ва кўсакларининг очилиши кўрсаткичлари шунчалик яхши ҳолатда намоён бўлиши, шунингдек, тезпишарлик хусусиятининг бош поя баландлиги белгиси билан баъзи дурагай комбинацияларда кучсиз ва ўртача боғланишда акс этиши муаллифлар томонидан қайд этилган [2].

Генотипларда белги кўрсаткичлари бўйича популяция таркиби таҳлил қилинганида андоза Наманган-77 навида ушбу тадқиқот йилида умумий ўртача кўрсаткичлар $115,76 \pm 0,63$ ва популяциянинг ўзгарувчанлиги $3,63\%$ ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичларни юзага келишида популяция таркибида 10 см.ли ўлчов бирлигида $101\text{--}110\text{ см.ли}$ ўсимликлар 12% ни, $111\text{--}120\text{ см.ли}$ ўсимликлар 76% ни ва $121\text{--}130\text{ см}$ оралиғидаги кўрсаткичларни акс эттирган ўсимликлар ҳам 12% ни ташкил этгани аниқланди. Тадқиқотларда иккинчи андоза нав сифатида олинган С-6524 навида умумий

ўртача кўрсаткичлар $117,34 \pm 0,71$ ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами $3,99\%$ ни ташкил этиб, мазкур таркибни пайдо бўлишида $101\text{--}110\text{ см.ли}$ ўсимликлар 5% , $111\text{--}120\text{ см.ли}$ ўсимликлар 76% ва $121\text{--}130\text{ см}$ оралиғидаги ўсимликлар эса 19% ни ташкил этган. Келажақ навининг ўсимликлари таҳлил қилинганида маълум бўлдики, ушбу генотипда умумий ўртача кўрсаткичлар $84,71 \pm 0,62$ ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами $4,86\%$ да акс этган бўлса, ушбу таркибнинг пайдо бўлишида $71\text{--}80\text{ см.ли}$ ўсимликлар 21% ва $81\text{--}90\text{ см}$ оралиғида намоён бўлган ўсимликлар эса 79% ни ташкил этган. ЎзФА-707 навининг популяциясида ўртача кўрсаткичлар $120,28 \pm 0,62$ ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами $3,40\%$ да намоён бўлган. Таркибнинг намоён бўлишида эса $101\text{--}110\text{ см.ли}$ 3% , $111\text{--}120\text{ см.ли}$ 48% ва $121\text{--}130\text{ см.ли}$ 49% ни ташкил этган ўсимлик гуруҳлари аниқланган. ЎзФА-710 навида умумий ўртача кўрсаткичлар $118,07 \pm 0,68$ ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами $3,81\%$ ни акс эттириб, ушбу таркибда $101\text{--}110\text{ см.ли}$ 4% , $111\text{--}120\text{ см.ли}$ 65% ҳамда $121\text{--}130\text{ см.ли}$ ўсимликлар 31% ни намоён этгани аниқланган. Меҳнат навида умумий ўртача кўрсаткичлар $119,21 \pm 0,68$ ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами $3,81\%$ да эканлиги аниқланиб, мазкур таркибда $101\text{--}110\text{ см.ли}$ 5% , $111\text{--}120\text{ см.ли}$ 51% ва $121\text{--}130\text{ см.ли}$ даги ўсимликлар 44% ни ташкил этганлиги маълум бўлган. Юлдуз навида белги бўйича ўртача кўрсаткичлар $118,91 \pm 0,88$ ҳамда популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами $4,93\%$ ни ташкил этган. Ушбу таркибнинг юзага келишида $101\text{--}110\text{ см.ли}$ 14% , $111\text{--}120\text{ см.ли}$ 33% ва $121\text{--}130\text{ см.ли}$ даги ўсимликлар 53% да намоён бўлган. АН-Боёвут-2 навида ўртача кўрсаткичлар $117,32 \pm 0,77$ ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами $4,34\%$ да акс этган. Мазкур таркибнинг барпо бўлишида $101\text{--}110\text{ см.ли}$ 9% , $111\text{--}120\text{ см.ли}$ 65% ва $121\text{--}130\text{ см.ли}$ ўсимликлар 26% ни ташкил этган. Т-19 тизмасида белги бўйича ўртача кўрсаткичлар $121,43 \pm 0,83$ ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами $4,56\%$ ни ташкил этган. Таркибнинг юзага келишида эса $101\text{--}110\text{ см.ли}$ 7% , $111\text{--}120\text{ см.ли}$ 20% , $121\text{--}130\text{ см.ли}$ 69% ва $131\text{--}140\text{ см}$ оралиғидаги кўрсаткичларни намоён этган ўсимлик гуруҳлари 4% ли улуш билан иштирок этган. Т-41 тизмасида ўртача кўрсаткичлар $121,79 \pm 0,92$ ва ўзгарувчанлик кўлами $5,00\%$ да намоён бўлган бўлса, ушбу кўрсаткичларнинг юзага келишида эса $101\text{--}110\text{ см.ли}$ ўсимликлар 7% , $111\text{--}120\text{ см.ли}$ 32% , $121\text{--}130\text{ см.ли}$ 59% ва $131\text{--}140\text{ см.ли}$ акс эттирган ўсимликлар 2% ни ташкил этган. Т-826 тизмасида ўртача кўрсаткичлар $112,50 \pm 0,67$ ва популяцион ўзгарувчанлик кўлами $3,96\%$ ни ташкил этган. Таркибнинг пайдо бўлишида эса, $101\text{--}110\text{ см.ли}$ 39% ва $111\text{--}120\text{ см.ли}$ 61% ли кўрсаткичларни намоён этувчи ўсимлик гуруҳлари иштирок этган. Т-840 тиз-

масининг умумий ўртача кўрсаткичлари $113,70 \pm 0,57$ ва белги бўйича популяция ўзгарувчанлиги 3,32 % ни ташкил этган. Таркибининг юзага келишида эса, 101-110 см.да 24, 111-120 см.да 74 ва 121-130 см.да 2 % улуш билан ўсимлик гуруҳлари қатнашган. Т-1278 тизмасида ўртача кўрсаткичлар $119,71 \pm 0,62$ ва ўзгарувчанлик кўлами 3,44 % ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичларнинг юзага келишидаги популяция таркибида 101-110 см.да 2, 111-120 см.да 50, 121-130 см.даги ўсимлик гуруҳлари 48 % билан иштирок этган. Т-1326 тизмасида ўртача кўрсаткичлар $120,09 \pm 0,60$ ва ўзгарувчанлик кўлами 3,34 % ни намоён этган бўлса, ушбу кўрсаткичларнинг пайдо бўлишидаги популяция таркибида 101-110 см.да 5, 111-120 см.да 42 ва 121-130 см.да 53 % ли улуш билан ўсимлик гуруҳлари қатнашган. Т-1336 тизмаси таҳлилдаги белги бўйича умумий ўртача кўрсаткичлар $117,91 \pm 0,81$ ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами 4,53 % ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичларнинг намоён бўлишида 101-110 см.да 10, 111-120 см.да 52 ва 121-130 см.да 38 % билан ўсимлик гуруҳлари қатнашган. Т-1391 тизмасида белги бўйича ўртача кўрсаткичлар $118,11 \pm 0,89$ ва ўзгарувчанлик кўлами 4,98 % ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткичларни пайдо бўлишида 101-110 см.да 13, 111-120 см.да 41 ва 121-130 см.да 46 % ли улуш билан ўсимлик гуруҳлари қатнашган. Т-1470 тизмасида ўртача кўрсаткичлар $121,36 \pm 0,68$ ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами 3,70 % ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичларни пайдо бўлишида 111-120 см.да 46, 121-130 см.да 49 ва 131-140 см.да 5 % билан ўсимликлар иштирок этган. Т-1477 тизмасида белги бўйича ўртача кўрсаткичлар

$116,03 \pm 0,61$ ва популяцион ўзгарувчанлик кўлами 3,47 % ни акс эттирган. Ушбу кўрсаткичларни барпо бўлишида 101-110 см.да 7, 111-120 см.да 78 ва 121-130 см.даги ўсимликлар 15 % кўрсаткич билан қатнашган. Т-1777 тизмасида белги бўйича ўртача кўрсаткичлар $117,63 \pm 0,83$ ва ўзгарувчанлик кўлами 4,70 % ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичларнинг пайдо бўлишида 101-110 см.да 16, 111-120 см.да 48 ва 121-130 см.даги ўсимлик гуруҳлари 36 % билан иштирок этган. Т-8588 тизмасида таҳлилдаги белги бўйича ўртача кўрсаткичлар $115,91 \pm 0,83$ ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами 4,08 % ни намоён қилган бўлса, мазкур кўрсаткичларнинг юзага келишида 101-110 см.да 15, 111-120 см.да 68 ва 121-130 см.да 17 % ли улуш билан ўсимлик гуруҳлари иштирок этган.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, мазкур тадқиқот йилида ўрта толали ғўза генотипларининг ўсимликларида бош поя баландлиги белгиси бўйича умумий ўртача кўрсаткичлар, унинг тебраниши чегаралари ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўламини намоён бўлиши тўғрисидаги олинган маълумотларнинг статистик таҳлилларига кўра, нав ва тизмаларнинг аксар қисмида (Келажак нави бундан мустасно) популяция таркибининг пайдо бўлишида 10 см ўлчов бирлигида таққосланганда асосан учта гуруҳга мансуб ўсимликлар иштирок этиши кузатилган. Белги бўйича ўртача маълумотларнинг юзага келишида маълум бир кўрсаткичларни намоён этган ўсимликлар гуруҳи популяция таркибида доминантлик қилиб, қолган гуруҳлар кичик фоизларда ўртачага нисбатан юқори ва паст кўрсаткичлар билан тўлдирувчи вазифасини ўтаган.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов И., Аҳмедов Р., Тиллаев Р., Мухоммадов И. "Порлоқ-1 ва Порлоқ-2 ғўза навлари агротехникаси". // Агро-Илм – "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали. 2(40), Тошкент – 2016. 5-6 б.
2. Бобоев Я.А., Ким Р.Г., Амантурдиев А.Г. "Ўзанинг F2 авлодида тезпишарлик белгисининг бошқа хўжалик учун қимматли белгилар билан ўзаро боғланиши". // Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик тўплами. Тошкент – 2000. 50-56 б.
3. Ж.Р. Дадажонов, О.Р. Эргашев, А.Э. Ҳақимов, Б.М. Гаппаров "Ўзанинг янги ЎзФА-715 навининг ўзига хос бўлган хусусиятлари ва айрим хўжалик белгилари кўрсаткичларининг фенотипик намоён бўлиши". AGRO ILM журнали, 6[50]-сон, 2017. 8-9
4. Ж.Р. Дадажонов, О.Р. Эргашев, Б.М. Гаппаров "Сарбон ғўза нави хусусиятлари ва айрим белгилари кўрсаткичларининг фенотипда намоён бўлиши". "Ўзбекистон қ/х" журнали. Тошкент, 2019. 2-сон, 31 б.
5. О.Р. Эргашев, И.Т. Қаҳҳоров "Ўзанинг айрим хўжалик белгилари кўрсаткичларини турли экологик ҳудудларда фенотипик намоён бўлиши". // Монография. "Наврўз" нашриёти – 2021.
6. О.Р. Эргашев "Ўзанинг ЎзФА-710 нави". // Рисола. "Наврўз" нашриёти – 2021.
7. С. Одилов, О.Ж. Жалилов, И.Т. Каххаров, С.М. Набиев, Б.Б. Махмасоҳатов "Ғўза ўсимлиги ҳосил шохларининг ўзгарувчанлиги, интеграция ва мосланувчанлик (адаптация) замини". // Академик С.С. Содиқов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган "Ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликларида тез пишарликни ҳамда мослашув-чанликни эволюцион ва селекция қирралари" мавзусидаги Халқаро илмий конференция материаллари тўплами. "ФАН". Тошкент – 2005. 118-120 б.
8. Қаҳҳоров И.Т. "Ўзанинг истиқболли "Келажак" нави". // Мат. Респ. научно-практ. конф. Достижения и перспективы экспериментальной биологии растений. Ташкент – 2013. с. 81-83.

ДЎЗАНИ ДУРАГАЙЛАШ НАТИЖАСИДА ЯРАТИЛГАН ТИЗМАЛАРНИНГ ТЕЗПИШАРЛИК, КЎСАКЛАР ВА ЧИГИТЛАР ЙИРИКЛИГИ, ТОЛА ЧИЎИМИ БЕЛГИЛАРИ ШАЎЛЛАНИШИ

Ўрозов Бахриддин Омонович,

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот
институтининг катта илмий ходими, қ.х.ф.ф.д.

Шодмонова Гулноза Эркиновна,

Тошкент давлат аграр университети доценти, қ.х.ф.ф.д.

Тореев Фозилбек Нуруллаевич,

Тошкент давлат аграр университети доценти, қ.х.ф.н.

Эгамбердиев Рамиш Рабимович,

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигининг механизациялаш мухандислари институтининг”
миллий тадқиқот университети доценти қ.х.ф.н.

Аннотация. Тадқиқот натижалари асосида вилт замбурғлари билан табиий зарарланган муҳитда дурагайлаш натижасида олинган тизмалардан айрим биотик омилларга ўта бардошли бўлган маҳсулдор, вегетация даври 116 кунгача, бир донга кўсак вазни 5,7 граммдан юқори, тола чиқими ва 1000 донга чигит вазни юқори бўлган ўсимликлар ажратиб олинди.

Калим сўзлар: ўза, дурагай, оилалар, тизмалар, вегетация даври, кўсаклар ва чигитлар йириклиги, тола чиқими.

Аннотация. По результатам исследований из полученных в результате гребней выделены продуктивные растения с высокой устойчивостью к некоторым биотическим факторам, вегетационным периодом до 116 дней, массой одного боба более 5,7 грамм, выходом волокна и массой 1000 семян гибридизация с грибами вилт в естественно загрязненной среде.

Ключевые слова: хлопок, гибрид, семейства, гряды, вегетационный период, размер коробочек и семян, выход волокна.

Abstract. According to the results of the research, productive plants with high resistance to some biotic factors, vegetation period up to 116 days, weight of one bean more than 5.7 grams, fiber yield and weight of 1000 seeds were isolated from the resulting combs. hybridization with Wilt fungi in a naturally polluted environment.

Key words: cotton, hybrid, families, ridges, vegetation period, size of bolls and seeds, fiber yield.

Кириш. Маълумки, ўсимликлар селекциясида яхши муваффақиятларга эришишда белгиларнинг генетик ўзгаришчанликлари ҳисобга олган ҳолда чатиштиришлар услубини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, чатиштириш ишларининг самарадорлиги селекционерлар томонидан танланган, ўзида ижобий белгиларни мужассам этган бошланғич шакллар ҳамда кўнгилдагидек комбинациялар ола билишга боғлиқ ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда яратилаётган навларнинг тола чиқими 40 фоиздан кам бўлмаслиги керак ва шу билан бирга тола сифати IV типга жавоб бериши лозим. Республикаимизда ўза навларининг асосий кўрсаткичларидан тезпишарлик, кўсаклар йириклиги, тола чиқими ва 1000 донга чигит вазни каби морфохўжалик белгилар бўлиб, Давлат реестрига киритилиши давомиде катта аҳамият касб этади.

Адабиётлардан маълумки, пахта маҳсулдорлигини оширишда кўсаклар ва чигитлар йириклиги асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Маълумки, ўза селекционер олимлар томонидан яратилаётган навлар тезпишар, ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга бардашли, тола чиқими юқори ва сифат белгилари жаҳон андоза талабларига жавоб бериши каби белгилар муҳим ҳисобланади. Бундай қимматли хўжалик белгиларини бир генотипда мужассамлаштириш мураккаб масаладир. Шунинг учун олимлар турли усуллардаги чатиштиришдан фойдаланишади. Д.Ахмедова ва бошқалар [1] ўзанинг тизмалараро дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганишган. Олинган натижалар асосида тола чиқими ва тола индекси бўйича F₁ дурагайларда ирсийланиш оралиқ ҳолатда эканлиги, 1000 донга

чигит вази белгисининг ирсийланиши соф полимер генларга боғлиқлиги келтирилган. Тажрибалар олиб бориш жараёнида ушбу белгилар бўйича ота-она шакллари улар иштирокида олинган тизмаларнинг кўрсаткичларидан фарқ қилганликларини кузатишган.

С.Ф.Бобоев ва бошқалар маълумотларига [2] кўра тола чиқими бўйича мураккаб ва бекросс дурагайларнинг дастлабки авлодларида олинган натижалар, яъни F_4 авлодда ҳам тасдиқланганлиги, тола узунлиги бўйича F_4 дурагайлари бошланғич шакллар билан таққослаб ўрганишлари натижасида ушбу белгини янада яхшиланганлигини келтиришган. В.М.Бочарова [3] кўш дурагай комбинацияларини ва уларнинг бошланғич шакллари бўлмиш оддий дурагайларини ва навларни биргаликда ўрганган. Муаллиф F_1 кўш дурагайларда тезпишарлик, ҳосилдорлик ва унинг компонентлари оддий дурагайлардаги каби оралиқ ҳолда наслдан-наслга ўтиш хусусиятига эга бўлишини

ёки бошланғич ота-она шаклларининг юқорироқ кўрсаткичлари бўйича шаклланишини қайд этган. Оддий чатиштиришларда юқори гетерозис берувчи навлар мураккаб чатиштиришда ҳам ушбу ҳолатни тақорланган.

Материал ва услублар. Тадқиқотларимизда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, “Ўза энтомологияси ва патология” лабораториясида Т-116 (Т-177хТ-186), Т-1094 (Т-153хТ-190), Т-403 (Т-188хТ-209), Т-501 (Т-1541хТ-371), Т-500 (Т-116хТ-205) тизмаларини вегетация даври, кўсаклар йириклиги, тола чиқими ва 1000 дона чигит вази каби белгилар андоза С-6524 навига билан таққослаб таҳлил қилинди. Ўзани дурагайлаш натижасида яратилган янги тизмалар ва андоза навини асосий қиммат хўжалик белгилари оилалардаги ўсимликлар бўйича таҳлил қилиниб, Б.А.Доспехов (1985) услубида математик ишловдан ўтказилди (жадвал).

жадвал

Ўзани яратилган тизмаларни тезпишарлик, кўсаклар ва чигитлар йириклиги, тола чиқими белгиларини таҳлиллари.

№	Тизмалар	Вегетация даври, (кун)	Бир дона кўсак вази, (гр)	Тола чиқими, (%)	1000 дона чигит вази, (гр)
1	Т-116 (Т-177хТ-186)	116±0,7	5,7±0,2	39,4±0,3	126,2±0,6
2	-II-	114±0,6	5,4±0,1	40,2±0,4	125,7±0,5
3	-II-	117±0,7	5,1±0,1	38,6±0,3	128,1±0,7
4	-II-	118±0,8	5,9±0,2	41,4±0,4	125,4±0,5
	Ўртача	116,2±0,7	5,5±0,15	39,9±0,35	126,3±0,6
1	Т-1094 (Т-153хТ-190)	117±0,7	5,7±0,2	40,9±0,4	126,3±0,6
2	-II-	116±0,7	6,2±0,3	42,3±0,4	125,2±0,5
3	-II-	118±0,8	5,8±0,2	38,6±0,3	128,6±0,7
4	-II-	118±0,8	5,6±0,2	39,7±0,3	127,2±0,6
5	-II-	116±0,6	5,5±0,1	40,0±0,4	126,9±0,6
	Ўртача	117,0±0,7	5,8±0,2	40,3±0,36	126,8±0,6
1	Т-403 (Т-188хТ-209)	116±0,6	5,6±0,1	41,2±0,4	125,8±0,5
2	-II-	112±0,5	4,9±0,1	39,5±0,3	127,3±0,7
3	-II-	113±0,5	5,8±0,2	39,8±0,4	126,9±0,6
4	-II-	115±0,6	5,8±0,2	36,7±0,2	130,1±0,8
5	-II-	114±0,5	6,0±0,3	41,3±0,4	127,2±0,7
6	-II-	115±0,7	5,4±0,1	39,2±0,3	126,5±0,7
	Ўртача	114,2±0,6	5,6±0,16	39,6±0,33	127,3±0,7
1	Т-501 (Т-1541хТ-371)	114±0,5	6,2±0,3	38,7±0,3	128,4±0,8
2	-II-	111±0,4	5,8±0,2	41,6±0,4	126,3±0,7
3	-II-	115±0,5	6,0±0,3	40,3±0,3	127,1±0,7

4	-II-	116±0,6	5,7±0,2	39,2±0,4	129,0±0,8
5	-II-	113±0,5	5,8±0,2	41,4±0,3	126,2±0,6
6	-II-	114±0,5	5,5±0,1	40,8±0,2	127,6±0,7
	Ўртача	113,8±0,5	5,8±0,22	40,3±0,32	127,4±0,7
1	T-500 (T-116xT-205)	115±0,5	5,6±0,2	41,7±0,4	125,3±0,5
2	-II-	117±0,7	4,9±0,1	38,6±0,3	128,6±0,7
3	-II-	118±0,7	5,5±0,1	39,7±0,3	127,4±0,7
4	-II-	116±0,6	4,7±0,1	41,2±0,4	126,5±0,6
	Ўртача	116,5±0,6	5,2±0,12	40,3±0,35	126,9±0,6
	St.C-6524	119±0,8	4,6±0,1	36,8±0,2	123,1±0,5

Натижалар ва мунозара. Ғўза селекция-си соҳасидаги кўп тадқиқотлар ўтказилган ва ютуқларга эришилган, лекин ҳозирги вақтда ғўза маҳаллий нав ва тизмаларини оддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида, турли тупроқ-иқлим шароитларида тезпишар, ҳосилдор бўлган навлар яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Тадқиқотларда пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар илмий-тадқиқот институтини “Ғўза энтомологияси ва патология” лабораториясида бир неча йиллик тадқиқотлар натижасида дурагайлаш асосида олинган тизмаларни тезпишарлиги кўсаклар ва чигитлар йириклиги ҳамда тола чиқими каби белгилар андоза С-6524 ғўза навиға таққослаб таҳлил қилинди.

Маълумки, Республикамизда барча экин турлари каби, ғўзани яратилаётган янги навларининг асосий кўрсаткичларидан бири вегетация даври бўлиб, Давлат реестрига киритилишида муҳим аҳамият касб этади. Ғўзада тезпишарлик белиги бўйича 50 фоиз кўсаклар очилиши биологик тезпишарлик ва 90-95 фоиз кўсаклар очилиши хўжалик тезпишарлиги ҳисобланиб, бунда терим ишлари олиб борилади. Ўрганилган тизмалар оилаларида вегетация даври бўйича 113, 8 кундан Т-501 (Т-1541хТ-371) тизмаси, 117,0 кунгача Т-1094 (Т-153хТ-190) тизмасида, андоза навида эса 119 кунти ташкил этди. Вегетация даври бўйича Т-501 ва Т-500 тизмаларида бошқа тизмалар ва андоза навиға нисбатан тезпишар (111-116 кун) ўсимликлар учраганлиги аниқланди.

Ғўзада кўсаклар йириклиги пахта ҳосилдорлигини оширишда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бир донга кўсак вазни бўйича ўрганилган Т-1094 (Т-153хТ-190) ва Т-501 (Т-1541хТ-371) тизмаларида юқори бўлганлиги, яъни ушбу тизмаларда кўсаклар йириклиги 5,5 граммдан, 6,2 граммгача бўлганлиги аниқланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ғўза селекционер олимлар олдига тезпишар, сермахсул, турли биотик ва абиотик омилларга бардошли бўлган, тола сифати жаҳон талабларига жавоб берадиган ҳамда тола чиқими 40 фоиздан юқори бўлган навларни яратиш вазифасини қўйилган. Тола чиқими белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич Т-1094, Т-501 ва Т-500 тизмаларида бўлиб, 38,6 фоиздан, 42,3 фоизгача ўртача 40,833 фоиз бўлганлиги, 1000 донга чигит йириклиги бўйича эса Т-501 (Т-1541хТ-371) тизмасида 126,2 граммдан, 129,0 граммгача ўртача 127,4 граммни ташкил этди. Андоза сифатида ўрганилган С-6524 навида бир донга кўсак вазни 4,6 граммни, тола чиқими 36,8 фоизни ҳамда 1000 донга чигит вазни 123,1 граммни ташкил этганлиги қайд этилди.

Хулоса. Бир неча йиллик тадқиқот натижалари асосида вилт замбурғлари билан табиий зарарлан-тирилган муҳитда дурагайлаш натижасида олинган тизмалардан айрим биотик омилларга ўта бардош-ли бўлган маҳсулдор, вегетация даври қисқа 116 кунгача, бир донга кўсак вазни 5,7 граммдан юқори, тола чиқими ва 1000 донга чигит вазни юқори бўлган ўсимликлар ажратиб олинди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ахмедова Д. ва бошқалар “Ғўза селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларидан долзарб муаммолари ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент. 2017 йил (20 декабр) 116-120 б.
2. Бобоев С.Ғ ва бошқалар Ғўза, беда селекция ва уруғчилиги илмий ишлар тўплами. «ҒАН» нашриёти, Тошкент-2009 йил, 100-104 б.
3. Бочарова В.М. Применение сложной гибридизации в селекции хлопчатника //Материалы шестой конференции молодых ученых по сельскому хозяйству Узбекистана. -Ташкент, 1970. -С. 7-15.

СОДЕРЖАНИЕ АМИЛАЗЫ, КРАХМАЛА И БЕЛКА В ЗЕРНАХ РИСА (*ORYZA SATIVA*), ВЫРАЩЕННЫХ ПРИ РАЗЛИЧНЫХ СЛОЯХ ВОДЫ

Хожамкулова Юлдузой Жахонкуловна,

Заведующий лабораторией “Физиологии и биохимии растений”,
доктор по философии сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник,

Маллаев Жахонгир Илхомович, младший научный сотрудник,

Хикматов Жамшид Бахтиёрович, младший научный сотрудник,

Научно-исследовательский институт риса.

Аннотация. Ушбу мақолада Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида районлаштирилган эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Илгор”, Искандар”, кечпишар “Мустақиллик”, “Лазурный”, “УзРОС-7/13” шולי навларининг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли сув қалинликларида шולי уруғларининг доннинг сифати яъни гуруч таркибидаги амилаза, крахмал ва оқсил миқдорлари аниқланган. Шולי навларининг 5; 10; 15 ва 20 см турли сув қалинликларини ўрганганимизда шולי навлари орасидан кечпишар “Лазурный” навида бошқа навларга нисбатан амилаза крахмал оқсил миқдорлари 21,4%, 69,9%, 11,2% юқори бўлганликлари келтирилган.

Калит сўзлар: *Oriza Sativa*, шולי, дон, амилаза, крахмал ва оқсил.

Аннотация. В данной статье учтены биологические особенности раннеспелых сортов риса «Гулджахан», среднеспелых «Илгор», «Искандар», позднеспелых сортов риса «Мустакиллик», «Лазурный», «УзРОС-7/13», районированных в условиях лугово-болотных почв Ташкентской области, семена риса анализируются при различной глубине воды, т.е. определяется содержание амилазы, крахмала и белка в рисе. При изучении сортов риса при различной толщине воды 5, 10, 15 и 20 см результаты по содержанию амилазно-крахмального белка были на 21,4%, 69,9% и 11,2% выше у позднего сорта риса «Лазурный» по сравнению с другими сортами.

Ключевые слова: *Oriza Sativa*, рис, зерно, амилаза, крахмал и белок.

Abstract. This article takes into account the biological characteristics of early-ripening rice varieties “Guljahan”, mid-ripening “Ilgor”, “Iskandar”, late-ripening rice varieties “Mustaqillik”, “Lazurny”, “UzROS-7/13”, zoned in the conditions of meadow-marsh soils of the Tashkent region, rice seeds are analyzed at different water depths, i.e. the content of amylase, starch and protein in rice is determined. When studying rice varieties at different water thicknesses of 5, 10, 15 and 20 cm, the results for the content of amylase-starch protein were 21.4%, 69.9% and 11.2% higher for the late rice variety “Lazurny” compared to other varieties.

Key words: *Oriza Sativa*, rice, grain, amylase, starch and protein.

Введение. В мире проводятся масштабные научные исследования по передовым ресурсосберегающим технологиям выращивания риса. Совершенствование агротехнологий выращивания высокоурожайного риса, использование современных технологий возделывания, механизации возделывания риса, современных способов подкормки минеральными удобрениями, в том числе в результате исследований по разработке внекорневой подкормки системы, требуют полного удовлетворения спроса населения на рисовую продукцию.

Рисовые продукты отличаются от других продуктов своей пищевой ценностью, а также быстрым и полным перевариванием в организме человека. Рис

и продукты из него содержат белок, жир, крахмал, золу, клетчатку и фитин, в 1 килограмме риса 4000 калорий. В результате шелушения риса в среднем получается 54% риса, 109% шелухи, 13% рисовых остатков, 3% муки и 20% отрубей.

Рис — единственная сельскохозяйственная культура, распространенная от 300 градусов северной широты до 300 градусов южной широты. Он также отличается требовательностью к специфическим климатическим условиям, особенно к воде. Коэффициент транспирации растения риса составляет 450-550. В целях формирования единой системы выращивания и закупки риса, рационального использования земельных и водных ресурсов,

а также наполнения внутреннего потребительского рынка высококачественной продукцией. Согласно постановлению Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2021 года «О мерах по дальнейшему развитию рисоводства» № ПП-4973 задачи широко-го применения водосберегающих технологий при возделывании риса, засев 20% рисовых полей рас-садным способом, внедрение системы планировки с использованием лазерного оборудования в 50%, посадка семян риса в современные сеялки в 30% [1].

По данным П.С. Ерыгина [2, 5-10-б], культура риса относится к классу Однодольные, семейству злаковые (Gramineae), а в семейство Оризовые входит 28 видов. Два из них, *Oryza sativa* и *Oryza glaberrima* Stead, культивируются. Ориза сатива, которую выращивают в Юго-Восточной Азии, на Дальнем Востоке, в Европе, Африке, Америке и Австралии. *Oryza glaberrima* — дикорастущее растение. В то же время рис в некоторых местах использовался в пищу местным населением.

Ф. Дуу [3, 77-б] в своих научных исследованиях показал, что существенное значение имеют механический состав почвы и водная толщина, а также взаимодействие сортов на урожайность зерна риса. Установлено, что урожайность была значительно выше в вариантах с постоянным затоплением, чем в вариантах с прерывистым орошением, урожайность зерна риса и глубины воды на 46% выше в тяжелосуглинистой почве, чем в средней песчаной почве, сорт риса Cocodrie в вариантах с постоянным затоплением имел более высокие побеги риса, чем в вариантах с прерывистым орошением.

Сорт риса Rondoniki в вариантах с постоянным затоплением был длиннее, количество зерен также было выше, т. е. на 29%. В результате выбор сорта и тип почвы являются важными факторами при принятии решения о том, какой вариант управления водными ресурсами использовать.

Чуан Чи Линь (2005) [4, 169-173-б] установил, что одним из объективных показателей сортов риса с технологическими характеристиками является количество амилозного вещества в зерне. Во многих научных источниках утверждается, что растения риса содержат 15-35% амилозы. Чем больше количество амилозы в зерне, тем выше стекловидность [5, 36-с]. В результате исследований Султана [6, 211-220-с] эндосперм рисового зерна обычно стекловидный, но бывает и полустекловидный или мучнистый. Центр полустекловидного зерна состоит из мукообразного эндосперма. Корка от 16,5% до 25%. Цвет зерен серебристый, от белого до желто-коричневого и даже черного. Эндосперм — основная часть зерна. Он расположен за семенной

кожурой и наружная часть состоит из алейронового слоя и клеток эндосперма. В алейроновом слое много белка. Эндосперм наполнен крахмалом, его содержание у обычных сортов риса достигает от 86,4% до 88,9%. Количество белка в эндосперме риса сравнительно невелико - 7,6-12,6%, и он преимущественно распределен в периферических частях зерна [7, 68-73-с].

Х. Н. Отабоева, Б. М. Холиков (2003) [8, 10-11, с. 54-55] говорят, что рис резко отличается от других зерновых продуктов тем, что содержит много крахмала и мало белка. По научным данным, рис состоит из 76,1% крахмала, 2,6% белка, 3,9% сахара, 1,8% декстрина, 1% жира, 1,4% отрубей и 0,2% клетчатки и является важнейшим в этом составе рационом питания [9, 41, 52-54-б].

При возделывании риса посажено 3 сорта риса районированных «Гулжахан», «Илгор», «Искандар» и позднеспелый «Мустакиллик», «Лазурный», «УзРОС 7/13». Изучен влияния выращивания при различных слое 5, 10, 15, 20 см воды на высоту растений и содержание амилазы, крахмала, белка в зерне риса.

Методика и условия исследования. По результатам агрохимического анализа опытного поля количество гумуса в пахотном слое высокое - 1,92%, количество азота среднее - 22,31 кг/кг, количество фосфора высокое - 59,2 мг/кг а количество калия среднее — достаточно 158 мг/кг.

Естественный климат Ташкентской области резко континентальный и засушливый, полный жары и температур в течение всего года, а среднее количество солнечных дней в летние месяцы составляет 295-390 часов. Лето жаркое и сухое, июль — самый жаркий месяц. Рост и развитие сельскохозяйственных культур однозначно зависят от температуры воздуха. Сумма годовых осадков составляет 432-377 мм.

Источниками исследований послужили ранние сорта риса «Кульджахан», среднеспелые «Илгор», «Искандар» и позднеспелые «Мустакиллик», «Лазурный», «УзРОС 7/13».

Результаты и обсуждение. (Влияние различной глубины воды на рост, развитие и урожайность риса. (2022) Взято из диссертации доктора философии (PhD) в области сельскохозяйственных наук). При изучении влияния на различных толщин воды 5, 10, 15 и 20 см. на количества амилазы, крахмала и белка в зерне риса, у раннеспелого сорта риса «Гулжахан» содержание амилазы составляло 17,9%, крахмала — 68,9%, белка — 8,6%. При глубине 5 см, амилаза - 18,9%, крахмал - 69,3%, белок - 9,0% в 10 см воды. Амилаза 19,0%, крахмал 69,1%, белок 9,6% на глубине 15 см и амилаза 19,0%, крахмал 69,0%, белок 9,3% при глубине 20

Таблица 1

Количество рисового зерна, амилазы, крахмала и белка при разной глубине воды

Сорта	Количества разной глубины воды, см и содержания, %											
	5 см			10 см			15 см			20 см		
	амилаза	крахмал	белок	амилаза	крахмал	белок	амилаза	крахмал	белок	амилаза	крахмал	белок
“Гулжаҳон”	17,9	68,9	8,6	18,9	69,3	9,0	19,0	69,0	9,3	19,0	69,1	9,6
“Илғор”	17,9	69,2	8,9	19,0	69,6	9,3	19,2	70,4	9,6	19,1	69,8	9,6
“Искандар”	18,6	69,9	9,9	19,2	70,8	9,9	19,1	69,8	9,9	19,1	71,0	9,6
“Лазурний”	20,9	68,6	10,6	21,4	70,3	11,2	21,4	69,9	11,2	21,3	70,0	11,2
“Мустақиллик”	20,2	69,8	9,6	20,9	70,9	9,9	21,0	70,9	10,3	20,9	70,9	9,9
“УзРОС 7-13”	20,0	69,8	9,2	20,7	70,3	9,6	20,6	70,8	9,4	20,5	70,3	9,3

см. У среднеспелого риса «Ильгор» при глубине воды 5 см амилаза составляла 17,9 %, крахмал 69,2 %, белок 8,9 %, крахмал 69,6 %, белок 9,0 % на глубине воды 10 см составляла 3%. Амилаза составляла 19,1%, крахмал 69,8%, белок 9,6% в толще воды 15 см, а амилаза 19,2%, крахмал 70,4%, белок 9,6% в толще воды 20 см.

У позднеспелого сорта риса «Мустакиллик» при глубине 5 см содержание амилазы составила 20,2%, крахмал – 69,8%, белок – 9,6%. На глубине 10 см содержание амилазы составляло 20,9%, крахмала – 70,9%, белка – 9,9%. Амилаза 21,0%, крахмала 70,9%, белок 10,3% на глубине 15 см и амилаза 21,0%, крахмал 70,9%, белок 10,3% на глубине 20 см. В позднеспелом рисе сорта Искандар в глубине воды 5 см содержание амилазы составляло 18,6%, крахмала 69,9%, белка 9,9%. На глубине 10 см содержание амилазы составило 19,2%, крахмала – 70,8%, белка – 9,9%. Количество амилазы была 9,9%, крахмал 19,1%, белок 71,0% в толще воды 15 см, а амилаза 19,1%, крахмал 69,8%, белок 9,9% в толще воды 20 см. У позднеспелого риса сорта «Лазурный» на глубине 5 см воды амилаза составила 20,9 %, крахмал – 68,6 %, белок – 10,6 %, На глубине 10 см содержание амилазы составляло 21,4%, крахмала – 70,3%, белка – 11,2%. Количество амилазы составила 21,3%, крахмал 70,0%,

белок 11,2% в толще воды 15 см, а амилаза 21,0%, крахмал 70,9%, белок 10,3% в толще воды 20 см. У позднеспелого сорта риса «УзРОС 7/13» при глубине воды 5 см содержание амилазы составляло 20,0 %, крахмала – 69,8 %, белка – 9,2 %, Амилаза составляла 20,7%, крахмал – 20,7%, белок – 9,6% при глубине воды 10 см. Содержание амилазы было 20,5%, крахмала – 70,3%, белка – 9,3% при глубине воды 15 см, а амилаза – 21,6%, крахмал – 70,8%, белок – 9,4% при глубине воды 20 см [10, 105-112-б].

Заключение. Необходимо не допускать, чтобы толщина полива рисового растения превышала норму. В противном случае это снизит качество зерна и продуктивность растения. Из приведенных данных можно сделать вывод, что Сорта риса «Кульджахан», «Ильгор», «Искандар», «Лазурный», «Мустакиллик» «УзРОС 7-13» в разной глубине воды по сравнению со всеми изучаемыми сортами позднеспелого риса сорт «Мустакиллик» имеет белок 10,3, крахмал 70,9, количество амилазы 21,0%. Содержание белка амилазного крахмала в рисе среднеспелого «Илгор» при глубине воды 15 см на полях, засаженных рисом, составляло 19,2%, 70,4% и 9,6%. Среди сортов риса отмечено, что количество белка амилазы крахмала у сорта Лазурный было выше на 21,4%, 69,9% и 11,2% по сравнению с другими сортами.

ЛИТЕРАТУРА

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2021 года № ПП-4973. О мерах по дальнейшему развитию рисоводства.
2. Ерыгин.П.С. Шоли М., Колос. 1981. 5-10-б.
3. Dou.F.For Rondo, its grain yield has decreased with soil water regimes...of developingrice cultivars appropriate for aerobic production system. p-77. 2016. <https://journals.plos.org/article>.
4. Chuan Chi Lin. NaCl stress in rice seedlings: starch mobilization and the influence of gibberellic acid on seedling growth. // Bot. Bull. Acad. Sin. 2005. Vol. 36. p. 169-173.
5. Гаркуша С.В. и.д.р. Совещание по проблеме утилизации рисово соломы в Краснодарском крае.

Журнал Рисоводство. Краснодар, 16/2010 г. с. 36.

6. Sultana.N. Effect of NaCl salinity on photosynthesis and dry matter accumulation in developing rice grains. // Environ. and Exp. Bot. 2009. Vol. 42, №3 p. 211-220.

7. Костылева Л.М. и Францева Н.В. 2013. Анализ взаимосвязи между признаками, характеризующими технологические свойства зерна и крупы риса. Вестник аграрной науки Дона. 2 (13) 2013, с. 68-73.

8. Отабоева Х.Н., Холиков Б.М. «Биология зерновых культур» Ташкент-2003. стр. 10-11, стр. 54-55.

9. Кадыров. Выбор сортов риса, устойчивых к засолению. Доктор философии (PhD) Дисс. по сельскохозяйственным наукам... Ташкент. 2019. 41, стр. 52-54.

10. Ходжамкулова Ю.Ж. Влияние различной толщины воды на рост, развитие и урожайность риса. Доктор философии (PhD) Дисс. по сельскохозяйственным наукам... Андижан. 2022. стр. 105-112.

УЎТ: 633.174:631.174.4

ОҚ ЖЎХОРИНИНГ ПАКАНА БЎЙЛИ, ТЕЗПИШАР, ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИ ЮҚОРИ БЎЛГАН НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИ ЯРАТИШДА ХОРИЖИЙ НАМУНАЛАР ИЧИДАН БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАР ТАНЛАШ

Азизов Кобулжон Кахрамонович, қ.х.ф.ф.д., к.и.х.,
Озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси.

Аннотация. Жўхорининг пакана бўйли, тезпишар, дон ҳосилдорлиги юқори бўлган нав ва тизмаларини яратишда хорижий ва маҳаллий намуналар ичидан бошланғич манбаалар танлаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари келтирилган.

Калим сўзлар: жўхори, нав, намуналари, пакана бўйли, тезпишар, тизмалар, рўвак узунлиги, 1000 дона дон оғирлиги.

Аннотация. Представлены результаты научных исследований, проведенных по отбору первичных материалов из зарубежных и отечественных образцов для создания низкорослых, скороспелых, высокоурожайных сортов и линий сорго.

Ключевые слова: сорго, сорт, образцы, скороспелый, линий, длина метёлки, масса 1000 зерен.

Abstract. The article presents the results of scientific research conducted on the selection of primary materials from foreign and domestic samples for the creation of low-growing, early-ripening, high-yielding varieties and lines of sorghum.

Key words: sorghum, variety, samples, early-ripening, line, panicle length, 1000-grain weight.

Кириш. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "3.3... касаллик ва зараркундаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекцион навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонлар зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий – тадқиқот ишларини кенгайтириш" муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Бунинг учун эса албатта селекция жараёнини жадаллаштириш, соҳанинг илғор замонавий услубларидан фойдаланиш асосида касалликларга чидамли тезпишар, ҳосилдорлиги юқори бўлган навларни яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Дж.М.Пельменнинг фикрга кўра, Хорижда янги навлар ва дурагайларни яратишда, шунингдек,

эски навларни яхшилашда қўлланиладиган асосий усуллар қуйидагилардир: интродукция, танлаш, кейинчалик керакли хусусиятларга эга констант шаклларни танлаб олган ҳолда дурагайлаштириш, яратишда биринчи авлод дурагайлардан фойдаланган ҳолда ЦЭС асосида дурагайлаштириш. Бундан ташқари, селекцияда колхицинациялаш ва билвосита дурагайлаштириш билан боғлиқ бўлган полиплоидиядан фойдаланилган [1].

Г.И.Костина Волга бўйида жўхори селекциясида фертилликка асосланган турлараро чатиштириш, мутагенездан фойдаланган ва бунинг асосида қўроқчилик ҳамда совуққа чидамли Пищевое 614, Перспективный 1, Юбилейная 20, Пищевое 35, Волгарь 1, Волгарь 2 ем-хашак жўхори ва жўхори дурагайларини яратган [2].

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институ-

тида турлараро дурагайлаштириш усули билан дон ва силосга етиштириладиган Узбекское кормовое нави Г.А. Айрапетов ва бошқалар, [9; 53-б.] томонидан яратилган. Бу дурагай нав маҳаллий ялангоч донли Пакана кечки ва Оранжевое 160 навларини дурагайлаштириш ва кейин серхосил қанд жўхори шаклини танлаш йўли билан яратилган. Бу нав Қорақалпоғистон Республикасида 1980 йилдан бошлаб районлаштирилган [3].

Пакана ва ўрта бўйли навлар ишлов бериш ва ўрим учун қулай. Доннинг потенциал ҳосилдорлиги гектардан 5 тоннадан 6,5 тоннагача. Круста овқатга ишлатиладиган жўхори нави яратилган ва Давлат реестрига киритилган (2003 йлда муаллифлар: Н.А.Бағринцева Э.К.Вахонский). Доннинг технологик хусусиятлари ундан ёрма, нон ва қандолатчилик маҳсулотига қўшиш учун махсус ун, экструдиаланган маҳсулотлар тайёрлаш учун фойдаланиш имконини беради. Дон таркибида хом протеин миқдори 13-14 %ни, ёғлар миқдори 3,0-3,5 %ни, крахмал миқдори 72-73 %ни ташкил этади. Доннинг ҳосилдорлиги ўртача 5,7 ц/га етган [4].

Материаллар ва услублар. Тадқиқотлар лабо-

ратория ва дала усулида олиб борилди. Уларни олиб боришда ЎзПТИ томонидан ишлаб чиқилган услублар фенологик кузатувлар “Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А. Доспехов [6; 423-б.]. (1985) услубларидан фойдаланилган.

Коллекция кўчатзорида жўхори нав намуналарининг умумий майдони 12,6 м² бўлиб, тизмаларни баҳолаш кўчатзорини умумий майдони 14,0 м², назорат синови умумий майдони 19,6 м², конкурс синови умумий майдони 28,0 м² бўлган майдончаларда, икки, тўрт қатор ва бир, тўрт такрорланишда ўрганилган.

Натижалар ва мунозара. Коллекция кўчатзорига намуналар 2007 йилда – 25 май, 2008 йилда – 5 май, 2009 йилда – 23 май, 2010 йилда – 31 май кунларида майсалари тўлиқ униб чиққан. Дон жўхори гуруҳига киритилган 26 дон навуналардан Ўзбекистон 5, К- 247 (Чилляки улущенное), К-417 (Хигери карликовое), К-296 (Зерноград 1), ISCV 112, DP-L4 1019, К-195 (Кубанское 164), К-141, К-219, К-293 (Волжское 7) навуналарининг ўсув дав-

1-жадвал

Дон жўхори гуруҳининг ўсув даври давомийлиги (ўртача 2007-2010 й.й.)

№	Намуналар номи	Келиб чиқиши	Униб чиқишдан, кун ҳисобида			
			Рўвак-лашгача	Гуллашгача	сут пишишгача	тўлиқ пишишгача
1	Ўзбекистон 5, ан.	ЧПТИ	66	70	87	103
2	Ўзбекистон паканаси, ан.	ЧПТИ	84	95	108	137
3	К- 247 (Чилляки улущенное)	ЎИТИ	52	60	75	93
4	К-602 (Ўзбекистон оқ дон)	ЎИТИ	70	79	107	122
5	К-417 (Хигери карликовое)	ЎИТИ	63	72	90	108
6	К-296 (Зерноград 1)	ЎИТИ	53	60	72	102
7	К-195 (Кубанское 164)	ЎИТИ	63	72	90	108
8	К-141	ЎИТИ	63	72	84	108
9	К-219	ЎИТИ	56	66	84	108
10	Бой-джугора	ЎИТИ	70	79	98	122
11	Сафар 1	ЎИТИ	72	80	94	115
12	ЎзК-545	ЎИТИ	70	79	90	118
13	К-387 (Redluir)	ЎИТИ	60	68	82	103
14	К-598 (Кубек)	ЎИТИ	60	68	84	106
15	К-293 (Волжское 7)	ЎИТИ	60	68	83	100
16	К-600 (Катта бош)	ЎИТИ	82	90	104	122
17	ISCV 112	ИКРИСАТ	63	70	82	107
18	DP-L4 1019	ИКБА	63	72	90	108
19	DP-L4 2009	ИКБА	63	70	77	112
20	DP-L4 2004	ИКБА	70	79	90	112
21	DP-L4 2008	ИКБА	70	78	90	112
22	DP-L4 2010	ИКБА	60	68	90	112
23	DP-L4 1002	ИКБА	75	86	97	116
24	ГулДУ	ГулДУ	84	92	109	124
25	ICSR 174	ИКРИСАТ	80	88	99	119
26	S-35	ИКРИСАТ	85	93	102	121



плари бошқа нав намуналарига нисбатан эртароқ бўлганлиги ва уларнинг – рўваклар даври униб чиққандан бошлаб 52-66, гуллаш даври 60-72 кунни, сут пишиш даври эса 75-90 кунни, тўлиқ пишиш даври 93-108 кунни ташкил этганлиги кузатилди (1 – жадвал).

К-602 (Ўзбекистон оқ дон), Бой-джугора, ЎзК-545, Сафар 1, К-600 (Катта бош), ГулДУ нав намуналарининг гуллаш даври 79-90 кунга, сут пишиш даври 90-109 кунга тўғри келди. Андоза Ўзбекистон паканаси намунаси барча нав намуналарга нисбатан гуллаш даври 95 кунга, сут пишиш даври 108 кунга ва тўлиқ пишиш даври эса 137 кунга кечроқ бўлиши кузатилди.

Тажриба нав намуналарида ўсимлик бўйи кўрсаткичлари донни тўлиқ пишиш даврида ўрганилганда, DP-L4 2004, К-602 (Ўзбекистон оқ дон), Ўзбекистон 5, ан., К-141, Бой-джугора, Сафар 1, К-600 (Катта бош), DP-L4 1019 нав намуналарида 231,8-263,3 см бўлганлиги кузатилди (2-жадвал).

Ўсимлик бўйи паст бўлганларга Ўзбекистон паканаси ан., К-417 (Хигери карликовое), К-296 (Зерноград 1), К-195 (Кубанское 164), ЎзК-545, К-293 (Волжское 7), ГулДУ нав намуналар бўлиб, уларнинг ўсимлик баландлиги 95,8 – 136,2 см бўлганлиги аниқланди. Дон ҳосилдорлигини оширишда энг муҳим кўрсаткичлардан бири бу рўвак узунлиги бўлиб, нав намуналар ичида рўваги узун бўлган К-598 (Кубек) (ЎИТИ) (35,4 см) нав намунаси ажралиб чиқди.

ISCV 112, DP-L4 2008, DP-L4 2009, DP-L4 1019, К-387 (Redlur), К-293 (Волжское 7), ЎзК-545, К-195 (Кубанское 164), К- 247 (Чилляки улучшенное), К-602 (Ўзбекистон оқ дон) ва андоза Ўзбекистон 5 нав намуналарининг рўвак узунлиги 26,5, 27,7, 28,7, 29,4, 29,7, 30,0, 30,7, 31,5, 32,7, см ни ташкил этди. Рўвак узунлиги 20,0 см дан кичик бўлган намуналарга ГулДУ (19,8 см), К-600 (Катта бош) (19,9 см), Бой-джугора (14,7 см), К-417 (Хигери карликовое) (19,2 см), Ўзбекистон паканаси (19,4 см) мансуб

2-жадвал

Дон жўхори гуруҳининг биометрик кўрсаткичлари (ўртача 2007-2010 й.й.)

№	Нав намуналар номи	Ўсимлик бўйи, см	Рўвак узунлиги, см	Биринчи баргдан рўвак остигача оралик масофа, см	Барглар сони, дона.
1	Ўзбекистон 5, ан.	240,5	27,7	9,3	10
2	Ўзбекистон паканаси, ан.	121,9	19,4	7,9	23
3	К- 247 (Чилляки улучшенное)	227,0	32,7	14,4	9
4	К-602 (Ўзбекистон оқ дон)	235,0	27,7	7,8	15
5	К-417 (Хигери карликовое)	116,2	19,2	6,2	21
6	К-296 (Зерноград 1)	123,0	24,5	11,0	8
7	К-195 (Кубанское 164)	123,7	28,7	7,3	12
8	К-141	239,3	24,2	13,4	10
9	К-219	160,0	25,3	5,5	11
10	Бой-джугора	235,0	14,7	13,5	19
11	Сафар 1	231,8	23,4	8,5	14
12	ЎзК-545	97,2	26,5	5,3	13
13	К-387 (Redlur)	173,3	29,7	11,0	12
14	К-598 (Кубек)	209,5	35,4	12,6	12
15	К-293 (Волжское 7)	95,8	27,7	6,2	10
16	К-600 (Катта бош)	263,3	19,9	8,5	19
17	ISCV 112	197,0	31,5	4,9	11
18	DP-L4 1019	245,2	30,7	1,3	9
19	DP-L4 2009	177,5	30,0	1,9	14
20	DP-L4 2004	235,7	23,4	5,0	12
21	DP-L4 2008	166,7	29,4	3,0	11
22	DP-L4 2010	221,3	23,3	9,0	9
23	DP-L4 1002	160,0	22,7	3,4	11
24	ГулДУ	136,2	19,8	8,5	18
25	ICSR 174	145,1	24,3	3,0	13
26	S-35	213,5	20,0	4,2	14

бўлиб, буларнинг асосийларини рўвакларни эгик шаклида эканлиги аниқланди.

Дунё бўйича дон жўхорини дон ҳосилини йиғиштириш жараёнини механизациялаштириш ва ишчи кучини камайтириш, ҳосилни ёгингарчилик мавсумига қолишини олдини олиш мақсадида олимлар томонидан коллекцион намуналарни ўрганишда муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган биринчи баргдан рўвак остигача оралиқ масофа ўрганилди. Бу кўрсаткич бўйича нав намуналар ўрганилганда 10,0 см дан юқори бўлган намуналарга К-247 (Чилляки улущенное), К-296 (Зерноград 1), К-141, Бой-джугора, К-387 (Redluir), К-598 (Кубек) ларда 11,0-21,4 см, 5,0-10,0 см оралиқдагиларига андозалар Ўзбекистон 5, Ўзбекистон паканаси ва К-417 (Хигери карликовое), К-602 (Ўзбекистон оқ дон), К-195 (Кубанское 164), К-219, Сафар 1, ЎзК-545, К-293 (Волжское 7), DP-L4 2010, ГулДУ мансуб бўлиб, уларда 5,3-9,3 см ни ташкил қилганлиги аниқланди. Қолган намуналарда биринчи баргдан рўвак остигача оралиқ масофа 1,3-5,0 см ни ташкил этди. Бу кўрсаткич нав намуналарнинг амал даври давомида бажариладиган агротехник тадбирларга қараб ўзгариши мумкин. Ўрганилган хорижий адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра энг мақбул биринчи баргдан рўвак остигача бўлган масофа 5-10 см оралиғида бўлса, жўхори ҳосилини комбайн ёрдамида йиғиштиришда асосий дон ҳосилдорлик яшил массага ўтиб кетмаслиги келтирилган.

Экинларни ҳосилдорлигини оширишда муҳим кўрсаткичлардан бири бу бир дона ўсимликдаги барг сонини қўплиги ҳисобланади. Ўсимликда барг қанча қўп бўлса фотосинтез жараёни яхши кечиби, ўсимликда қуруқ массани қўп тўпланишига олиб келади. Жўхори экинини пишиш даврига қараб барг сони 8 данадан 24 донагача бўлиши адабиётларнинг морфологик кўрсаткичлари деган бўлимида бир нечта олимларнинг ўтказган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб келтириб ўтиб кетилган. Бир туп ўсимликда барг сони энг юқори бўлган намуналарга Ўзбекистон паканаси, К-417 (Хигери карликовое), К-600 (Катта бош), ГулДУ, Бой-джугора намуналар мансуб бўлиб, уларнинг барг сони 18-23

донани ташкил этди. S-35, ICSR 174, DP-L4 2009, DP-L4 2004, К-387 (Redluir), К-598 (Кубек), ЎзК-545, Сафар 1, К-195 (Кубанское 164), К-602 (Ўзбекистон оқ дон) намуналарида 12-16 донадан барг мавжудлиги аниқланди. Жўхори экинидан тўйимли яшил масса озуқа тайёрлашда нав намуналарни сербарг бўлиши глобал иқлим ўзгариши шаротида жуда муҳим масала ҳисобланади.

Хулоса. Дон жўхори гуруҳига киритилган 26 дона нав намуналардан Ўзбекистон 5, К- 247 (Чилляки улущенное), К-417 (Хигери карликовое), К-296 (Зерноград 1), ICSV 112, DP-L4 1019, К-195 (Кубанское 164), К-141, К-219, К-293 (Волжское 7) нав намуналарининг ўсув даврлари бошқа нав намуналарига нисбатан эртaroқ бўлганлиги ва уларнинг – рўваклаш даври униб чиққандан бошлаб 52-66, гуллаш даври 60-72 кунни, сут пишиш даври эса 75-90 кунни, тўлиқ пишиш даври 93-108 кунни ташкил этганлиги кузатилди.

Тажриба нав намуналарида ўсимлик бўйи бўйича яхши кўрсаткичлари донни тўлиқ пишиш даврида ўрганилганда, DP-L4 2004, К-602 (Ўзбекистон оқ дон), Ўзбекистон 5, ан., К-141, Бой-джугора, Сафар 1, К-600 (Катта бош), DP-L4 1019 нав намуналарида 231,8-263,3 см бўлганлиги кузатилди.

ICSV 112, DP-L4 2008, DP-L4 2009, DP-L4 1019, К-387 (Redluir), К-293 (Волжское 7), ЎзК-545, К-195 (Кубанское 164), К- 247 (Чилляки улущенное), К-602 (Ўзбекистон оқ дон) ва андоза Ўзбекистон 5 нав намуналарининг энг юқори рўвак узунлиги 26,5, 27,7, 28,7, 29,4, 29,7, 30,0, 30,7, 31,5, 32,7, см ни бўлганлиги исботланди.

Биринчи баргдан рўвак остигача оралиқ масофаси бўйича энг яхши кўрсаткичлар нав намуналар ўрганилганда 10,0 см дан юқори бўлган намуналарга К-247 (Чилляки улущенное), К-296 (Зерноград 1), К-141, Бой-джугора, К-387 (Redluir), К-598 (Кубек) ларда 11,0-21,4 см, 5,0-10,0 см оралиқдагиларига андозалар Ўзбекистон 5, Ўзбекистон паканаси ва К-417 (Хигери карликовое), К-602 (Ўзбекистон оқ дон), К-195 (Кубанское 164), К-219, Сафар 1, ЎзК-545, К-293 (Волжское 7), DP-L4 2010, ГулДУ мансуб бўлиб, уларда 5,3-9,3 см ни ташкил қилганлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Пельмен Дж. М. Селекция сорго. – В кн.: Гибридное сорго. – М.: Изд. С-х. литературы, журналов и плакатов, 1982. С. 79-132.
2. Костина Г.И. Селекция сорговых культур с использованием экспериментального мутагенеза в засушливом Поволжье. Автореф. дисс. док. с/х наук, Саратов, 2000, 46 с.
3. Айрапетов Г.А., Муминов Х.Р., Рогов В.А. Результаты опытной работы с сорго методом отдалённой гибридизации. // Селекция, семеноводство и агротехника гибридного сорго. Тезисы докл. – М., 1975, С. 53.
4. Багринцева Н.А., Вахопский Э.К. Княжна – новая стерильная линия зернового сорго. // Ж: Селекция и семеноводства 2003, №2, С. 36. А.



EKISH MUDDATLARI VA ME'YORLARINING OQ JO'XORI MAHSULDORLIK KO'RSATKICHLARI HAMDA PICHAN HOSILDORLIGIGA TA'SIRI

Fayzimurodov Jasur Baxtiyor o'g'li,

Samarqand agroinnovatsiyalar va tadqiqotlar instituti katta o'qituvchi.

Annotatsiya. Maqolada oq jo'xorining O'zbekiston 5 va O'zbekiston 18 navlarini Jizzax viloyatining kuchsiz sho'rlangan tuproqlari sharoitida mahsuldorlik ko'rsatkichlari va pichan hosildorligiga uch muddat (1-aprel, 15-aprel, 1-may) va to'rtta ekish me'yori (92, 110, 138, 184 ming) ta'siri bayon qilingan. Ikkala navda ham ikkinchi ekish muddatida nazrorat (1-may) va birinchi ekish muddatiga nisbatan mahsuldorlik ko'rsatkichlari va pichan hosildorligi yuqori bo'lishi aniqlandi. Pichan hosildorlik O'zbekiston 5 navida ekish me'yori 138 ming tup, O'zbekiston 18 navini 110 ming qalinlikda ekilganda boshqa me'yorlarga nisbatan yuqori hosil berishi aniqlandi.

Kalit so'zlar: oq jo'xori, ekish muddati, ekish me'yori, tup son qalinligi, variant, pichan, silos, oziqabop, ro'vak.

Аннотация. В статье изложены показатели урожайности и кормовой продуктивности сортов белого сорго «Узбекистон 5» и «Узбекистон 18» в условиях слабозасоленных почв Джизакской области, а также влияние трех сроков посева (1 апреля, 15 апреля, 1 мая) и четырех норм высева (92, 110, 138, 184 тысяч растений). Установлено, что в обоих сортах показатели урожайности и кормовой продуктивности были выше во втором сроке посева по сравнению с контролем (1 мая) и первым сроком посева. Максимальная урожайность кормов для сорта «Узбекистон 5» наблюдалась при норме высева 138 тысяч растений, а для сорта «Узбекистон 18» — при густоте 110 тысяч растений, что превосходило другие нормы высева.

Ключевые слова: сорго, срок посева, норма высева, густота растений, вариант, сено, силос, кормовой, метелка..

Abstract. The article presents the yield and forage productivity indicators of the white sorghum varieties "Uzbekistan 5" and "Uzbekistan 18" under the conditions of slightly saline soils in the Jizzakh region, as well as the impact of three sowing dates (April 1, April 15, May 1) and four seeding rates (92, 110, 138, 184 thousand plants). It was found that in both varieties, the yield and forage productivity were higher in the second sowing date compared to the control (May 1) and the first sowing date. The maximum forage yield for the "Uzbekistan 5" variety was observed at a seeding rate of 138 thousand plants, while for the "Uzbekistan 18" variety, it was at a density of 110 thousand plants, which exceeded other seeding rates.

Key words: white sorghum, sowing date, seeding rate, plant density, variant, hay, silage, forage, panicle.

Kirish. Dunyo dehqonchiligida keng tarqalgan ekinlar ichida oq jo'xori 5-o'rini egallaydi. Qoraqalpog'iston Respublikasi va viloyatlarda 2021 yil hosili uchun asosiy maydonlarga qishloq xo'jaligi ekinlarini joylashtirishda 31823 ming gektarga asosiy ekin sifatida oq jo'xori ekilmoqda va shu bilan bir qatorda Jizzax viloyatida 183 gektar maydonga keng joriy etilgan. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligining ma'lumotlariga ko'ra Respublikamizda oq jo'xori har yilli 14,7 ming tonnadan 21,1 ming tonnagacha don mahsuloti yetishtirilib kelinmoqda. [5]

Uning asosiy xususiyatlari qatoriga qurg'oqchilikka, sho'rga chidamliligi, yuqori mahsuldorligi, yillar

bo'yicha muqim hosildorligini ta'minlashi, oziqaviyligi va foydalanishdagi universalligini kiritish mumkin. Oq jo'xori donida 12-15% oqsil, 3,4-4,4% yog', 70-80% AEM, 2,4-4,8% klchatka saqlaydi. Oq jo'xori doni oziqaviyligi jixatdan arpaga teng va hatto undan ham ustunlik qiladi [4]. Har qanday agroteknologik tadbirlar samaradorligining asosiy ko'rsatkichi – bu hosildorlikdir. O'simlikning o'sishi va rivojlanishi davrida talab qanchalik qondirilsa, etishtirish sharoitiga shunchalik moslashadi va uning mahsuldorligi yuqori bo'ladi [3].

Materiallar va uslublar. Jizzax viloyatining kuchsiz sho'rlangan tipik bo'z tuproqlari sharoitida oq jo'xorining quydagi navlarini asosida o'tkazildi. Davlat reestriga kiritilgan "O'zbekiston 5" va "O'zbekiston 18" nav-

lar urug'lari uch muddatda (1.04, 15.04, 1.05) asosiy ekin sifatida, ekish me'yorlari 92, 110, 138, 184 ming tup hisobidan ekildi.

Dala tajribalarini qo'yish, o'simlik va tuproq tahlillari, o'simlikning o'sishi-rivojlanishini hisobga olish, fenologik kuzatishlar "Dala tajribalarini o'tkazish uslublari"[1] va "Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур" [2] uslublari bo'yicha amalga oshirildi.

Natijalar va munozara. Oq jo'xori navlarida turli ekish muddatlari va me'yorlari ta'sirida poyalar soni birinchi ekish muddatida (01.04) ekilgan O'zbekiston 5 navi paykalcilarida 92 ming tup variantda eng ko'p o'rtacha 2,1 dona bo'lsa, ekish me'yori 110 ming tup qalinlik variantda 1,9 dona, 138 ming tup bo'lganda bu ko'rsatkich 1,7 va 184 ming tup qalinlikda esa 1,4 donani tashkil qildi. Ikkinchi ekish muddatida (15.04) ham bu ko'rsatkichlar poyalar soni ekish me'yoriga muvofiq 2,5; 2,2; 2,0; 1,8 donani tashkil qilgan bo'lsa ekish me'yori ortishi bilan poyalar soni kamaygani kuzatildi. Uchinchi ekish muddatida (01.05) ham bu ko'rsatkichlar yuqoridagiday 2,3 donadan 1,7 donagacha kamaygani aniqlandi.

Bu ko'rsatkichlar O'zbekiston 18 navida esa 1-aprel holatida ekilgan oq jo'xori poyalar soni 92 ming qalinlikda ekilganda 2,3 dona, 110 ming tup qalinlikda 2,0 dona, 138 ming qalinlikda 1,8 dona, 184 ming qalinlikda 1,6 dona poya hosil qilinishi aniqlandi. 15-aprel holatida ekilganda ekish me'yoriga bog'liq holda 2,7; 2,6; 2,2; 2,0 donagacha poya hosil qildi, 1-may holatida eng kam tup qalinlikda ekilganda 2,5 dona, ekish me'yori ortib borishi bilan 2,2; 2,0; 1,9 donagacha kamayishi kuzatildi.

Olib borilgan tajribalarimiz shuni ko'rsatdiki ro'vak uzunligi bo'yicha O'zbekiston 5 navida birinchi ekish muddatida 92,0 ming dona/ga eng yuqori ko'rsatkich 25,3 sm, O'zbekiston 18 navida esa 25,4 sm ga, ekish me'yori ortib borishi bilan navlarga muvofiq holda 23,1 sm, 22,1 sm ga pasaydi.

Ro'vak eni bo'yicha navlarga mos holda 9,2; 11,6 sm, bunda ham ekish me'yori ortib borishi bilan 6,2; 8,6 sm past bo'lishi qayd etdi. Bir tup o'simlikdagi ro'vak massasi bo'yicha O'zbekiston 5 navi 137,6 g, O'zbekiston 18 navi esa 149,9 g bo'lishi aniqlandi. Huddi shunday boshqa muddatlarda ham ekish me'yori ortib borishi bilan yuqoridagi ko'rsatkichlarga mos holda kamayishi aniqlandi.

Bilamiski donli ekinlarning don massasi hosildorlikka ta'siri eng muhim ko'rsatkichlaridan biri hisoblanadi. Biz o'rgangan tajribalarimizda oq jo'xorni 1000 dona massasi o'rganildi. Birinchi ekish muddatida oq jo'xorning 1000 ta don massasi O'zbekiston 5 va O'zbekiston 18 navlarida 92 ming qalinlikda 23,3; 29,5 g, 110,0 ming tupda 22,5; 28,7 g, 138,0 ming

tupda 22,0; 28,2 g hamda 184,0 ming tup qalinlikda ekilganda 20,8; 27,0 g ni tashkil etdi. Ikkinchi ekish muddatida (15.04) esa navlarga mos holda 23,8; 30,0 g, 23,0; 29,2 g, 22,5; 28,7 g, 21,3; 27,5 g ni, uchinchi ekish muddatida (1.05) 23,5-21,0 g; 29,7-27,2 g 1000 ta don massasi pasayib borishi aniqlandi.

Umuman olganda oq jo'xorning hosil elementlariga ekish muddati va me'yoringa ta'sir qilishi tajribalarimizda yaqqol namayon bo'ldi. Asosan bu ko'rsatkichlar ekish muddati 15-aprelda o'tkazilganda bosh muddatlarga nisbatan ro'vak uzunligi, ro'vak eni, ro'vak massasi, ro'vakdagi don massasi hamda 1000 ta don massasi yuqori bo'lishni kuzatildi. Tadqiqot natijalaridan kelib chiqib, 15-aprel ekish muddati oq jo'xori yetishtirish uchun eng samarali davr hisoblandi.

Oq jo'xori ekish muddatlari va urug' ekish me'yorlarining pichan hosiliga ta'siri 2018–2020 yillar davomida o'tkazilgan tadqiqotlar asosida o'rganildi. Tadqiqotning asosiy maqsadi ekish muddatlari va me'yorlarning o'zaro ta'sirini tahlil qilish orqali eng maqbul sharoitlarni aniqlashdan iborat bo'lib, natijalar O'zbekiston 5 va O'zbekiston 18 navlari misolida tahlil qilindi. Tadqiqotda 1-aprel, 15-aprel va 1-may (nazorat) kunlari ekish muddatlari sifatida belgilandi. Har bir muddatda to'rt xil urug' ekish me'yori 92 ming dona/ga, 110 ming dona/ga, 138 ming dona/ga va 184 ming dona/ga qo'llanildi. Tadqiqot davomida quruq poya hosili va qo'shimcha hosildorlik kabi ko'rsatkichlar baholandi.

Umuman olganda oq jo'xorning pichan hosildorligi ekish muddati va me'yorlari sezilarli darajada bog'liq bo'ldi. Birinchi ekish muddati (1-aprel) hosildorlikda biroz past natijalar bergan bo'lsada, urug' ekish me'yori oshirilganda hosilning sezilarli darajada oshishi kuzatildi. Ikkinchi ekish muddati esa eng yaxshi natijalarni berdi, bunda ekish muddati va me'yorlariga nisbatan yuqori pichan hosildorlik qayd etildi. Uchinchi ekish muddati esa o'rtacha natijalar ko'rsatdi, lekin ekish me'yori oshirilganda hosilning ortishi kuzatildi. Umuman olganda, maqbul ekish muddati va me'yori oq jo'xori pichan hosildorligini oshirishda muhim omil hisoblandi.

Oq jo'xori uchun ekish muddati va me'yorlari pichan hosildorlikka sezilarli ta'sir qiladi. Birinchi ekish muddatida, ya'ni 1-aprelda ekish natijalari shuni ko'rsatdiki, 92 ming dona/ga me'yori bo'yicha o'rtacha pichan hosili 87,6 s/ga bo'lib, nazorat ekish muddatiga nisbatan 2,2% past natija berdi. Biroq, urug' ekish me'yori 138 ming dona/ga ga oshirilganda o'rtacha hosil 95,9 s/ga ni tashkil etib, bu esa ekish me'yori nazoratga nisbatan 3,9% yuqori bo'ldi. O'zbekiston 18 navida esa 92 ming dona/ga ekilganda o'rtacha 108,3 s/ga, ekish nazorat muddatiga nisbatan 1,6% past,



ekish me'yori nazoratga nisbatan 110 ming qalinlikda ekilganda 4,9% yuqori bo'lishi aniqlandi. Ikkinchi ekish muddati barcha ko'rsatkichlar bo'yicha eng yaxshi natijalarni berdi. O'zbekiston 5 navi 92 ming dona/ga me'yorida 97,0 s/ga, ekish muddati (1-may) nazoratga nisbatan 8,3% yuqori, lekin ekish me'yori nazoratga (184 ming) nisbatan 4,4% past, ekish me'yorini 138 ming dona/ga ga oshirish bilan pichan hosili o'rtacha 107,4 s/ga, bu esa ekish muddati nazoratga nisbatan 10,2%, ekish me'yori nazoratga nisbatan esa 5,8%, O'zbekiston 18 navida esa 15-aprel muddatida 92 ming dona/ga o'rtacha pichan hosildorligi 112,9 s/ga, ekish muddati nazoratga nisbatan 2,5% yuqori, lekin ekish me'yori nazoratga nisbatan 2,4% past, ekish me'yori 110 ming qalinlikda ekilganda 128,5 s/ga, ekish muddati nazoratga nisbatan 9,5%, ekish me'yoriga nisbatan 11,1% yuqori hosildorlikka olindi. Uchinchi

ekish muddatimizda O'zbekiston 5 navida 92 ming dona/ga ekilganda 89,6 s/ga, 110 ming dona/ga 94,7 s/ga, 138 ming dona/ga 97,5 s/ga, 184 ming dona/ga 94,3 s/ga ni tashkil qildi, lekin ekish me'yori nazoratga nisbatan 3,4% yuqori bo'lishi, O'zbekiston 18 navni esa bu ko'rsatkichlar 92,0 ming dona/ga ekilganda 110,1 s/ga, ekish me'yori ortib borishi bilan 117,3 s/ga, 117,4 s/ga va 110,8 s/ga tashkil qildi. Ekish me'yori nazoratga nisbatan 138 ming dona/ga ekilganda 6,0% yuqori bo'lishi ta'minlandi.

Xulosa qilib aytganda, oqjo'xori navlari (O'zbekiston 5, O'zbekiston 18) navlari urug'larini Jizzax viloyatining kuchsiz sho'rlangan tuproqlari sharoitida aprel oyining 2-o'n kunligida, shuningdek O'zbekiston 5 navini 138 ming, O'zbekiston 18 navini esa 110 ming tup qalinligida ekish, ushbu navlardan yuqori hosil olishni ta'minlaydi.

ADABIYOTLAR

1. Dala tajribalarni o'tkazish usublari. O'zPITI. Toshkent 2014., 175-b
2. Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. -М.: Колос, 1971. -239 с.
3. Зангиева Ф.Т., Шорин П.М. Особенности технологии возделывания зернового сорго в предгорьях РСО-Алания / Известия Горского государственного аграрного университета. – Владикавказ, 2012. Т. 49. №3. -С. 40–49.
4. Рухлевич Н.В. Совершенствование приёмов возделывания сорго на зерно в условиях лесостепи Среднего Поволжья // Автореф. На соиск. Уч степ канд. С.х. наук. –Кинел, 2017. 24 с.
5. Thenkabail, P.S., Biradar, C.M., Turrall, H., Noojipady, P., Li, Y.J., Vithanage, J., Dheeravath, V., Velpuri, M., Schull, M., Cai, X.L., R. An Irrigated Area Map of the World Derived from Remote Sensing. IWMI research report 2015. PP. 1-26.
6. A.Kuyliyev, A.Azizov, M.Yusupova. "Sorgo (qand jo'xori) tarkibining o'sish davriga bog'liqligi" Agro ilim 1[64]-son, 2020 yil 23-24.
7. Anna Zander, Josh Lofton, Chase Harris, Sarah Kezar. Grain sorghum production: Influence of planting date, hybrid selection, and insecticide application. Agrosyst Geosci Environ. May 2021-yil

УЎТ: 632

ГЎЗАДА ИЛДИЗ ҚУРТИ (*AGROTIS SEGETUM*) ГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛГАН ПРЕПАРАТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Абдуллаева Хуриятхон Зафарбековна,

Анджон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедраси доценти, қ.х.ф.ф.д (PhD).

Аннотация. Ушбу мақолада гўзанинг асосий зараркуандаси кузги тунлами нуфузини камайтириш мақсадида қўлланилган кимёвий препаратларнинг таъсири ва биологик самарадорлиги келтирилган. Тажириба вариантларимизда ДЕЛТА 2,5% эм.к. препаратини 0,5 л/га сарф меъёрларда қўлланган вариантимизда назоратга нисбатан 40,0-66,7-85,6 %, ДЕЛТА 2,5% эм.к. препаратини 0,7 л/га сарф меъёрларда қўлланилган вариантимизда назоратга нисбатан 52,0-86, 67-94,29 % биологик самарадорликка эришилди.

Калит сўзлар: гўза, зараркунанда, кузги тунлам, кимёвий препарат, биологик самарадорлик

Аннотация. В статье представлены биологическая эффективность и влияние химических препаратов, применяемых для снижения основного вредителя хлопковой совки. В проведенных нами

опытах, где использовали препарат ДЕЛТА 2,5% эм.к. из нормы расхода 0,5 л/га, по данным наблюдения была достигнута биологическая эффективность в размере 40,0-66,7-85,6 % по сравнению с контролем в нашем варианте. А при опытах, где применяли препарат ДЕЛТА 2,5% эм.к. при норме расхода 0,7 л/га, достигнута биологическая эффективность 52,0-86, 67-94,29 %.

Ключевые слова: хлопчатник, вредитель, озимая совка, химический препарат, биологическая эффективность.

Abstract. The article presents the biological efficiency and effect of chemicals used to reduce the main pest cotton bollworm. In our experiments, where we used the drug DELTA 2.5% em.c. at a rate of 0.5 l/ha, according to observations, the biological efficiency was 40.0-66.7-85.6% compared to the control in our variant. And in the experiments, where we used the drug DELTA 2.5% em.c. at a rate of 0.7 l/ha, the biological efficiency was 52.0-86, 67-94.29%.

Key words: cotton, pest, winter bollworm, chemical preparation, biological efficiency.

Кириш. Бугунги кунда дунёнинг 97 мамлакатиди пахта хом ашёси етиштирилади. Ялпи ҳосилнинг асосий қисми Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Бразилия, Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Кўплаб давлатлар пахта етиштирмаси-да, уни импорт қилиб, қайта ишлайди, айримлари эса фақат хомашё етиштириш билан чекланади. Пахтачилик – кўпгина мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Сўнги йилларда дунё мамлакатларида 32-33 млн гектар майдонда ғўза парваришланмоқда. Ўзанинг ҳолати ва асосий зараркундалари билан зарарланиш даражасини назорат қилиш, прогнозлаштириш ҳамда бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ҳисобига зараркуанда ва касалликлар билан зарарланиши олдини олиш ва ҳосилдорлигини сақлаб қолиш имкониятини яратаяди.

Дунё миқёсида ғўза билан озиқланадиган зараркуанда ҳашаротлар сони 700 дан ортиқ бўлиб, жумладан Ўрта Осиё минтақасида 214 дан ортиқни ташкил этади. Аммо зарари сезиларли бўлиши мумкин бўлган турлари сони 15 тадан ортимайди [1]. Озиқланиш ҳусусиятларига кўра уларни, кемирувчи ва сўрувчи гуруҳларига ажратиш мумкин. Булар ширалар, трипслар, ўргимчаккана, кузги тунлам, ғўза тунлами (кўсак курти) зараркундаларидир [2, 3.].

Chen J.; Liu R. ва бошқаларнинг маълумоти-га кўра *Agrotis segetum* (Denis va Schiffermüller) (*Lepidoptera: Noctuidae*) деб номланувчи кесувчи курт Хитойда кенг тарқалган муҳим ер ости зараркундаси ҳисобланади. Бугдой, маккажўхори, ғўза ва қанд лавлаги каби ўсимликларни зарарлайди. Хитойнинг Шинжон вилоятида А. *Segetum* кўчатли ғўзанинг кенг тарқалган, жиддий зараркундаси бўлиб, ўсимликларнинг барги, шонаси, шохлари ва асосий поялари билан озиқланади [4]. Личинкалар асосан ерга яқин жойда кўчат поясида озиқланади, бу эса ҳосилнинг катта қисмини зарарланишига ва ҳатто ўсимликларнинг nobud бўлишига олиб келади [5].

Материаллар ва услублар. Тажриба ишлари 2023 йил давомида Андижон вилояти Андижон тумани “Кўк гумбаз Азизбек” фермер хўжалиғи пахта далаларида олиб борилди.

Кузги тунлам бўйича тажрибалар 4 та вариант 4 та қайтариқда жойлаштирилиб олиб борилди, 1-жадвалда келтирилган муддат ва миқдорларда синалди.

Тажрибаларда Ўзбекистон да янги ишлаб чиқарилган «Mobedco» МЧЖнинг Делта 2,5% эм.к. таъсир этвчи моддаси (Дельтаметрин) препаратини қўлланилди.

1-вариант Делта 2,5% эм.к 0,5 л/га, 2-вариант Делта 2,5% эм.к 0,7 л/га, 3-вариант Dessis 2,5% эм.к. 0,8 л/га ва 4-вариант назорат (ишлов берилмаган) меъёрларида қўлланилди

Синовдаги препаратларнинг биологик самараси экин ниҳолларининг шикастланиши ҳамда даладаги куртлар зичлиги билан белгиланади. Бунинг учун далада ниҳол пайдо бўлган 3-7-14 кунлари назорат ўтказилади. Биологик самарадорлиқни ҳисоблаш Аббот формуласи бўйича амалга оширилди.

Қабул қилинган истеъмол ставкалари бўйича синовдан ўтган препаратнинг биологик самарадорлиги ва стандартнинг биологик самарадорлигини ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда кўрсатилган.

Препаратларнинг биологик самарадорлиги препаратнинг таъсири остида камайган зараркуанда сони ёки зарарланган ўсимликнинг ўзи ҳамда айрим органлари (илдизи, меваси, барги, пояси ва х.к.) билан белгиланади.

Натижалар ва мунозара. Ниҳолларга препарат пуркаш усули қўлланилганда бу борадаги иш препарат сепилишидан 1 кун олдин ва ундан кейин худди юқорида қайд этилган муддатларда назорат қилинди (1-жадвал).

Назорат ҳар бир бўлимда 10 тадан намуна ҳисоблаш йўли билан бажарилди. Намуна экин ниҳоллари чизиғидан 25 см кенликда ва 1 м узунликда бўлиб, 0,25 м² ни ташкил этади. Бўлакчани



Ўза экинни ДЭЛТА 2,5% эм.к. препаратининг илдизқирқар тунламларга қарши биологик самарадорлиги (Андижон тумани “Қўқ ғумбаз Азизбек” фермер хўжалиги 21.04.2023)

№	Вариантлар	Ишлов беришдан олдин, дона	Сарф меъёри л/га	2,5 м ² даги умумий қурт сони, қунлар бўйича, дона			Биологик самарадорлик %, қунлар бўйича		
				3	7	12	3	7	12
1	Назорат (ишлов берилмаган)	1	-	1,25	1,5	1,75	-	-	-
2	ДЕЛТА 2,5% эм.к. (Дельтаметрин)	1	0,5	0,75	0,5	0,25	40	66,67	85,6
3	ДЕЛТА 2,5% эм.к. (Дельтаметрин)	1,25	0,7	0,75	0,25	0,12	52	86,67	94,29
4	DESSIS 2,5% эм.к. (Дельтаметрин) (андоза)	1	0,8	0,75	0,5	0,25	60	66,7	92,86
	НСП ₀₅								0,33

Изоҳ: 1 гектар майдондан диогналига 10 та жойдан олинган.

назорат қилганда қуртларнинг аниқланган умумий сони ҳамда ниҳолларнинг шикастланган умумий сони белгиланди.

Бундай тажрибаларда мумкин қадар бегона ўтлар бўлмаслиги керак. Бегона ўтлар мавжуд бўлганда уларнинг шикастланиши ва остида қурт бор йўқлиги текширилади. Текширишда ҳар бир бўлакча илдиз чуқурлигида ковлаб кўрилди. Тажриба майдонимизда илдизқирқар тунламларга қарши ўза экинни чинбарг чиқариш даврида инсектицидлар билан ишлов берилгандан сўнг 3-7-14 кунлик ўтказилган кузатувларда аниқланишича назорат вариантга нисбатан Делта 2,5% эм.к. инсектицидини 0,5-л/га сарф меъёрларда қўлланилган тажриба вариантлардаги илдизқирқар тунламларга тажриба вариантимизда назоратга нисбатан 40,0-66,7-85,6 %, Делта 2,5% эм.к. инсектицидини 0,7 л/га сарф меъёрда қўлланилган тажриба вариантлардаги илдизқирқар тунламларга тажриба вариантимизда

назоратга нисбатан 52,0-86, 67-94,29 %, биологик самарадорликка эришилди.

Андоза вариантимизда DESSIS 2,5% эм.к. 0,8 л/га сарф меъёрларда қўлланилган ўза экинни илдизқирқар тунламларга қарши назоратга нисбатан 60,0-66,7-92,86 фоиз биологик самарадорликка эришилди.

Хулоса. Шуни таъкидлаш лозимки, зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлар зарари натижасида йўқотилиши мумкин бўлган ҳосил миқдори уларнинг зарар келтириш даражасига бевосита боғлиқ. Зарарли организмларга қарши ўтказиладиган ҳимоя усуллари (агротехник, кимёвий, биологик, микро-биологик ва б.) тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг уйғунлашган тизимига, яъни агротехник, биологик ва кимёвий кураш усуллари билан бирини илмий ва иқтисодий томондан асосланган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Алимухамедов С.Н., Хўжаев Ш.Т. Ўза зараркунандалари ва уларга қарши кураш. - Тошкент: Меҳнат, 1991. – 188 б.
2. Сулаймонов Б.А., Подковыров И.Ю., Болтаев Б.С., Анорбаев А.Р. Энтомология и интегрированная защита растений. Учебник. Ташкент 2019 268 с.
3. Тилалов Т., Ураков Б., Кудратов Г. Биология и вредоносность озимой совки-Agrotis segetum schigt. (Lepidoptera, Nostuidae) в условиях Кашкадарьинской области // Международный научный журнал «Символ науки» №3/2018, ISSN 2410-700X -С.16-18
4. Chen J.; Liu R.; Liang, H.J.; Luo, S.K.; Luo, F.J. Population monitoring and occurrence characteristics of Agrotis segetum Schiff. In Aral Reclamation Area of Xinjiang // China Cotton 2021, 48, pp. 26–28
5. Esbjerg, P.; Lauritzen, A.J. Oviposition response of the Turnip moth to soil moisture. Acta Agric. Scand. B 2010, 60, pp. 89–94.
6. Абдуллаева Х.З. Ўзанинг зараркунандалари ўза тунлами ва кузги тунлам ҳолатини назорат қилишда ахборот технологияларидан фойдаланиш / Pedagogical sciences and teaching methods part 39 november 2024 Collection of Scientific Works Berlin 11 November 2024 57-62-bet.
7. Абдуллаева Х.З. Ўзада ўза тунлами (Helicoverpa armigera) га қарши қўлланилган кимёвий препаратларнинг самарадорлиги // Agro kimyo himoya va o'simliklar karantini jurnali 3-son Toshkent 2024. 34-35-bet.

SIGIRLARNING QISHKI RATSIONINI BOYITISHDA GIDROPON YASHIL OZUQALARDAN FOYDALANISH

Engamberdiyeva Zebo Komilovna, mustaqil tadqiqotchi,
Samarqand veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti.

Annotatsiya. Maqolada sersut sigirlar ratsionidagi kuchli yem ozuqalarning ma'lum qismini gidropon yashil ozuqalarga almashtirilganda sigirlarning o'sish ko'rsatkichlariga tasiri bo'yicha ma'lumotlar berilgan. Tajriba boshi va oxirida olingan ma'lumotlar asosida sigirlarning tirik vazni solishtirilib, olingan natijalar bayon qilingan.

Kalit so'zlar: golshтин zoti, ratsion, yem ozuqalar, o'sish, rivojlanish, gidropon yashil ozuqa, vitaminlar, fotosintez.

Аннотация. В статье приведены сведения о влиянии замены определенной части концентрированных кормов в рационе дойных коров на гидропонные зеленые корма на рост коров. На основании данных, полученных в начале и конце эксперимента, сравнивали живую массу коров и описывали полученные результаты.

Ключевые слова: голштинская порода, рацион, концентрированный корм, рост, развитие, гидропонные зеленые корма, витамины, фотосинтез.

Abstract. The article presents information on the effect of replacing a certain portion of concentrated feed in the diet of dairy cows with hydroponic green feed on the growth of cows. Based on the data obtained at the beginning and end of the experiment, the live weight of the cows was compared and the results obtained were described.

Key words: holstein breed, diet, concentrated feed, growth, development, hydroponic green feed, vitamins, photosynthesis.

Kirish. Chorvachilik mahsulotlari yetishtirishni ko'paytirish, chorva mollarining mahsuldorligini oshirishda oziqlantirish omilining roli katta bo'lib, mustahkam ozuqa bazasini yaratish, ozuqa yetishtirish, hayvonlarga yedirishga tayyorlash texnologiyalarini takomillashtirish sohaning iqtisodiy samaradorligini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega.

Keyingi vaqtlarda ozuqalar yetishtirishning zamonaviy texnologiyalari ishlab chiqarishga keng joriy qilinmoqda. Shunday texnologiyalardan biri, gidropon yashil ozuqalar yetishtirishdir. Bu texnologiya suv va yer resurslaridan tejimli foydalanish, tuproq degradatsiyasining oldini olish, atrof – muhitning kimyoviy moddalar, gerbitsidlar, pestitsidlar va boshqa zararli moddalar bilan zararlanishning oldini olish imkonini beradi. Shu bilan birga, bunday texnologiyada tayyorlangan ozuqalar tarkibida to'yimli moddalar, vitaminlar va mineral moddalar miqdorining oshishi qishloq xo'jalik hayvonlari hamda parrandalar mahsuldorligining oshishiga, sog'lomligiga, podani takror to'ldirish ko'rsatkichlariga ijobiy ta'sir qiladi.

Gidropon yashil ozuqa – bu boshqoli va dukkakli ekinlar donini tuproqsiz maxsus sharoitda undirib o'stirilgan shirali ozuqadir. Bunday ozuqalar arpa, bug'doy, makkajo'xori, sul, javdar, no'xat, vika, chина va boshqa ekinlar donidan o'stirib yetishtiriladi. GYao yetishtirishning dastlabki uch kunligida donning

tarkibidagi quruq moddaning kamayishi (yo'qotilishi) kuzatiladi. Beshinchi kundan boshlab, o'simliklarda xloroplastlar hosil bo'ladi va fotosintez jarayonining kechishi tufayli quruq modda miqdori, shuningdek, uning tarkibidagi to'yimli va biologik faol moddalarning miqdori oshib boradi [2].

Donlarning unib o'sishi natijasida gidropon massasining miqdori oshadi. Tajribalarda 1 kg arpa donidan o'rtacha 1,5 – 2 kg gacha yashil ozuqa va 8 – 10 kg asosan, ildiz qismi va fermentlangan dondan iborat gidropon ozuqa olingan, bunda o'stirish davri 9 kunni tashkil qilgan [1]. Yashil qismining tarkibidagi quruq modda miqdori 28 % ni, ildiz qismida esa 40 % ni tashkil qilib, xom protein miqdori dondagiga nisbatan 28,93 % ga, xom yog' esa 96,70 % ga oshganligi aniqlangan. Shuningdek, ozuqa tarkibidagi karotin, riboflavin, tokoferol, askorbin kislotasi miqdorlari ham sezilarli darajada oshganligi qayd etilgan.

Ko'pgina ilmiy adabiyotlar manbalariga tayanib, xulosa qilish mumkinki, gidropon yashil ozuqalarning tarkibi va xususiyatlari tanlangan donning turi hamda o'stirish texnologiyasi bilan bog'liq ravishda turlicha bo'lib, 1 kg GYAO dagi quruq modda miqdori 100 – 400 g ni, xom protein 76 – 367 g ni, xom kletchatka 168 – 228 g ni, xom yog' 19 – 76 g ni, mineral moddalar (kul) 17 – 107 g ni tashkil qiladi [3].

To'yimli moddalarning bunday diapazonda bo'lishi

hayvonlarning mahsuldorligiga ta'sirini ham xuddi shunday o'zgaruvchanlikda bo'lishiga olib keladi. Shuning uchun GYaO yetishtirishning texnologiyasini har bir xo'jalikning konkret sharoitlaridan kelib chiqqan holda takomillashtirish va hayvonlarning mahsuldorligiga ta'sirini o'rganish hamda uni hayvonlarga berishning maqbul variantlarini ishlab chiqish dolzarb vazifa hisoblanadi.

Tadqiqotning maqsadi. Golshtin zotli sigirlarning ozuqa ratsionlarini boyitishda gidropon yashil ozuqalardan foydalanish samaradorligini aniqlash va sigirlar ratsioniga ushbu ozuqalarni kiritishning optimal variantlarini ishlab chiqishdan iborat.

Materiallar va uslublar. Tadqiqotlar Samarqand viloyati Bulung'ur tumanidagi "Mustafoqul polvon dalasi" fermer xo'jaligining qoramolchilik fermasida olib borildi. Tajribalar uchun xo'jalikda urchitilayotgan golshtin zotli uchinchi va undan katta tug'ish yoshidagi sigirlardan analoglar uslubida 40 bosh sigir ajratib olindi va ularning yoshi, tirik vazni hamda sut mahsuldorligini hisobga olgan holda 10 ta guruh tashkil qilindi. Birinchi guruh (nazorat 10 bosh) dagi sigirlar xo'jalikdagi mavjud ozuqalardan tuzilib, muvozanatlashtirilgan asosiy ratsion (AR) bilan oziqlantirildi. Keyingi uchta guruh (tajriba guruhlari) dagi sigirlar asosiy ratsionning to'yimliliigi bo'yicha ma'lum qismi gidropon yashil ozuqaga: I tajriba guruhida 25 %, II tajriba guruhida 35 % va III tajriba guruhida 45 % ga almashtirildi. Tajriba guruhlaridagi sigirlar ratsionining bir qismini gidropon yashil ozuqaga almashtirish to'yimliliigi bo'yicha kuchli yem ozuqani kamaytirish hisobiga amalga oshirildi.

Gidropon yashil ozuqani yetishtirish uchun fermada quyosh nurlari yaxshi tushadigan, oyna derazali bino maxsus jixozlandi. Bino o'rtasidan yo'lakcha qoldirilib, ikki qator yog'och rastalar o'rnatildi. Rastalar uch qavatdan iborat bo'lib, ularga metall lotoklar joylashtirildi. GYaO yetishtirishda unuvchanligi 95 % dan yuqori bo'lgan sifatli bug'doy donlaridan foydalanildi. Don undirishga qo'yishdan oldin zamburug'larga qarshi kalyi permanganat eritmasida yuvilib, zararsizlan-

tirildi. So'ngra donlar iliq suvli vannada 18 – 20 soat davomida ivitildi va bir tekisda lotoklarda joylashtirildi. 1 m² yuzaga 4,5 kg don sarflandi. Donni o'stirish 7 – 9 kunni tashkil qilib, maysalarning uzunligi 12 – 13 sm ga yetganda sigirlarga yedirildi.

Sigirlarning tirik vazni tajriba boshida va oxirida tarozida tortish yo'li bilan; mutlaq, o'rtacha sutkalik o'sish ko'rsatkichlari hisoblash yo'li bilan; nisbiy o'sish S. Brodi taklif qilgan usulda aniqlandi. Sigirlardan 8 ta asosiy tana o'lchamlari olindi va tana tuzilishining indeksleri hisoblandi. Olingan raqamli ma'lumotlarga biometrik ishlov berildi (Ploxinskiy N.A.).

Natijalar va munozara. Sigirlarning tirik vazn va chiziqli o'lchamlariga ko'pgina omillar ta'sir ko'rsatadi, ularning ichida oziqlantirish omilining o'ri ham katta. Lekin, sigirlar ratsioniga GYaO larning kiritilishi – bu ko'rsatkichlarga sezilarli darajada ta'sir ko'rsatmadi, bu ularda yoshi bilan bog'liq ravishda o'sish ko'rsatkichlarining pasayishi bilan izohlandi.

Ta'kidlash lozimki, 180 kunlik tajribalar davomida (noyabr – aprel) tajriba guruhlaridagi sigirlarning tirik vazn ko'rsatkichlari bilan nazorat guruhi o'rtasidagi farqlar aniqlandi (1-jadval).

Tajriba oxirida I tajriba guruhidagi sigirlarning tirik vazni nazorat guruhiga nisbatan 3 kg (0,53 %) ga, II tajriba guruhida 5,2 kg (0,92 %) ga; III tajriba guruhida esa 2,8 kg (0,50 %) ga yuqoriroq bo'ldi. Guruhlar o'rtasidagi farqlarning ishonchlilik darajasi past.

Shuningdek, tajriba davomida sigirlar tirik vazni-ning mutlaq o'sishi nazorat guruhiga nisbatan I tajriba guruhida 4,2 kg, II tajriba guruhida 5,8 kg, III tajriba guruhida 4,3 kg ga yuqori bo'lib, mos ravishda o'rtacha kunlik tirik vazn o'sishi ham tajriba guruhlarida biroz yuqoriroq bo'ldi. Bu ko'rsatkich I tajriba guruhidagi sigirlarda nazorat guruhiga nisbatan 23,3 grammga, II tajriba guruhida 32,2 grammga, III tajriba guruhida 23,9 grammga yuqoriroq ekanligi aniqlandi. Tirik vaznning nisbiy o'sishi ham nazorat guruhidagi sigirlarga nisbatan tajriba guruhlarida 0,75 %; 1,03 va 0,77 % ga yuqoriroq bo'lib, guruhlararo farqlarning ishonchlilik darajasi past.

1-jadval

Tajribadagi sigirlarning tirik vazn ko'rsatkichlari,
(n=10) $\bar{X} \pm Sx$

Ko'rsatkichlar	Guruhlar			
	Nazorat	Tajriba		
		I	II	III
Tajriba boshida sigirlar tirik vazni, kg	548,7 ± 7,3	547,5 ± 7,0	548,1 ± 8,3	547,2 ± 7,9
Tajriba oxirida sigirlar tirik vazni, kg	562,9 ± 7,8	565,9 ± 6,7	568,1 ± 7,0	565,7 ± 8,0
Tirik vaznning mutlaq o'sishi, kg	14,2	18,4	20,0	18,5
O'rtacha kunlik o'sish, g	78,9	102,2	111,1	102,8
Nisbiy o'sish, %	2,55	3,30	3,58	3,32

Tajribadagi sigirlarning chiziqli o'lchamlari bo'yicha ishonchli darajadagi guruhlararo farqlar aniqlanmadi. Barcha guruhlardagi sigirlar tana tuzilishi indeksleri bo'yicha sut yo'nalishiga xos bo'lgan belgilarni namoyon qilib, ular uzunoyoqlik, gavdasining cho'ziqligi, ko'kragi nisbatan tor, lekin chuqurligi, gavdaning keyingi qismining kengligi bilan tavsiflandilar.

Xulosa. Golshtin zotli sigirlar ratsionida kuchli yem ozuqalarning bir qimini gidropon yashil ozuqalarga almashtirish, ularning tirik vazni va rivojlanish ko'rsatkichlariga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Sigirlarning qishki ratsioniga gidropon yashil ozuqalarni kiritish ratsionning protein va vitamin to'yimliligini oshirib, mahsuldorlikning oshishiga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR

1. Зокирова Р.Р. Молочная продуктивность коров – первотелок при разных технологиях выращивания. Автореф. дисс. канд. с. – х. наук. Ижевск, 2007. – С. 23.
2. Куропаткин С.А. Молочная продуктивность коров при использовании в рационах гидропонного зеленого корма. Автореф. дисс. канд. с. – х. наук. Оренбург, 2003. – С. 22.
3. Попов В.В. Гидропонный корм: достоинства и недостатки, качество и эффективность. Электронный ресурс. <https://adaptagro.editorium.ru>. – С. 85 – 101.
4. Шевелева О.М. и др. Экстерьерная характеристика коров голштинской породы в условиях северного Зауралья. // Известия Нижневолжского агроуниверситетского комплекса. №2 (66), 2022. – С. 255-259.
5. Лапина М.Ю., Абрамова М.В. Динамика показателей экстерьера и молочной продуктивности в микропопуляции голштинского скота. // Пермский аграрный вестник. №3 (31), 2020. – С. 91-96.

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШДА СУВ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

Матякубов Бахтияр Шамуратович, к.х.ф.д., профессор,
Хамидов Ахрор Мухамадхонович, докторант,
"ТИҚҲММИ" МТУ.

Аннотация. Мақолада Хоразм вилоятининг энгил механик таркибли тупроқлари шароитида ғўзани етиштиришда томчилаб сугориш технологияларни қўллаш орқали мавжуд сув ресурсларини тежаши натижасида ғўзадан юқори ҳосил олиш тўғрисида сўз юритилади. Дала шароитида илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ПСУЕАИТИ томонидан ишлаб чиқилган услубиятга амал қилинганлиги натижасида томчилаб сугориш технологияси жорий қилинганда ғўзадан ўртача гектарига 42,9 центнер, назорат вариантга нисбатан эса 9,5 центнер юқори пахта ҳосили олинган.

Калит сўзлар: Хоразм, Гурлан, энгил қумоқ тупроқ, ғўза, томчилаб сугориш, сугориш технологияси, ҳосилдорлик.

Аннотация. В статье рассматривается получение высокого урожая хлопчатника в результате экономии водных ресурсов путем применения технологии капельного орошения при возделывании хлопчатника в условиях почв с легким механическим составом Хорезмской области. В ходе проведения научно-исследовательских работ в полевых условиях, следуя методике, разработанной НИИССАВХ, при внедрении технологии капельного орошения был получен урожай хлопка-сырца в среднем 42,9 центнера с гектара, что на 9,5 центнера выше по сравнению с контрольным вариантом.

Ключевые слова: Хорезм, Гурлен, лёгкий суглинок, хлопчатник, капельное орошение, технология орошения, урожайность.

Abstract. The article examines the achievement of high cotton yields through water conservation by implementing drip irrigation technology in cotton cultivation on light-textured soils in the Khorezm region. Field research conducted using the methodology developed by CBSPARI with the introduction of drip irrigation technology resulted in an average yield of 42.9 centners per hectare of raw cotton, which is 9.5 centners higher compared to the control option.

Key words: Khorezm, Gurlan, light loam soil, cotton, drip irrigation, irrigation technology, yield.

Кириш. Маълумки йилдан йилга сув танқислиги муаммосининг ошиб бориши оқибатида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда мавжуд сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш кераклигини таъқозо қилади. Ҳар томчи сувни исроф қилмасдан қишлоқ хўжалик экини талабини ҳисобга олган ҳолда экин илдиз тизимига етказиб бериш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки сув танқислиги билан бир қаторда жаҳонда глобал иқлим ўзгариши муаммоси ҳам инсоният кун тартибига долзарбдир. Бу геотизимнинг ўзгариши, жаҳон океанининг кўтарилишини юзага келиши, доимий музликларнинг эриши, ғингарчиликнинг бир текисда ёғмаслиги, дарёлар оқими режимининг ўзгариши, сув танқислигининг ошиб бориши ва иқлимнинг беқарорлигини юзага келтирмоқда.

Дунёда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун йилига 2,8 минг км³ чучук сув ишлатади. Бу дунё бўйича чучук сув истеъмолининг 70 фоизини, ёки жаҳон саноати ишлатадиган сувдан 7 марта кўпдир. Бу сувнинг деярли ҳаммаси экинларни суғоришга ишлатилади. Шу муносабат билан иқлим ўзгариши ва сув танқислигининг ошиб бориши жараёнларини тадқиқот қилиш муҳим ҳисобланади [1].

Жаҳонда сув ресурслари тақчиллиги янада ортиб бораётган бир вақтда АҚШ, Австралия, Исроил, Россия, Хитой ва Ҳиндистон каби ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш тартиблари, сувни тежайдиган суғориш технологияларини ишлаб чиқиш, суғориш усуллари ва технологияларини табиий-хўжалик шароитларга қараб районлаштириш, мақбул суғориш техникаси элементларини аниқлаш ва бошқалар бўйича кенг қўламли илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда [2].

Охириги йилларда Республикада қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сув тежайдиган технологияларни жорий қилишни Давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги натижасида сувни тежайдиган технологиялар жорий этилган майдонлар йилдан йилга ортиб боришига эришилмоқда.

Бироқ, сув тежовчи суғориш технологиялари қўлланилаётган умумий майдон 326 минг гектарни ёки умумий суғориладиган ер майдонларининг 7,6 фоизини ташкил этаётганлиги қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни кенгайтиришга ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада фаоллашти-

риш заруратини таъқозо қилади [3].

Бугунги кунда юқори ҳосилдорликка, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга эришишни таъминлайдиган, республиканинг тупроқ-иқлим ва бошқа шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш технологияси ва техникаси элементларини жорий қилишнинг илмий асосланган агротехник тадбирларни белгилаш юқори аҳамият касб қилади.

Қишлоқ хўжалигини юқори босқичга кўтаришда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, экинларни парваришлашнинг илмий асосланган, ресурстежамкор, такомиллашган агротехнологияларини жорий этиш, кам маблағ сарфлаб, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш шу куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги [4] ҳамда 2024 йил 7 майдаги ПФ-74-сон “Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида” ги [5] фармонларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига янги замонавий инновацион сувтежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий қилиш олдимизда турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида келтириб ўтилган фармонлари ҳамда 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5202-сон «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида» ги қарори [6] доирасида илмий тадқиқот ишларни олиб бориш кераклиги аниқланди. Шунда келиб чиққан ҳолда ғўзани етиштиришда ҳосилбўй қатламда мақбул намликни таъминлаш орқали пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича илмий ишлар амалга оширилди.

Материал ва услублар. Дала шароитида 2021-2023 йилларда илмий-тадқиқотлар Хоразм вилоятининг Гурлан тумани Намуна ҳудудида жойлашган “Бирлашган пахтаси” фермер хўжалигининг ўртача шўрланган, энгил механик таркибли тупроқлари шароитида олиб борилди [7]. Тадқиқотлар 1-жадвалда келтириб ўтилган тажриба тизими бўйича

Тадқиқотлар олиб бориш бўйича тажриба тизими

Вариант-лар	Суғориш усули	Томчилатувчи қувурлари орасидаги масофа, м	Томчилатгич сув сарфи, л/соат	Томчилатгич-лар орасидаги масофа, см	Суғориш олди тупроқ намлиги, ЧДНС га нисбатан, %
1 (назорат)	эгатлаб	Ишлаб чиқариш назорати			70-80-60
2	томчилатиб	хар эгатга, 0,6 м.	1,8	25	70-80-60
3		эгат оралатиб, 1,2 м.	1,8		
4		хар эгатга, 0,6 м.	2,0		
5		эгат оралатиб, 1,2 м.	2,0		

Эслатма: Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % Хоразм вилояти учун эгатлаб ва томчилатиб суғориш технологияларидаги илмий тавсиялар асосида қабул қилindi.

олиб борилди. Дала, лаборатория тадқиқотлари ва фенологик кузатувлар ПСУАИТИнинг “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ЎзПТИ 2007 йил) [8] га асосан бажарилди.

Тажриба майдонидаги экинларни озиклантириш ва ўтказилган агротехник тадбирлар, ушбу ҳудуд учун тасдиқланган технологик харита асосида амалга оширилди.

Натижалар ва мунозара. Хоразм вилоятининг энгил механик таркибли тупроқ шароитида ғўзанинг “Хоразм-127” навини етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича олиб борилган тажрибада иқтисодий самарадорлик, кутиладиган натижа ҳосилдорлик билан баҳоланади [5]. Ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосил туғиши асосий мезонлардан бири бўлиб, даладан олинган ҳосил асосий кўрсаткич деб саналди. 2023 йилда қарийб 42 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, жумладан, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари жорий қилинди, 36 минг гектар майдонларда лазер текислаш ишлари бажарилди.

Ғўза етиштиришда сув тежовчи технологиялар қўлланилиши натижасида пахтадан олинadиган ҳосилдорлик юқори бўлиши кузатилди. Бу фермер хўжаликларда етиштириладиган пахта ҳосилдорлигини баҳоланишнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилди дейилса тўғри бўлади.

2021-2023 йилларда энгил механик таркибли тупроқлари шароитида олиб борилган илмий

тадқиқот ишларида ғўзани анъанавий яъни эгатлаб суғорилган 1-вариантда ўртача ғўза ҳосилдорлиги 33,4 ц/га га тенг бўлган бўлса, томчилатиб суғорилган 2-вариантда ғўза ҳосилдорлиги 40,7 ц/га га тенг бўлди. Шунингдек, тажрибаларнинг 3-вариантида ғўза ҳосили 38,7 ц/га ни ташкил қилган бўлса, 4 ҳамда 5-вариантларда ҳосилдорлик 42,9; 39,3 ц/га га тенг бўлди. Ғўзани томчилатиб суғорилган вариантларда эгатлаб суғорилган вариантга нисбатан ҳосилдорлик 5,3-9,5 ц/га га юқори бўлди. Ғўза ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, ғўза етиштиришда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинганда даладан олинadиган ҳосилдорлик анъанавий усулда, эгат орқали суғорилган вариантларга нисбатан юқори бўлади. Ҳосилдорликнинг ошишига асосий сабаблар: ўз муддатларида сув ва озика моддаларини ўсимликнинг илдизига тўғридан-тўғри етказиб бериш, далага техникаларнинг эгатлаб суғорилган вариантга нисбатан камроқ кириши ҳисобига тупроқнинг зичлашишининг олди олинши ва ғўзанинг илдиз тизимини яхши ўсиб-ривожланиши ҳисобланади. Томчилатиб суғорилган даладарда ғўзанинг ўсиб ривожланишига қулай муҳит яратилганлиги сабабли ҳосилдорликнинг ошиши кузатилди.

Ҳосилдорликнинг ошишига асосий сабаблардан бири, бу ўз муддатида сув ва озика моддаларини

Суғориш технологияларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири (2021-2023 йй.)

Вариант-лар	Эгатга томизгичли шлангларни жойлаштириш	Томизгичнинг сув сарфи, л/соат	Теримлар			Ўртача йиллик, ц/га
			I	II	III	
1	Эгатлаб суғориш	-	23,4	7,4	2,6	33,4
2	Ҳар бир эгатга	1,8	28,4	8,7	3,6	40,7
3	Эгат оралатиб	1,8	29,0	6,1	3,6	38,7
4	Ҳар бир эгатга	2,0	32,5	6,6	3,8	42,9
5	Эгат оралатиб	2,0	31,9	4,8	2,6	39,3

$HCP_{05}=1,41$ ц/га

ғўзанинг илдиз тизими жойлашган қатламга етказиб бериш бўлса, иккинчи томондан далага техникаларнинг эгатлаб суғорилган вариантга нисбатан камроқ кириши ҳисобига тупроқнинг зичлашиши олди олинди. Ғўзанинг илдиз тизими яхши ўсиб ривожланиб, ҳеч қандай шикаст етказилмаганлиги ҳисобланади. Томчилатиб суғорилган далаларда ғўзанинг ўсиб-ривожланишига қулай муҳит яратилганлиги сабабли ҳосилдорликнинг ошиши кузатилди. Тупроқ намлиги ортган сари ғўзанинг тупроқ заҳирасидан сувни

ўзлаштириши камайди.

Хулоса тариқасида шуни келтириб ўтиш мумкин, ки, механик таркиби бўйича енгил механик таркибли тупроқлар шароитида ғўзани қатор ораси 60 см қилиб экилиб, томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинганда, томчилатгичнинг сув сарфи 2,0 л/соат, томчилатгичлар орасидаги масофа 30 см, суғориш қувурлари орасидаги масофа 60 см бўлганда ғўзадан 42,9 ц/га ҳамда назорат вариантга нисбатан 9,5 ц/га пахта ҳосили олишга эришилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Суванов Б.У., Хамидов А.М. "Глобал иқлим ўзгариши ва сув танқислиги шароитида ғўзани сув тежамкор суғориш тартиби ва технологиясининг самарадорлиги"//Агро процессинг журна.2021,3-жилд, № 4 сон, 34-42 бетлар.
2. Маматов С.А. Кичик дарёлар сув ресурсларини мукамал бошқариш ва улардан оқилон фойдаланиш / Тошкент, 2014 - 171 б.
3. <https://gov.uz/uz/suvchi/news/view/31608>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон "Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги ПФ-74-сон "Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида" ги фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5202-сон сон «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида» ги қарори.
7. Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва ирригация бўлими ҳисоботлари (2021-2023 йй).
8. Дала тажрибаларини ўтказиш услуги // Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти, услубий қўлланма, 2007., 64-75 бетлар.

UO‘T: 336.764

QISHLOQ XO‘JALIGI YERLARIDAN SAMARALI FOYDALANISHNI OPTIMALLASHTIRISH

Gaipov Janibek Muratbayevich,
Qoraqalpoq davlat universiteti tadqiqotchisi.

Annotatsiya. Qishloq xo‘jaligi yerlaridan samarali foydalanishni shakllantirish uchun tashkiliy-iqtisodiy va yer tuzish-huquqiy tamoyillar asos bo‘lishi, qishloq xo‘jaligi yerlaridan samarali foydalanishni shakllantirish maqsadlari daraxti tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: qishloq xo‘jaligi, yer resurslari, yerdan samarali foydalanish, ekologik tanglik.

Аннотация. Проанализировано дерево целей формирования эффективного землепользования, в основе которого лежат организационно-экономические и землеустроительно-правовые принципы формирования эффективного землепользования.

Ключевые слова: сельское хозяйство, земельные ресурсы, эффективное землепользование, экологическая напряженность.

Abstract. The basis of organizational and economic and land-making-legal principles for the formation of effective use of agricultural land, the tree of goals for the formation of effective use of agricultural land is analyzed.

Key words: Agriculture, land resources, effective land use, environmental strain.

Kirish. Qishloq xo'jaligi yerlaridan samarali foydalanish va ularni muhofaza qilishni dolzarb tabiiy-ilmiy, ijtimoiy-iqtisodiy hamda ekologik muammo sifatida shakllantirish zarur iqtisodiy o'sish va yer resurslarini saqlash o'rtasidagi mutanosiblik asosida amalga oshiriladi. Yerdan foydalanish, yer resurs salohiyatidan foydalanish, ekologik tanglik va boshqalarning zamonaviy muammolarining aksariyati yerdan foydalanish hamda muhofaza qilishni mukammal boshqarishning natijasidir [1].


Shu bois yerdan samarali foydalanish muammosi dolzarb bo'lib, uni zudlik bilan hal etish zarur. Qishloq xo'jaligida yerdan samarali foydalanishni tashkil etishning asosini yerdan unumli foydalanish tamoyili hamda eng muhimi, yerdan foydalanishning ekologik jihatdan mumkin bo'lgan va iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiq yo'nalishlarini belgilash asos bo'lishi kerak. Shunday qilib, samarasiz xarajatlarning oldini olish va yerga zarar yetkazish xavfining oldini olish mumkin. Axir, yerning degradatsiyasi ko'pincha qaytarib bo'lmaydigan jarayondir.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot ishida tashkiliy-iqtisodiy va yer tuzish-huquqiy tamoyillar, tahlil va

sintez, qishloq xo'jaligi yerlaridan samarali foydalanishni shakllantirish maqsadlari daraxti tahlil asos sifatida foydalanildi. Tadqiqotda iqtisodiy tahlil, tavsiflovchi statistik usullar, induksiya va deduksiya, texnik, tarkibiy va iqtisodiy kabi usullardan foydalanilgan.

Natijalar va munozara. Yer munosabatlari rivojlanishining hozirgi bosqichida qishloq xo'jaligi yerlaridan samarali foydalanish mohiyatini bunday tizimli tekshirish muammoning tomonlarini tanlash, uni amaliy hal etish usullarini, qishloq xo'jaligida bozor munosabatlari nuqtai nazaridan muammoni hal qilish darajalarining xususiyatlari, shakllari va turlarini belgilashni nazarda tutadi. Qishloq xo'jaligi yerlaridan samarali foydalanishni shakllantirish uchun quyidagi tashkiliy-iqtisodiy va yer tuzish-huquqiy tamoyillar asos bo'lishi kerakligi isbotlangan [2]:

1. Qishloq xo'jaligi yerlaridan foydalanishni tashkil etishda siyosiy, iqtisodiy, ekologik va texnologik yondashuvlarning birligi.
2. Yer va boshqa tabiiy resurslardan samarali foydalanish masalalarini kompleks hal etish.
3. Qishloq xo'jaligi yer resurslarini joylashtirish va ulardan foydalanishda zonal farqlarni hisobga olish.



1-rasm. Qishloq xo'jaligi yerlaridan samarali foydalanishni shakllantirish maqsadlari daraxti

4. Qishloq xo'jaligida yerlarning ko'p funksiyaliligi xususiyatlarini hisobga olish.

5. Yerda qishloq xo'jaligining ustuvorligi. Qishloq xo'jaligi yerdan zarur bo'lgan iqtisodiy samaradorlikni ta'minlash bilan bog'liq murakkab ijtimoiy-iqtisodiy hodisa tushunilishi kerakligi asoslanadi.

Shunga ko'ra, qishloq xo'jaligi yerlaridan samarali foydalanishni shakllantirishning mazmun-mohiyati bozor sharoitida amal qiluvchi tabiat va jamiyat qonunlaridan ongli foydalanish asosida yer munosabatlari hamda yerdan foydalanishning butun tizimini ularga maqsadli ta'sir ko'rsatish yo'li bilan tartibga solishdan iborat [3]. Shu munosabat bilan qishloq xo'jaligi yerlaridan samarali foydalanishni shakllantirish maqsadlari daraxtning mantiqiy-semantik modeli taklif etiladi (1-rasm).

0-darajali oliy maqsad bo'lib, u qishloq xo'jaligi yerlaridan jamiyat, hududiy jamoalar va yuridik shaxslar – yerdan foydalanuvchilar va fuqarolar manfaatlarini ko'zlab foydalanishning maksimal samaradorligini ta'minlashni nazarda tutadi [4]. Bu 1-darajali tuzilgan maqsadli vazifalarda ko'rsatilgan:

1.1. Qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini joylashtirish va rivojlantirish uchun eng yaxshi sharoitlarni yaratish;

1.2. yerlardan foydalanishda qishloq xo'jaligi yerlarining optimal vaqt va makon taqsimotini hamda qayta taqsimlanishini ta'minlash;

1.3. Qishloq xo'jaligi yerlarini muhofaza qilish, ulardan eng oqilona foydalanishni ta'minlash;

1.4. Yer munosabatlarini doimiy takomillashtirishni ta'minlash;

1.5. Qishloq hududlarini rivojlantirishda ijtimoiy adolatni ta'minlash. Ularning ko'лами va ma'nosiga ko'ra, Birinchi darajadagi maqsadlar o'zaro bog'liq vazifalar bo'lib, ulardan ikkinchi darajali uchta maqsad kelib chiqadi:

2.1. yerga bo'lgan huquq munosabatlarining davlat tomonidan tartibga solinishi va ulardagi o'zgarishlarning shaffofligini ta'minlash;

2.2. Yer (tuproq) unumdorligini boshqarish tizimini takomillashtirish;

2.3. Qishloq xo'jaligi yerlaridan foydalanishni tashkil etishni takomillashtirish. Tashkil etish shakllari va mexanizmlari (tashkiliy faoliyat yo'nalishlari) maqsadlar daraxtining III darajasini egallaydi [5]:

3.1. Ekin maydonlari strukturasining optimalligini ta'minlash;

3.2. Qishloq hududlarini rivojlantirish uchun ijarachilarning javobgarligi mexanizmini yaratish;

3.3. chorvachilik mahsulotlarini ishlab chiqaruvchilar uchun subsidiyalar va imtiyozlar mexanizmini yaratish;

3.4. Ichki iste'mol uchun foydalaniladigan yem-xashak ekinlari uchun yer solig'ini kamaytirish. Daraxtning IV darajasi - qishloq xo'jaligi erlaridan samarali foydalanishni boshqarish funksiyalari:

4.1. Yerdan foydalanish va yer tuzish holatini o'rganish;

4.2. Yer kadastrini yuritish (yerlarning miqdori va sifatini hisobga olish, yerdan foydalanishga bo'lgan huquqlar va cheklavlarni, shu jumladan eroziyaga uchragan yerlardan foydalanishni cheklash va hokazolarni ro'yxatdan o'tkazish, tuproqni gradatsiyalash va yerlarni baholash);

4.3. Yerdan oqilona foydalanish va muhofaza qilishni prognozlash va rejalashtirish;

4.4. Yerlardan oqilona foydalanish va ularni muhofaza qilishni iqtisodiy rag'batlantirish;

4.5. Yerlarning (tuproqlarning) ekologik (shu jumladan gumus) holatini boshqarish;

4.6. Ma'lumotlardan erkin foydalanish imkoniyatiga ega zamonaviy monitoring va nazorat tizimini joriy etish. Nomlangan IV darajali funksiyalar kichik funksiyalarga bo'linadi. Xususan, yerdan oqilona, samarali foydalanish va muhofaza qilishning asosiy komponenti sifatida prognozlash hamda rejalashtirish funksiyasidan foydalanish [5].

Bizning nuqtai nazarimizdan, yerdan foydalanishning ekologik samaradorligi tushunchasiga aniqlik kiritish zarur. Yuqoridagilardan kelib chiqib, "yerdan foydalanishning iqtisodiy samaradorligi" toifasining yangi talqini shakllandi.

ADABIYOTLAR

1. Петренко Ж.А. Эффективность использования земельных ресурсов: экономико-аналитический аспект/Ж.А. Петренко, Е.А. Томашевская / Вестник Полтавской государственной аграрной академии – 2012. – № 2. – С. 162-168.

2. Зинченко О. И. Кормопроизводство: Учебное издание. – 2-е изд., доп. перераб. –М.: Высшее образование, 2005. – 448 с.

3. Гатаулина Г. Г., Объедков М. Г. Практикум по растениеводству – М.: Колос, 2005. – 304 с.

4. Сауханов Ж.К. Экологик танчик шароитида чорвачиликда ишлаб чиқариш ва трансакция харажатлар. // ҚҚДУ Хабарномаси. -Нукус, 2019, №4. 4146 б.

5. Сауханов Ж.К. Ерларни шўрланиши натижасида вужудга келаётган ташқи самаралар турлари, уларни туркумлаш ва баҳолаш кўрсаткичлари. // Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси. 2022, №2. 187-192 б.



Академик Убайдулло Носиров 1935 йил Жиззахда таваллуд топган. Болалиги машъум уруш йилларига тўғри келгани учун жуда оғир кечади. Ўша давр болалари сингари меҳнатга эрта кўникиди. Қишнинг аёвсиз совуғи-ю ёзнинг жазирамасига қарамай тенгдошлари билан турли юмушларни бажарди. У мана шундай оғир шароитда ҳам мактабда фанларни яхши ўзлаштирди, ўткир зеҳни, илмга бўлган меҳри, ноёб қобилияти билан синфдошларидан ажралиб турарди.

Мактабни имтиёзли тамомлаб, Москва мўйначилик институтининг қорақўлчилик факультетига ўқишга кирди. Таълимдаги ислохотлар сабаб ўқишни Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида давом эттирди.

У. Носиров аспирантурани тугатгандан сўнг Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳида ишга қолдирилди. Аввалига илмий ходим, сўнг гўштдор қорамолчилик лабораторияси, кейинчалик қорамолчилик бўлимининг мудири вазифаларида ишлади. 1965-1982 йиллар давомида бўлим жамоаси сезиларли даражада кенгайтирилиб, истиқболли ёш олимлар билан мустаҳкамланди.

Убайдулло Носиров 1982-1984 йилларда Республика селекция марказига раҳбарлиги даврида

Устозни хотирлад

Илмда маълум манзилга етмоқ ғоят мураккаб. Кўзланган мақсадга тинимсиз изланиш, ҳаловатдан кечиш, метин ирода орқалигина эришиш мумкинлигини аҳли илм жуда яхши билади. Шу сабаб чорвачилик соҳасида забардаст олим Убайдулло Носировни шогирдлари юксак эҳтиром билан ёдга олишади.

қорамолчиликда кенг миқёсли селекция, наслчилик хизмати-ни юритиш бўйича янги тизим яратилди.

Бу каби янгиликлар жадал давом этди. Жиззах вилояти Бахмал туманидаги “Бахмал” тажриба хўжалигида сан-та-гертруда зотли гўштдор қорамолларнинг репродуктор подаси ташкил этилди.

1984 йилнинг июнь ойида У.Н.Носиров Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳига директор этиб тайинланди. Сўнгра 1989 йилди “Племэлита” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош директори лавозимида сайланди. Шу йиллар мобайнида ЎзЧИТИ Ўрта Осиё минтақасида чорвачилик ҳамда озуқа етиштириш бўйича биринчи илмий марказ бўлиб қолди ва илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш Бош илмгоҳига айланди.

У. Носиров Тошкент қишлоқ хўжалик институти билан педагогик ҳамкорлиги, сўнг Тошкент давлат аграр университетида фаолият кўрсатиши билан педагогик маҳоратини намоён этди. Кўплаб зоотехник кадрлар, магистрлар, фан номзодлари ва докторларини тайёрлаши, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик ишланмалар салоҳият намунасининг яққол исботидир. Педагогик вазифа билан илмий тадқиқот ишларини юқори

салоҳиятда бажариш профессор устозимизнинг табиати ва фидойилиги билан чамбарчас боғлиқ.

2006-2008 йилларда “Фермер хўжалиқларини барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг илмий ва амалий асослари”, 2009-2011 йилларда “Қорамолчилик фермер хўжалиқларини модернизациялашнинг селекция ва технологик асослари”, 2012-2014 йилларда “Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқлар чорвачилигини модернизациялаш истиқболлари”га хос илмий ва амалий муаммолар ишланди ва монография шаклида чоп этилди.

Илм-фандаги янгиликлари, уларни амалиётдаги иқтисодий самараси давлат томонидан эътиборга олинди у турли даражадаги мукофотлар билан тақдирланган. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби” Фахрий унвони берилган. Устоз Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланганди.

Мана шундай сермазмун умр кечирган устозимиз қолдирган улкан илмий мероси бугунги авлод учун ҳам ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Муҳайё ДУСМУХАМЕДОВА,
қ.х.ф.д., профессор,
Улуғбек БАЛЛАСОВ,
қ.х.ф.н., доцент,
ТошДАУ.

УНИ МАҲМУД ТОИРОВ ДЕЙДИЛАР!..

Газета-журналларда унинг мақола ва шеърларини ўқиганлар севимли шоиримиз Маҳмуд Тоир билан адаштиришади. Лекин уларнинг муаллифи севимли шоиримиз Маҳмуд Тоир эмас, серқирра ижодкор Маҳмуд Тоиров!

Зиёли, самимий ва камтарин Маҳмуд ака Тоиров билан “Ўзбекистон овози” – “Голос Узбекистана” газеталари бирлашган таҳририятида ишлаб юрганимизда танишганмиз. Долзарб мавзулардаги мақолаларим рус тилига таржима қилиниб, “Голос Узбекистана” газетасида ҳам берила бошланди. Бирлашган таҳририят бўлгани учун бунини одатий ҳолдай қабул қилдим, лекин таржималарнинг пухталигидан ҳайрон қолдим. 2013 йил 17 май куни “Голос Узбекистана” газетасида “Звезда эстрады Анна Герман” мақолам чиққанда ҳайратга тушдим. Мақолам юксак савиядагина эмас, меҳр билан таржима қилинганди. Дарҳол мақолам таржимони Маҳмуд ака билан учрашиб, ташаккуримни айтдим. Ўша кундан кейин у киши билан қадрдонлашиб, ҳаммаслак бўлиб кетдик.

2001 йили Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига ишга ўтди ва партия нашри бўлган “Ўзбекистон овози” – “Голос Узбекистана” газетаси билан мустақам ҳамкорликни йўлга қўйди. Ўзи долзарб мавзуларда мақолалар ёзди ва партиянинг фаол аъзоларини бу жараёнга таклиф қилди. Партия ишлари тарғиботини янада яхшилаш учун у 2008 йили “Голос Узбекистана” газетасига бўлим бошлиғи вазифасига тайинланди. Олти йил давомида ўзи ёзган, таржима қилган, тайёрлаган мақолалари газета саҳифаларидан жой олди ва зиёлилар эътиборини қозонди.

2014 йилдан “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” – “Сельское хозяйство Узбекистана” журнали таҳририятида фаолиятини давом эттирди. Бу бежиз эмас, падари бузруквори узоқ йиллар иккита жамоа хўжалигида раис, кейин юртимизда ташкил этилган биринчи иссиқхонада директор бўлиб ишлаганди. Шу боис у қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича етарли билимга эга эди.



Бундан ташқари, Маҳмуд ака давлат ташкилотларида ишлаган даврида қанчадан-қанча қишлоқ хўжалиги илғорлари, олимлари билан яқиндан танишганди. (Шу журналда чиққан мақолалари кейинчалик “Ҳаёт битиклари” китобига киритилди).

У 2022 йилдан “АгроБизнесИнформ” журнали бош муҳаррири сифатида фаолиятини давом эттириб келаяпти. Маҳмуд ака қаерда ишламасин ижод қилишдан тўхтамади. Бироқ, ижод маҳсуллари тўплаб, китоб ҳолида нашр эттирмади. Бу хайрли ишни олтмиш ёшга қадам қўйгандагина бажарди. 2014 йили унинг “Ҳаёт сўқмоқларида” номли китоби нашрдан чиқди.

Маҳмуд ака 1980 йили консерваторияни тугаётган Дилоромга уйланди. Ҳозирги кунда турмуш ўртоғи пойтахтимиздаги 21-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида фортепиано бўлими мудири бўлиб ишляпти. Ўғли Азамат отаси изидан борди — журналист, қизи Малика — юрист.

Етмиш ёшни қаршилаётган Маҳмуд ака ҳаётда бахтини, қуёш нурларидай олтин сўзларни, юраги тубидаги шеърларни топди (шеърлар юракда яшайди дея бежиз айтилмаган). Истагимиз, топган бахти, сўзлари, шеърлари кўнглини қаритмасин, қалбидан ҳаёт шавқини аритмасин. Яна узоқ йиллар ижод намуналари билан ўзига, бизга шодлик улашаверсин!

Асрор МЎМИН,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrar-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И
ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО
УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLYEV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV

Shavkat XAMRAYEV

Anvar TO'YCHIYEV

Ravshan MAMUTOV

Abrol VAXOBV

Bahrom NORQOBILOV

Nizomiddin BAKIROV

Shuhrat TESHAYEV

Bahodir MIRZAYEV

Ravshanbek SIDDIQOV

Mirziyod MIRSAIDOV

Baxtiyor KARIMOV

Ibrohim ERGASHEV

2025-yil, fevral №2.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan
olindi, deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Томорқа ва дехкончилик ерларида юкори даромадли экинлар етиштириш бўйича янги ташаббуслар илгари сурилди	1
Мамлакатимиз сув хўжалиги меҳнаткашлари фаолияти рақамларда	3
Тежамкорлик диққат марказида	5
Ғ.ШОДИЕВ. Зиммаизга масъулиятли вазифа юкланган	6
Х.КАРИМОВ. ЖБНС: Мамлакат сув хўжалиги тизимидаги йирик ташкилот	7
Ғ.РАХИМОВ. Тоза сув – тотли ҳаёт	8
Х.ИДРИСОВ. Энг қимматли озиқ-овқат экинлари	10
У.УСМОНОВ. Қовуншуносликка баҳшида умр	12
Д.МАРАСУЛОВА. Пахтачиликнинг дилбар олимаси	13
У.МАМАЖОНОВ. Камолот – қатъият ва ташаббускорликда	14
Ш.НОРМУРОДОВ. Яшиллик асоси: ер “ўпқаси” ўрмонлар — бебаҳо бойлигимиз	15
Р.СИДДИҚОВ. Ғаллакорга қўлланма	17
Д.ЖўРАЕВ, Б.ХАЙДАРОВ, К.ИСАКОВ, С.РУСТАМОВ, Ж.МАВЛАНОВ. Қиш ойларида лалми майдонларда амалга оширилаётган асосий агротехник тадбирлар	22
Д.ЖўРАЕВ, Т.МАМАТҚУЛОВ, А.МУРАТКАСИМОВ, Ж.МАВЛАНОВ. Лалми ерларда донли экинларнинг қиш давридаги ҳолатини кузатиб бориш усуллари	24
Р.ТОЖАЛПЕВА. Она замин заҳматкашлари	26
Қадами қутлуғ фермерлар	28
Истиқболли режалар — тараққиётга замин	31
М.САИДОВ. Инновациялар фаровонликка хизмат қилади	32
З.НОВИЦКИЙ, С.АРАБОВ, Г.АТАДЖАНОВА. Дегридованным пастбищам – устойчивую экосистему	34
А.АЗИМОВ, О.ЭРҒАШЕВ, Э.КАРИМОВ, А.ҚАХРАМОНОВ, А.ШОДМОНОВ, С.РАХМОНОВ, Ғ.ХОЛЛИЕВ, Ш.АБДУРАСУЛОВ, Г. hirsutum L. генотипларида бош поя баландлиги белгиси кўрсаткичлари бўйича популяция таркибининг намоён бўлиши	36
Б.ЎРОЗОВ, Г.ШОДМОНОВА, Ф.ТОРЕЕВ, Р.ЭГАМБЕРДИЕВ. Ғўзани дурагайлаш натижасида яратилган тизмаларнинг тезпишарлик, кўсаклар ва чигитлар йириклиги, тола чиқими белгилари шаклланиши ..	39
Ю.ХОЖАМКУЛОВА, Ж.МАЛЛАЕВ, Ж.ХИКМАТОВ. Содержание амилазы, крахмала и белка в зернах риса (<i>Oryza sativa</i>), выращенных при различных слоях воды	42
К.АЗИЗОВ. Оқ жўхорининг пакана бўйли, тезпишар, дон ҳосилдорлиги юкори бўлган нав ва тизмаларини яратишда хорижий намуналар ичидан бошланғич манбаалар танлаш	45
Ғ.ҒАЙМУРОДОВ. Ekish muddatlari va me'yorlarining oq jo'xori mahsuldorlik ko'rsatkichlari hamda pichan hosildorligiga ta'siri	49
Х.АБДУЛЛАЕВА. Ғўзада илдиз қурти (<i>Agrotis segetum</i>) га қарши қўлланилган препаратларнинг самарадорлиги	51
З.ЕГАМБЕРДИЕВА. Sigirlarning qishki ratsionini boyitishda gidropon yashil ozuqalardan foydalanish	54
Б.МАТЯКУБОВ, А.ХАМИДОВ. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда сув тежамкор технологиянинг ўрни	56
Ғ.ҒАЙПОВ. Qishloq xo'jaligi yerlaridan samarali foydalanishni optimallashtirish	59
М.ДҮСМУХАМЕДОВА, У.БАЛЛАСОВ. Устойки хотирлаб	62
А.МУМИН. Уни Маҳмуд Тоиров дейди!..	63

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzili: 100004, Toshkent sh., Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 93 500-54-99,
+998 90 946-22-42.

Veb sayt: qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@mail.ru
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: qxjurnal

Bosma topshirildi: 2025-yil 3-fevral.
Ofset usulida chop etildi.
Qog'oz bichimi 70x100 1/16.
Shartli bosma tabog'i – 5,5.
Nashr bosma tabog'i – 1,31.
Buyurtma: №2. Nuxsasi 1200 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ
matbaa bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri,
Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi
ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – **A.TAIROV**
Dizayner – **U.MAMAJONOV**



профессионал ем-хашак тайёрлаш техникаси



тойлаб-зичлагич



рулонли
тойлаб-зичлагич



рулон ўрагич



дискли ўргич



хаскашлар



юкни ўзи туширувчи
тиркама



органик ўғит сочиш
мосламаси



рулон
майдалагич



Манзил: Тошкент ш., 8 март кўчаси, 57-уй
(мўлжал: Сарикўл, Яшил бозор, Топчан меҳмонхонаси)

+ 998 93 555-00-95

+ 998 99 987-20-50

**LIZING
KREDIT**



Mercedes-Benz Uzbekistonda

«SARDOR AVTO INVEST» DM
Toshkentdagi rasmiy diler | Tel.: 78 150 13 60



www.mercedes-tashkent.uz



CHANGAN LABO PUL TOPAR MASHINALAR

**LIZING
KREDIT**



“SARDOR AVTO INVEST” TOSHKENTDAGI RASMIY DILER
(78) 148 09 11, (90) 174 09 11

www.sardor-avto.uz

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN